

О'ЗВЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№11. 2021

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТИНЧ ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК



“Ўздонмаҳсулот”
акционерлик жамияти таркибидаги корхоналар зиммасига ўта залворли ва масъулияти вазифалар юкландган. Ушбу жамоалар биринчи галда юртимиз аҳлини сифатли ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, агар соҳанинг чорвачилик тармоғи учун талабларга мос омухта ем маҳсулотлари етказиб беришни гарданларига олишган.



30 ЙИЛЛИК ШАРАФЛИ ЙЎЛ



Илк маҳсулотларини бундан роп-па-роса 30 йил, Ўзбекистон эндиғина Мустақиллик йўлига туша бошлаган кезларда истеъмолчиларга етказиб берган “Дўстликдоммаҳсулотлари” АЖ ўтган давр ичida нафақат ўзи масъул бўлган юмушларни адо этиб келмоқда, балки эришган ва эришаётган ижобий натижалари билан тизимнинг энг илғорларидан бирига айланаби улгурди.

– Жамиятимиз цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, айниқса, 1-навли унимиз бозорда ўзининг рақобатбардошлигини исботламоқда, – дейди АЖ бош муҳандиси Умарқул Омонов. – Биз билан ҳамкорлик қилаётгандарнинг барчаси, айниқса, истеъмолчилар билан мулоқот қилиб кўринг: Улар корхонамиз тўгрисида илиқ фикр билдириши, “Дўстлик уни” ўзларига ҳар томонлама маъкул келаётганини маълум қилиши аниқ.

Хўш, корхона қандай омиллар эва зига яхши кўрсаткичларга эришмоқда, эътирофга сазовор бўлдаяти? Ҳеч иккимасдан айтиш мумкинки, ютуқларга акционерлик жамиятида ишлаб чиқаришнинг мунтазам модернизация

қилиб борилаётгани (жумладан, 2014 йилда амалга оширилган реконструкция ишлари), цехларга хорижда ишлаб чиқарилган энг илғор ва замонавий дастгоҳлар ўрнатилгани ишончли замин бўлмоқда. Кўрсаткичларнинг мунтазам равишда ошиб боришига салкам 300 нафар ишчи-ходимдан иборат жамоанинг аҳиллиги, жамият раҳбариятидан тортиб, оддий ишчи-ходимгача бир танубир жон бўлиб ҳаракат қилаётгани ҳам асос бўлаётгани шубҳасиз.

– “Дўстликдоммаҳсулотлари” АЖ цехларидан бир кунда 165 тонна ун ва 100 тонна омухта ем ишлаб чиқарилади, – дейди жамият раҳбари Шаобид Гаппоров. – Маҳсулотларимиз Жиззах вилояти чегарасидан ошиб ўтиб, юртимизнинг узоқ-яқин худудларигача етиб бормоқда. Истеъмолчининг кўнгли нозик: Бир марта ҳафсаласини пир қилган маҳсулотни кейин қўлига олмайди. Шу сабаб ҳам, кун сайин фаол ва унумли ишлаш, маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор қаратишни ўзимизга шиор қилиб олганмиз.

Акционерлик жамияти жамоасининг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

Ана шу ёшларга касб сирлари, техника ва технологиялардан фойдаланиш, иш жараёнида ўзини тутиш сирларини ўргатадиган, маслаҳат берадиган мутахассислар етарлича. Бу борада соҳада 35-40 йилдан бўён меҳнат қилиб келаётган Умарқул Омонов, Фарҳод Назаров. Ўқтам Намозбоев, Фани Бобомуродов каби кўпни кўрган, тажрибали инсонлар номини тилга олиш ўрини.

Жорий йилда мамлакатимиз давлат ресурслари учун 2 ярим миллион тоннага яқин ғалла қабул қилинди. Ана шу юксак хирмонда Жиззах вилояти ғаллакорларининг ҳиссаси борлиги ҳам шубҳасиз. Мўл ҳосил эса, албатта, уруғлик доннинг саралиги, сифатига боғлиқ. “Дўстликдоммаҳсулотлари” АЖ жамоаси буни яхши англайди. Жорий йилда воҳа дәҳқонлари учун зарур бўладиган уруғлик доннинг 40 фоизи (10 минг тоннаси) айнан улар томонидан тайёрлангани ҳам корхона салоҳияти юксаклигини исботлаб турибди.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТЕРМИЗ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮФРИСИДА

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иклим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан, жумладан, мевали ва ёнғоқ мевали, сабзавот, полиз, дондуккали экинлардан юқори ҳосил олиш, уларнинг касаллик ва зараркунандала-рига қарши курашиш, илфор, интенсив агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш учун замонавий билим ва кўнікмаларга эга олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Йқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали не-гизида **Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини** (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Институтнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб **худудларни ихтисослаштириш**, экспортбоп ва даромадбоп қишлоқ хўжалиги экинларини етиширишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигига инновацион ресурстежамкор технологияларни ҳамда рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган **кадрлар тайёрлаш**;

ўкув машғулотлари, малакавий амалиётларни ўташда талабаларни инновацион ва янгича фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда **уларнинг мустақил изла-нишини таъминловчи механизмларни** кенг жорий этиш;

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иклим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан, мевали ва ёнғоқ мевали, сабзавот, полиз, дондуккали, субтропик ва тропик экинларни парваришлашнинг био-, нано- ва ресурстежамкор ҳамда интенсив технологияларини ишлаб чиқиш;

Институт **ер майдонларида** ички ва ташки бозор эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда, **қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил**, шўр ва қурғочиликка, касаллик ҳамда **зараркунандаларга чидамли**, маҳсулот сифати юқори бўлган **нав ва дурагайлари селекцияси** ҳамда **уругчилигини йўлга қўйиш**;

илмий ходимларнинг илфор инновацион технологияларни яратиш бўйича ташаббускорлигини кўллаб-куватлаш, уларнинг новаторлик ғояларини ишлаб чиқаришга жорий этишига кўмаклашиш;

кластерлар, кооперациялар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун кўргазмали дала майдонларини ташкил этиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида **профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва магистрларнинг малакасини ошириш**.

2. Белгилансинки, Институтда 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб:

бакалавриат таълим йўналишларида таълимнинг кредит-модуль тизими босқичма-босқич жорий этилади. Бунда, талабалар учун ҳафтанинг шанба куни мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўкув режалари ва фан дастурлари хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқланади.

Институтнинг фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

2022 йил якунига қадар Институтда **Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан** талабалар, магистрлар ва илмий изланувчилар ҳамда ёш профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишланмалари асосида лойиҳаларнинг стартаплари-ни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланувчи IT-инкубатор илмий инновацион марказини ташкил этсин;

Институтга тегишли ер майдонларида халқаро грант маблағлари ҳисобидан анор, хурмо, лимон, қора олхўри, узум

ва бошқа мева-сабзавотларнинг юқори ҳосилли, йилига 2-3 маротаба ҳосил олишга имкон берадиган навларини яратиш бўйича кўргазмали дала майдонларини барпо этсин;

анор, хурмо, лимон, қора олхўри ва узум этиширишнинг янги самарадор агротехнологияларини яратиш бўйича бажариладиган йиллик мақсадли илмий лойиҳаларни шакллантириб, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим қилсан. Бунда, Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли илмий-техник кенгашларнинг асослантирилган хуносалари асосида белгиланган тартибида грант маблағларини ажратиш чораларини кўрсинг;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда келгуси йиллар учун мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида Институт ҳудудида бино ва иншоотларни куриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини олий таълим соҳасига ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Йқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақлифлар киритсан.

4. Қўйидагилар:

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтидаги бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларига бириктирилаётган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига амалиёт ўташ учун бириктирилаётган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Белгилансинки:

Институт Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча ҳукуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳукукий вориси ҳисобланади;

Институтга қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиқсан ҳолда аникланади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўкув режалари ва фан дастурларини ресурс тежовчи технологиялар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда талабаридан келиб чиқиб қайта ишлаб чиқсан ҳамда ўкув жараёнига жорий этсин;

ҳудуднинг кадрларга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиб, Институтда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кечки (сменали) таълимни ташкил этиш, **2022 йилдан бошлаб** илмий салоҳиятни ошириш учун олий таълимдан кейинги таълим (докторантураси)га қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича қабулни ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақсиланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилаб қўйилсинки, Институтни бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан:

Институтнинг “Анорчилик” йўналишидаги профессор-ўқитувчиларини ва таҳсил олаётган ёш олимларини анор етишириш тажрибасини ўрганиш учун илғор хорижий давлатларга малака ошириш курсларига ва стажировкаларга юборилишини;

хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлиқда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўкув режаларини хорижий эксперталар иштироқида белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини;

Институтнинг профессор-ўқитувчиларини, илмий ва техник-муҳандис ходимларини ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда ва ийрик ишлаб чиқариш ташкилотларида стажировка ўташи бўйича дастурлар ишлаб чиқилишини ва унинг амалга оширилишини;

икки ой муддатда Институтнинг тузилмаси ва устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Институтта танлов асосида, шу жумладан, республика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалий тажрибага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчilar жалб этилишини;

Институтнинг ахборот-ресурс маркази маҳаллий ҳамда хорижий ўкув ва бадий адабиётлар билан тўлдирилишини таъминласин.

10. Республика олий таълим тизимидағи мавқеи, илмий салоҳияти, узоқ йиллар давомида шаклланган анъаналарини инобатга олган ҳолда Тошкент давлат аграр университети зиммасига қўйидаги йўналишларда Институтга кўмак бериб бориши юклатилсин:

салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда таълим ва илмий фаолиятни ташкил этиш, таълим, тарбия, илмий ва ўкув жараёни самарали бошқариш;

таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, дарслик, ўкув қўлланмалари, ўкув-услубий материаллар ва ахборот ресурслари билан таъминлаш;

профессор-ўқитувчilarнинг малакасини ошириш ва иқтидорли ёшлар селекциясини амалга ошириш, илмий-тадқиқот ишлари учун қўшимча шароитлар яратиш ва “устоз-шогирд” тизими асосида илмий мактабларни ривожлантириш;

11. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

Институтга хориждан ва республиканинг бошқа ҳудудларидан ишга таклиф этилган мутахassislarни турар жой билан таъминлаш мақсадида Тер-

миз шаҳрида қурилаётган арzon уйжойлардан имтиёзли шартлар асосида эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда хонадонлар ажратилишини;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил якунига қадар талабалар контингенти ошиб боришини ҳисобга олиб, 2022/2023 ўкув йилидан Институтга яқин бўлган ҳудуддан қўшимча бино ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилишини таъминласин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг:

Институтга Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини, Лимонзор қишлоғи ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳукуки асосида бериш, унинг ўкув ва лаборатория жиҳозлари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникалари, компьютер техникалари, ўкув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулкини топшириш;

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча талабаларини Институтнинг мос таълим йўналишлари ва мутахassisliklariiga ўтказиш ҳамда 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Институт дипломини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июндаги “Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 479-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатлariiga мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориши, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқластириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2021 йил 28 октябрь**

АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚДА

Мамлакатимизда ўзга соҳаларда бўлгани каби олий таълимда ҳам жадал ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жорий йилда талабалар сони ярим миллиондан ошганлиги ҳам фикримизга далил бўлади. Мазкур ислоҳотлар аграр соҳа учун кадрлар тайёрлашга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистонда аграр сектор учун малакали мутахассисларни тайёрлаш билан қатор олий таълим муассасалари шуғулланади, шу жумладан, Тошкент давлат аграр университети (ТДАУ) улар орасида етакчи олийгоҳлардан ҳисобланади.

Бугунги кунда қарийб 11 минг талаба таҳсил олаётган Марказий Осиёнинг энг йирик аграр университети – ТДАУ ҳудуди таҳминан 30 гектар майдонни ташкил этади. Бу ерда 8 та ётоқхона, ўкув, лаборатория ва маъмурият бинолари, ошхона ҳамда йирик спорт мажмуаси мавжуд.

Жорий йилнинг октябрь бошидан бошлаб, ТДАУ даги ўқув-таълим, ижтимоий-иктисодий ва маъмурий жараёнларни такомиллаштириш ишларига маҳаллий ва ҳорижий эксперталар таклиф этилган бўлиб, уларнинг олдига таълимнинг барча жараёнларини тўлиқ оптималлаштириш вазифаси юклатилди.

Мутахассислар томонидан соҳани ривожлантириш юзасидан талабаларнинг амалиётларини етакчи агрокорхоналарда ва илмий-тадқиқот марказларида ўташ тизими йўлга кўйилади, талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳорижда малака оширишига ҳамда таълим соҳасида замонавий ёндашувларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Университет ўзини-ўзи бошқариш ва молиялаштириш тизимига ўтади, шунингдек, таълим сифатини текшириш жараёнини ривожлантириш, университетнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича аниқ стратегиялар ишлаб чиқилади.

Йирик агрокластерлар ва қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларини ишлаб

чиқарувчилар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, улар дастлабки босқичда 4 та долзарб мавзу ўқув-таълимда 18 та техникумларнинг ўкув ва илмий адабиётларини қишлоқ ҳужалиги вазирлиги хузуридаги ягона электрон маълумотлар базасига бирлаштириш бўйича рақамли “Ахборот-ресурс маркази”нинг тўлиқ оптималлаштириш вазифаси юклатилди.

Вазирлик тизимидағи 5 та олий таълим муассасалари, 13 та илмий-тадқиқот институтлари ҳамда 18 та техникумларнинг ўкув ва илмий адабиётларини қишлоқ ҳужалиги вазирлиги хузуридаги ягона электрон маълумотлар базасига бирлаштириш бўйича рақамли “Ахборот-ресурс маркази”нинг тўлиқ оптималлаштириш вазифаси юклатилди.

Ўкув жараёнига рақамли технологияларни фаол татбиқ этиш мақсадида муассасасининг бир неча маъруза залларига интерактив электрон минбарлар, замонавий ЛЕД-мониторлар ўрнатилди.

Университет биноларидағи 52 та ўкув аудиториялари ва 3 та илмий лабораториялар ҳолати техник эксперталар томонидан таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги доирасида амалга ошириладиган қиймати 2 миллион долларига тенг “марказлашган модуль лабораториялар” лойиҳаси амалиётга татбиқ этиш учун тайёрланмоқда. Мазкур лабораториялар профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўкув жараёнига қонгурларига ҳамда қишлоқ ҳужалиги соҳасидаги тадбиркорларга амалий хизмат кўрсатиши учун мўлжалланган.

Жорий йил якунига қадар қиймати 2,6 миллион долларга тенг бўлган замонавий “Экофизиологик тадқиқотлар” илмий лабораторияси фаолиятини йўлга кўйиш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар 2 миллион долларга тенг бўлган лаборатория жиҳозлари олиб келинди.

Инфратузилма ва коммунал шаротларни яхшилаш борасида ТДАУнинг ўкув, маъмурият бинолари ҳамда талабалар турар жойларини узлуксиз иситиш ва исик сувни таъминлаш учун 7 та замонавий қозонхона ва 4 та ер остидан сув чиқариши иншоотини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тегишили экспертизадан ўтказилди ва қурилиш ишларини бошлашга фаол равишда тайёргарлик кўрилмоқда.

Йил охирига қадар талабалар турар жойларида кўшимча 400 ўринни яратиш режалаштирилган. Кейинги ўкув йилигача, фойдаланишдан чиқсан бинолар ўрнида 800 ўринга мўлжалланган замонавий 2 та талабалар турар жойларини қуриш кўзда тутилган.

– Булар факат яқин келажакдагина ТДАУни кутаётган дастлабки ўзгаришлар, холос, – деди қишлоқ ҳужалиги вазири ва ТДАУ ректори Жамшид Хўжаев. – Олийгоҳда бошланган ислоҳотлар ва янгиликлар талабалар ҳамда педагогларнинг ўкув жараёнига бўлган қизиқишини оширишига, ва албатта, таълим сифати даражасига ўз таъсирини ўтказишига ишонамиз. Буларнинг барчаси илмифан ва технологиялар асосида, ер ва сув ресурсларидан оқилона ҳамда самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳужалигини жадал ривожлантиришдан манфаатдор бўлган аграр соҳанинг янги мутахассислари пайдо бўлиши учун асос бўлиши зарур. Бу ахолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳақиқатан ҳам муҳим ва керакли бўлган масаладир.

Ўз мухбиримиз.



КЎСАК ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИ СИФАТАИ ИШЛАТИШ

Ғўзадаги лўппи очилган пахталар билан ёки кўлда иккى марта териб олингандан кейин тупларда муайян миқдорда ярим очилган кўсаклар (оқала), кўк кўраклар ва пахта паллалари (якка чигитлар) қолиб кетади. Бундай ҳосил қолдиқлари кўсак териш машиналари ёрдамида йиғиштириб олинса, гектар ҳисобига ялпи ҳосилдорлик ошади. Шу мақсадларда кейинги йилларда “Технолог” АЖ томонидан СКО-2,4 ва СКО-3,6 типидаги кўсак териш машиналарини саноат усулида ишлаб чиқариш ҳамда фермер хўжаликлари ва пахтатўқимачилик кластерларига етказиб бериш йўлга кўйилди.

Уч ғилдиракли чопик трактори билан яримосма шаклида агрегатланган мазкур машина ишчи аппаратлар, кўндаланг шнек, лентали юклагич, пахта тозалагич ва бункер каби қисмлардан иборат.

Машина дала бўйлаб ҳаракатланганда ғўза туплари ишчи аппаратига кия ҳолда ёнма-ён ўрнатилган иккита айланувчи рифли валиклар орасидаги иш тирқишига киради. Валиклар туплардаги қолдик ҳосилни сидириб олиб, ёнидаги шнекларга ташлайди. Ҳосил бу шнеклардан кўндаланг катта шнекка, ундан лентали конвейер (юклагич) орқали пахта тозалагичга узатилди.

Тозалагични иккى хил технологияда ишлатиш мумкин: келиб тушган кўсаклар тозаланади ёки тозаланмайди. Кўсаклар кўйидаги кетма-кетлиқда тозаланади: чақиши барабани кўсакларни очади; катта аррали барабан чақилган кўсакларни чубиб, пахта ва хас-чўларга ажратади; устма-уст жойлашган иккита кичик аррали барабанлар тишлари пахталарни илинтириб олади, хас-чўлар ерга тўклилади; чўткали барабан учала аррали барабанлар сиртларидаги пахталарни тозалаб олади ва кўндаланг шнекка ташлайди; шнек уларни пневмотранспорт кувурига етказиб беради; вентилятор пахталарни ҳаво оқими ёрдамида бункерга узатади.

Терилган кўсакларнинг намлиги 35 фоиздан юқори бўлганда, тозалагичнинг заслонкаси “кўрак” ҳолатига ўтказилади. Бунда кўраклар барабанлар орасига тушмай, тўғридан-тўғри бункерга ташланади.

Агар ғўза тупларида кўрак кўп бўлса, машина шундай созланадики, бунда кўрак фақат чақилади ва бункерга йиғилади. Чакилган кўраклар хирмонда тез курийди ва осон тозаланади.

Ҳосил теримининг тўлиқлиги ва аралашма тозаланиш даражасининг юқори бўлиши иш бошлашдан олдин машинанинг тўғри созланishiiga боғлиқ. Шуни яхши билиш лозимки, қисмлари тўғри созланган машина бирдай равон, ортиқча шовқин чиқармасдан ишлайди. Чўтка қиллари аррали барабанларнинг сиртига тегиб туриши ёки тишларга кўп билан 2 мм ботиб туриши лозим. Бу барабанлар орасидаги тирқишилар кенглиги уларнинг таянч подшипниклари корпуслари остидаги қистирмаларнинг ортиқасини олиб ташлаш ёки қўшимча қистирмалар кўйиш орқали ростланади.

Чақиши барабанининг декаси корпусдаги болтларни овал шаклини ўйиқлар бўйлаб силжитиб ростланади.

Агар чўткали барабанлар тишларига етарлича ботиб турмаса, пахта паллалари уларнинг сиртидан тўла сидириб олинмайди ва аралашма яхши тозаланмайди.

Рифли валикларнинг учлари ва марза чўқиси орасидаги тик масофа (40-50 мм) аппарат осиш курилмасидаги бармоқлар кўйилган жойларни ўзгартириш орқали созланади.

Валикларнинг кириш қисмидаги иш тирқишининг кенглиги ғўзадаги қолдиқ ҳосил чўғига қараб 18-25 мм оралиқда ташланади.



Транспортер лентасининг таранглигини созлаш учун етакловчи барабан корпуси силжитилади. Ортиқча тарангланган лента деталлардаги юкланиши ошириб, тасмани чўзиб юборади, кам таранглангани тасманинг шатаксирашига ва транспортёрнинг тиқилиб қолишига олиб келади.

Вентилятор тасмаси бўш бўлса, парракнинг айланиш тезлиги, демак-ки, пневмотранспорт тизимидағи ҳаво босими пасяди ва иш сифатига пуртур етади.

Барабанларни айлантирувчи тасмаларнинг таранглиги доимий назорат қилинади, узилганлари ва чўзилганлари янгиларига алмаштирилади.

Иш сифати ва унуми юқори бўлиши учун механизатор далада машинани тўғри ишлатиши керак. Аввало, машина далага сеялка изидан солинади. 10-20 метр юргандан кейин терим тўлиқлиги текширилади, паст бўлса, ишчи аппарат қайта созланади, керакли ҳаракат тезлиги ташланади. Иш жараёнда аппаратурлар иложи борича пастга туширилади.

Кўндаланг шнек ёки транспортёр тиқилиб қолганда, конвейернинг тубидаги қопқок очилади, хас-чўлар олиб ташланади. Тозалагич тиқилганда тепадаги қопқоқ очилади, тозалаш камераси ва шнеклардаги ўт-ўланлар, хас-чўлардан тозалаб олинади.

Мезанизатор машинада содир бўладиган камчиликларни даланинг ўзида кўйидагича бартараф этади: ҳосил қолдиқлари туплардан чала терилганда – иш тирқиши торайтирилади, аппаратлар пастроққа туширилади, машина тўғри қаторларга туширилади; валиклар орасидаги иш тирқишининг охирига ғўзапоя йиғилиб қолганда – иш тирқиши кенгайтирилади, ёнма-ён жойлашган аппаратлар орасидаги масофа (90 ёки 60 см) қайта созланади; ҳосил қолдиқлари ерга кўп тўклилганда – тракторнинг тезлиги камайтирилади, машина асосий қатор ораларига ўтказилади, иш тирқиши торайтирилади; бункердаги пахтанинг ифлослиги меъёрдан ошиб кетганда – аррали барабанлар тишлари ва чўтка қиллари орасидаги тирқиши ростланди, қиллари ейилган чўткали янгиларига алмаштирилади, тозалагичнинг етакловчи понасимон тасмаси тарангланади, барабанлар сиртига ёпишиб қолган ифлосликлар олиб ташланади, тозалагичнинг иш режими “кўрак” ёки “чақиши” ҳолатига ўтказилади.

Ҳар сменадан кейин машинага техник хизмат кўрсатилади. Резьбали бирикмалар тортиб маҳкамланади. Барабанлар ташчилари мойланади. Тасмаларнинг таранглиги текширилади. Синган ёки бузилган деталлар созларига алмаштирилади. Барча барабанлар лой, чанг, мой, пахта толалари ва тупроқдан ювиб тозаланади.

Шундай қилиб, кўсак териш машиналаридан тўғри ва унумли фойдаланилганда ғўза тупларида қолган пахта ҳосили тўла йиғиштириб олинади, далалар ғўзапоялардан тозаланиб, шудгорлашга барвақт тайёр бўлади.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,

т.ф.д., (ҚҲМЭИ),

Ражаббай ХУДАЙКУЛИЕВ,

т.ф.н. к.и.х., (ЎзР ФА МИСМИ).

ДЕҲҚОН ДАЛА КЕЗАДИ

**Галла парваришида ноябрь ва декабрь ойларида амалга ошириладиган
энг муҳим агротехник чора-тадбирлар**

Республикамизда 2022 йил ҳосили учун жами 1 млн. 33 минг 104 гектар майдонга бошоқли дон экинларини экиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 945 минг 339 гектар майдонга бошоқли дон экинларини экиш ишлари амалга оширилган. Ушбу ғалла экилган майдонларнинг 501 минг 951 гектар ёки 48.6 фоизида суфориш ишлари амалга оширилган.

Бошоқли дон экинларини суфориш ишлари Қашқадарё вилоятида 17 фоиз, Сирдарё вилоятида 19 фоиз, Бухоро вилоятида 32.3 фоиз, Тошкент вилоятида 42 фоиз, Самарқанд вилоятида 44 фоиз ғалла экилган майдонларда амалга оширилган холос. Республикаимизда бошоқли дон экинлари экилган майдонларнинг 301 минг 645 гектар ёки 32 фоизида ниҳоллар тўла униб чиқкан. Униб чиқкан майдонларнинг 207 минг 452 гектар ёки 68.8 фоизида ниҳоллар 1-2 барг, 58 минг 53 гектари ёки 19 фоизида 3-4 барг ҳамда 36 минг 140 гектар ёки 12 фоизи тупланган ҳолатда ривожланмоқда.

Бу йилги шароитда республикамизда пахта ҳосилини, тақорий экинларни йиғишириб олиш ишларининг бироз кечикиши, бошоқли дон экинлари ўз муддатида экилмасдан, экиш ишлари ҳар йилгидан бир мунча кечикканлиги, куз ойларининг қуруқ ва илиқ келиши, ёғингарчилликни кам бўлаётгани, сув танқислиги натижасида 2022 йил ҳосили учун экилган ғалла майдонларида ниҳолларни униб чиқиши ҳамда ривожланиши орқада қолаётгани кузатилмоқда.

Кузги бошоқли дон экинларини куз-қиши ойларида парваришацда ғаллачилик соҳасидаги маъсул мутахассислари ва фермер хўжаликлари томонидан амалга оширишлари зарур бўлган энг муҳим агротехник чора-тадбирларни қўйидагилардан иборат.

Республикамизда бошоқли дон экинларини экиш ишларини тез кунларда 1-ноябргача сифатли қилиб, тўла якунлаш чораларини кўриш.

Бошоқли дон экинлар экилган майдонларни зудлик билан суфориш ишларини сифатли амалга ошириш. Акс ҳолда, уруғлар тунги салқин нам ҳавода намлини ўзига олиши ҳамда кундузги иссик таъсирида намлини кўтарилиши натижасида, экилган ғалла уруғларини униб чиқиш энергияси пасаяди ва ниҳоллар тўла униб чиқмайди. Униб чиқкан ғалла ниҳоллари эса нимjon бўлиб қолади. Бунинг натижасида 1 гектар майдондан 1,3 млн. гача ғалла ниҳоли кам бўлади ёки ғаллани ҳосили 10-30 центнергача камайиб кетиши мумкин.

Бу йилги куз ойларининг қуруқ ва илиқ келиши, ёғингарчилликнинг кам бўлаётгани, сув танқислигини, сувдан самарали фойдаланиш мақсадида кўндаланг ўқариқларни қисқа 50-60 метр узунлиқда олиб суфориш ишларини сифатли,

кўллатмасдан амалга ошириш.

Кузги бошоқли дон экинлари экилган майдонлардаги ўсимлик ҳолати таҳлил қилиниб, буғдои тупланиши ва қишига тайёргарлик ҳолатини кучайтириш мақсадида энг биринчи на-вбатда буғдои майсалари сарғайган ва эндиғина униб чиқкан, унумдорлиги паст майдонларни гектарига соф ҳолда 30-35 кг ёки физик ҳолда 100-150 кг меъёрда азотли ўғитлар билан озиқлантирилиб, суфориш ишлари сифатли амалга оширилса, ўсимликнинг генератив органларини шаклланишига, тупланиши жараёнинга, ўсимликни тупланиш бўғинининг бақуват, ниҳолларни қишига, совуқча чидамлилигини оширади.

Ғалласи униб чиқкан ва 1-2 та туплаган майдонларга карбамид ўғитидан гектарига 100 кг дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний ўғитидан бериладиган бўлса гектарига 150 кг дан бериш тавсия этилади.

Эрта муддатларда экилган ва ғалласи ер устини тўлиқ қоплаган майдонларда гектарига 10-12 кг дан карбамид ва биоўғитлардан иборат суспензия тайёрлаб сепиш тавсия қилинади. Бундай майдонларга азотли ўғитлар билан озиқлантириш тавсия қилинмайди. Эрта феврал ойининг бошида ўғитлаш тавсия этилади.

Айрим сабабларга кўра, экиш олдидан фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилмаган ёки кеч экилган майдонларга соф ҳолда 60-70 кг дан фосфорли ва 60 кг дан калийли ўғитларни солиш тавсия этилади. Бунда аммофос бериладиган бўлса физик ҳолда 200 кг/га, оддий суперфосфат бериладиган бўлса 500 кг/га.

Калийли ўғит сифатида калий хлор ўғитидан 100 кг/га миқдорида берилиши тавсия этилади. Озиқлантирилган майдонларни енгил кўллатмай суфориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кеч экилган, энди униб чиқаётган майдонларни ҳар гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариб, суфориш ишларини сифатли, шарбат усулида бажариш тавсия этилади.

Юқорида берилган тавсияларнинг жойларда бажарилиши бўйича тегишли соҳа раҳбарларига кўрсатмалар берилиши 2022 йилда бошоқли дон экинларидан гектаридан 70-80 центнер ва ундан ортиқ ҳосил олинишига замин бўлади.

Равшонбек СИДДИҚОВ,
қ.х.ф.д., РФА академиги,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот
институти директори,
Насрулло ЮСУПОВ,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот
институти лаборатория мудири.

ТҮҚСОНБОСТИ УСУЛИДА САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Түқсонбости усули дөхқонларимиз томонидан қадымдан қўллаб келинади. Бу усулда экилган уруғлар 90 кунлик қишини қор остида босиб ўтади. Шу сабабдан ҳам бу усулни дөхқонларимиз «қорбости» ёки «түқсонбости» деб аташади.

Түқсонбости усулида экиш совуққа чидамли сабзавотлардан эрта кўкламда арzon ва мўл ҳосил етишириш имконини яратиш баробарида, кундаклик озиқ-овқат маҳсулотлари танқис бўладиган «илигузилди» пайтида витаминли маҳсулотлар билан ички бозор эҳтиёжини қоплади, экспорт имкониятларини кенгайтириб дөхқонларни бойитади.

Түқсонбости усулида экилган сабзавот экинлари эрта кўкламда ердан жуда барвақт униб чиқиб, тез ривожланиши ҳисобига эрта ҳосил беради.

Сабзавот уруғлари экилган эгатлар устидан чириган маҳаллий ўғитлар ёки дараҳт қипиқлари билан мулчалаш ёхуд шаффоф полиэтилен плёнкаларни ёпиш тадбирларини қўллаш экилган сабзавот уруғларининг эрта кўкламда барвақт униб чиқиб, жадал ўсиб ривожланиши ҳисобига ҳосил етилиши эрта баҳорда экишга қараганда 25-30 кунгача эртароқ, ҳосилдорлиги эса 15-20% га ортироқ бўлади.

Қўйида ушбу муддатда сабзавотлар етишириш бўйича тавсиялар келтириб ўтилган:

Пиёз. Түқсонбости муддатда пиёзнинг маҳаллий шароитда яратилган “Истиқбол”, “Зафар”, хорижнинг “Манас”, “Дайтона”, “Леоне” ва “Банко” навларини республика худудларининг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган уруғни түқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябр-1 декабрь кунлари экиш қилинади.



Ҳар бир гектарга 18 кг гача пиёз уруғи сарфланади. Пиёз ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см

дан олиб 3-4 қаторли усулда ёки қўлда сочиб экилади. Уруғлар ерга 1,5-2 см чукурликка қўмилади. Пиёз уруғи сепилгандан сўнг майдон сугорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Түқсонбости усулида экилган пиёз баҳорда дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келгандан ўтқ ва ягана қилинади. Қатор ораларига 15-16 см чукурлиқда ишлов берилади.

Пиёзнинг бир гектаридан 30 тоннагача ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга юқори унумдор майдонларда соф ҳолда 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор тупроқларда 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий, паст унумдор тупроқларда 320 кг азот, 220 кг фосфор ва 100 кг калий берилиши лозим.

Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 70-75% ернинг асосий ишловида, қолган қисми эса ерни бороналашдан олдин берилади. Азот ўғити ўсимликтарнинг ўсув даври давомида озиқлантириш пайтида тенг иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш пиёз яганаланиб, ўтқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса пиёз шаклдан бошлаганда берилади.

Аммо, пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди, чунки гўнг берилганда ундаги бегона ўтларнинг уруғлари униб чиқиб, бўлажак ҳосилга салбий таъсир этади.

Пиёз ҳаво намлиги паст бўлган жойларда яхши ўсади, аммо тупроқнинг сернам бўлишини хоҳлайди. Пиёз барг шапалогининг кичикилиги ва сувнинг тежаб-тергаб сарфланишига қарамасдан, унинг илдизи яхши ривожланмаган-лигидан тупроқ намлигига талабчанлиги ниҳоятда кучли.

Сабзи. Түқсонбости усулда сабзининг, асосан, илдизмеваси қизил рангли маҳаллий “Зийнатли”, “Фаровон” ёки хорижнинг “Шантане-2461”, “Курода Шантанэ”, “Нантская-4”, “Канада” ва “Карсон” каби нав ва дургайларининг уруғларини түқсонбости усулида республика худудларининг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда: жанубий

вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябр-1 декабрь кунлари экиш лозим.

Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг ни ташкил этиб, сабзи уруғлари 1,5-2 см чукурликка 52×8 ва 62×8 см схемада ёки қўлда сочиб экилади. Түқсонбости усулда сабзи уруғи сепилгандан сўнг майдон сугорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Сабзи уруғлари баҳорда униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтлардан 2 марта ўталади ҳамда яганаланади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтқ давомида ягана ҳам қилиб борилади.



Бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади. Экишдан олдин бир йиллик ўтларга қарши гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препарати ҳар гектарига 2-3 кг дан бегона ўтлар уруғи ердан унгунга қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда; Фюзилад Супер 12,5% препарати гектарига 1-2 кг ҳисобидан бегона ўтларнинг уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтида пуркалади.

Шунингдек, сабзи иккинчи марта ягана қилиниб, ўтдан тозалангандан кейин қатор оралари трактор культиваторида юмшатилади.

Сабзининг бир гектаридан 30 тоннагача ҳосил олиш учун юқори унумдор майдонларда соф ҳолда 175 кг азот, 130 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор тупроқларда 220 кг азот, 160 кг фосфор ва 100 кг калий, паст унумдор тупроқларда 250 кг азот, 200 кг фосфор ва 120 кг калий берилиши лозим.

Сабзи етишириша сугоришдан олдинги тупроқ намлиги тупроқнинг

тўйинган дала нам сифимига нисбатан 70-75% бўлиши керак.

Урuf униб чиқиши учун қишида ва баҳорда ёғадиган ёғингарчилик миқдори етарли ҳисобланади. Айрим, яъни кўкламда ёғингарчилик кам бўлган йиллардагина ургунинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида урuf суви берилади.

Бу экин апрел ойининг иккинчи ярмидан бошлаб суфорилади. Даствлабки пайтларда экин ҳар 1,5-2 ҳафтада, май ойининг иккинчи ярмидан эътиборан, яъни илдизмевалар жадал суръатда катталашаётганда эса ҳар 7-8 кунда суфорилади. Ҳосил етилиб, йиғимтерим пайти яқинлашганда суфориш тұхтатилади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги сабзи ўсув даврида 8 марта, сизот суви юза далаларда эса 5-6 марта суфориша гектарига 550-600 м³ ҳисобидан сув сарфланади.

Ош лавлаги. Ош лавлагининг маҳаллий “Диёр” ва “Ягона” ҳамда хориждан келтириладиган навларидан “Бордо-237”, “Бикорес”, “Боро-F₁”, “Детройт” ва “Пабло-F₁” дурагайлари республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолдаш лавлаги уруфини тұқсонастисти усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади.

Тұқсонастисти усулида ош лавлаги экилганда урuf сарфи – 16-18 кг ни ташкил қилиб, экишда әзатлари 60-70 см бўлиб, 2-3 қаторли, ўсимлик оралари 8-10 см ва 2-3 см уруғлар чуқурликка әкиласи.

Ош лавлаги уруғи экилгандан сўнг майдон суфорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Үндан юқори ва сифатли илдизмевалар олиш учун кузда ерни шудгорлашда 320 кг аммофос, 180 кг калий хлор ўғити солинади. Баҳорда ўсув даврида азот ўғити иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сийраклаштирилгандан сўнг 240 кг карбамид ёки 550 кг сульфат аммоний, иккинчиси эса 3-4 чин барг пайдо бўлганда юқоридаги миқдорда солинади.

Ош лавлаги ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимига нисбатан суфоришидан олдинги тупроқ намлиги 65-70% бўлиши керак. Ош лавлаги бошқа илдизмевали сабзавотлар каби ўсув даврида сувни ҳар хил миқдорда талаб қиласи. Ургунинг униб чиқиш, шунингдек, баргнинг жадал суръатда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида экинлар-

нинг сувга талабчанлиги бир оз ошади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ош лавлаги ўсув даврида 7-8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 5-6 мартасуғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 500-550 м³ ҳисобидан суфорилади.



Салат. Салат бир йиллик ўсимлик бўлиб, у йирик барглардан иборат бўлган паст тупбарг ёки салат боши ҳосил қиласи.

Салатнинг маҳаллий “Кўк шоҳ” ва хориждан келтириладиган “Фиоретт”, “Конкорд-F₁”, “Лагунас-F₁”, Левистро-F₁ ва Саула F₁ навлари экиш учун тавсия этилади.

Салат совуққа чидамли ўсимлик. Баргларининг ўсиши ва бош ўраши учун қулай ҳарорат кундузи 15-20°C ва кечаси 12-15°C бўлиши керак, шунингдек, у 5°C паст ҳароратда ҳам оз бўлса-да ўсаверади.

Тұқсонастисти усулида экилган салатнинг ўсув даври 40-60 кун бўлиб, ҳосилнинг пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – март ойида ёки очиқ майдонда етиширилган бўлса – апрел ойига тўғри келади.

Республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда баргли ва бош ўрайдиган салатлар тұқсонастисти усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунларида экиш тавсия қилинади.

Бир гектар ерга салат уруғидан 4-5 кг, бошли салатницидан 3-4 кг сарфланади. Уруғлар лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб, ленталар ораси 45-60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см экиш схемасида экиласи. Салат уруғи сепилгандан сўнг майдон суфорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Салат ўсимлигини парваришилашга – ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суфориш ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари киради. Баргли салат майсалар пайдо бўлгандан 30-40 кундан кейин ҳосили бир йўла йиғишириб олинади. Бошли салатнинг ҳосили 45-50 кундан кейин, уларнинг

етилишига қараб кундузи, баргидан шудринг кўтарилилгандан кейин бирин-кетин узуб олинади. Баргли салатнинг ҳар гектаридан 100-120 ц, бошли салатницидан 170-180 ц дан ҳосил олинади.

Ўсимликларни экишдан олдин, яъни ерни экишга тайёрлашда фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийнинг ҳаммаси ерларнинг асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналашиб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси ўсув даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чинбарг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимлика яқинроқ қилиб берилади.

Исмалоқ – бир йиллик ўсимлик бўлиб, илдиз бўғиздан 8-10 та баргдан иборат тупбарг ва ўтсимон тик поя чиқаради. Исмалоқнинг республикада фақат битта “Нафис” нави Давлат реестрига киритилган.

Исмалоқ ўсимлиги совуққа чидамли сабзавотлар қаторига кириб, уруғи 3°C ҳароратда кўкариб чиқади. Ёш ўсимликлари 6-8°C гача совуққа бардошиберади. Ҳароратнинг юқори бўлиши ва ҳаво намлигининг пасайиб кетиши ўсимлика салбий таъсир қиласи, барглари майдо бўлиб қолади. Исмалоқ ҳосили ниҳоллар пайдо бўлгандан 25-40 кундан сўнг йигиб олинади.

Тұқсонастисти усулида экилган исмалоқнинг ўсув даври 45-50 кун бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – март ойида ёки очиқ майдонда етиширилган бўлса – апрел ойига тўғри келади.

Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда исмалоқни тұқсонастисти усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади.

Исмалоқ сабзавот сеялкалари билан қўш қаторлаб, ленталар ораси 50-60 см ва қаторлар орасини 15-20 см дан қилиб, 1 гектарга 15-20 кг урuf 2-3 см чуқурликда экиласи.

Исмалоқ уруғи сепилгандан сўнг майдон суфорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади. Ўсув даврида парвариши қилиш ишлари экинни суфориш, қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни ўтасдан иборат бўлиб, озиқ-овқатга ишлатадиган исмалоқ ягана қилинмайди.

Исмалоқ 5-6 та барг чиқарғандан бошлаб кесилиб ёки юлиниб, ҳосили бир неча марта йиғиширилади. Гулපоялар чиқарғанда ҳосили териilmайди. Исмалоқнинг ҳосилдорлиги гектарига ўртаси 120-150 ц/га ни ташкил этади.



Исмалоқни тўқсонности усулда етиширишда фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийнинг ҳаммаси ерларнинг асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналааб эгат олишда бериш тавсия этилади.

Азотли ўғитларнинг ҳаммаси ўсув даврида озиқлантиришда иккига бўлиб, биринчи озиқлантириш – ўтоқ қилиниб, ўсимлик сони сийраклаштиргандан сўнг, иккincinnisi эса 2-3 тадан чингбарг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар қатор ораларига ўғитлагич мосламалар билан ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Укроп. Укроп бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Укропнинг маҳаллий “Ўзбекский-243” ва “Ором” ҳамда хориждан келтириладиган “Анет” навлари уруғлари республика худудларининг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда тўқсонности усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунларида экиш тавсия қилинади.

Кўклигига ишлатиладиган укроп уруғи попларга қалин қилиб сепилиб, гектарига 20-25 кг уруғ сарфланади.

Укроп уруғи секин униб чиқади. Укроп ўтоқ қилиш, ленталар орасини юмшатиш ва бостириб суғориш йўли билан парвариш қилинади.

Кўклигига ишлатиладиган укроп апрел оидан бошлаб, бўйи 10-15 см га етганда ўриб олинади. Укроп кўклигига ишлатиш учун экилганда гектаридан 10-12 тоннагача ҳосил олинаиди.

Укропни етиширишда фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийнинг ҳаммаси ерларнинг асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналааб эгат олишда бериш тавсия этилади.

Азотли ўғитларнинг ҳаммаси ўсув даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиниб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккincinnisi эса 2-3 тадан чингбарг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Чингбарг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Укроп ўстиришда тупроқнинг намлиги тўйинган дала нам сифимиға нисбатан суғоришдан олдинги 70-75% бўлиши керак. Шу сабабли, бу экин ўсув даврида сувни ҳар хил миқдорда талаб қиласди. Уруғнинг униб чиқиш, шунингдек, баргнинг жадал суръатда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида экинларнинг сувга талабчанлиги бир оз ошади.

Кашнич. Кашничнинг “Орзу” ва “Янтарь” навлари районлашган бўлиб, совуққа чидамли бир йиллик ўтчили ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғи ўсиши учун 5-6°C, кўкариб ҳосил бериси учун 15-16°C ҳарорат керак. Кашнич ўсув бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади.



Тўқсонности усулида экилган кашничнинг ўсув даври 40-50 кун бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – март оидада ёки очиқ майдонда етиширилган бўлса – апрель оига тўғри келади.

Республика худудларининг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда кашнични тўқсонности усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунларида экиш тавсия қилинади.

Пол қилиб сепилганда гектарига 8-10 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади.

Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан 10-12 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийнинг ҳаммаси ерларнинг асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналааб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси ўсув даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиниб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккincinnisi эса 2-3 тадан чингбарг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Рустам НИЗОМОВ,

қ.х.ф.д.,

Фахриддин РАСУЛОВ,

қ.х.ф.ф.д.,

СПЭ ва КИТИ.

мосламалар билан, ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Кашнич ўстиришда тупроқнинг намлиги намлиги суғоришдан олдин тўйинган дала нам сифимиға нисбатан 70-75% бўлиши керак.

Сизот суви чукур жойлашган ерларда кашнич ўсув даврида 7-8 марта гача, сизот суви юза майдонларда 2-3 марта суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 м³ ҳисобидан суғорилади.

Петрушка. Петрушканинг “Нилуфар”, “Сахарная” ва “Новас” навлари районлашган бўлиб, у совуққа чидамли иккичиллик ўтчили ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғи ўсиши учун 5-6°C, кўкариб ҳосил бериси учун 15-16°C ҳарорат керак. Петрушка ўсув бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Петрушка ер танламайди.

Тўқсонности усулида экилган кашничнинг ўсув даври 55-60 кун бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – март оидада ёки очиқ майдонда етиширилган бўлса – апрел оига тўғри келади.

Республика худудларининг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда петрушкани тўқсонности усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунларида экиш тавсия қилинади.

Пол қилиб сепилганда гектарига 3-4 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади.

Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан 10-12 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийнинг ҳаммаси ерларнинг асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналааб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси ўсув даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиниб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккincinnisi эса 2-3 тадан чингбарг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.



КАРАМ МАҲСУЛОТИНИНГ ҲАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА УНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонининг кўпайиб бориши сабабли, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугунги кунда аҳолини йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла таъминлашда экин майдонларни кўпайтириш, сифатли маҳсулотлар ҳажмини орттириш талаб этилади. Шундай қишлоқ хўжалиги экинларидан карам ўсимлиги айрича аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳудуд шароитида карам ўсимлиги карамдошлар (Brassicaceae) оиласига мансуб бўлиб, уларга оддий ёки оқбош карам, қизилбош карам, савой карами, брюссель карами, колъраби карами, барг карами, хитой карами, пекин карами, гулкарам каби турлари кириб, фермер ва деҳқонларимиз томонидан етиштирилиб, бозорларимизни ва аҳоли талабини қониқтириб келмоқда. Маълумотларга кўра, дунёда оқ бош карам 2,82 млн. гектар майдонга экилиб, ўртacha 29,4 тонна ҳосил гектаридан олинмоқда (Акрамов, 2020). Қорақалпогистон Республикаси шароитида 500 гектардан ошиқ майдонда карам ўсимлиги етиштирилиб келинмоқда. Фермер ва деҳқонларимизнинг ер майдонларида асосан оқ бош карам кўпроқ етиштирилади.

Оқ бош карамларнинг меваси витаминлар ва минерал моддаларга бойлиги жиҳатидан, инсон озиқланиши ва соғлигига ҳам фойдали бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ичida кўп истеъмол

қилинадиган сабзавот экинларидан ҳисобланади. Оқбош карам кальций ва фосфор, минерал тузлар билан А, B₁, B₂, B₁₂ ва С витаминларига бой. Ушбу карамлар хом ҳолда истеъмол қилиниши билан бирга тузланган ва димланган ҳолда севиб истеъмол қилинади. Юртимида карам маҳсулоти йилнинг барча фаслларида жуда севиб истеъмол қилинадиган сабзавот экинларидан биридир. Карамнинг деярли барча навлари сақлаш ва қайта ишлашга, шунингдек, узоқ масофаларга ташишга яроқли ҳисобланади. Карамни сақлаш ва қайта ишлаш учун, унинг асосан, кеч кузги навларидан фойдаланилади. Ёзги навларидан эса, асосан ҳар хил турдаги сабзавот таомларини ва салатларни тайёрлаш орқали истеъмол қилинади (Yusupov ва бошқ., 2020).

Республикамизда карамнинг сақлашга яроқли бўлган “Тошкент-10”, “Судья”, “Ўзбекистон-133” навлари кўпроқ етиштирилиб, мўл ҳосил беради. Сақлаш учун оқбош карамни об-ҳаво шароитига қараб, кўпинча октябрь ойининг учинчи ўн кунлигига ёки ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигига йиғишириш ишлари ташкил этилади. Сақлашга кўйиладиган оқбош карам эрта муддатда ҳам, кеч қолдириб ҳам йиғишириш салбий оқибатларга олиб келади. Кўп йиллик тадқиқотлардан маълумки, иссиқ об-ҳаво шароитида оқбош карамни йиғишириш, сақлаш даврида кўпгина касалликларга чалина-

ди. Сақлаш даврида ҳаво ҳароратининг ҳар хил даражада ўзгариши оқбош карамнинг ички ва ташки баргларининг нобуд бўлишига олиб келади.

Ҳарорат — 1°C атрофида бўлганида карам сифатли сақланади. Карам сақлашда ҳавонинг нисбий намлиги жуда юқори бўлмаслиги талаб этилади, бунда намлиги 70-80 фоиз бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳудудимиз шароитида карам ноябрь ойида сақлаш омборларига жойланади. Замонавий совутгичларда карам маҳсулотларини узоқ сақлаш имконияти мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, карам ўсимлигининг ҳалқ хўжалигига тутган ўрни бекиёс катта бўлиб, сақлаш учун вақтида сақлаш ишларини ташкиллашибириш ва келтирилган ҳаво ҳарорати ва намликини таъминлаш керак. Сақлаш учун жойлаштиришда омборхона шароитига қараб контейнерларда, қопларда ва уюм ҳолида сақлансанда узоқ ва сифатли сақланади.

Марат ГЕНЖЕБАЕВ,
магистрант,
Рысназар ЮСУПОВ,
к.х.ф.ф.д., (PhD), доцент,
Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти.

ЎЗБЕКИСТОНАДА ЗАЙТУНЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Давлатимиз халқастурхонини витаминли, тўйимли, сифатли, озиқ-овқат маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар ҳамда қайта ишланган консерва ҳолидаги маҳсулотлар билан таъминлаш ва қўшимча ишчи ўринларини ташкил қилиш, аҳолини иш билан тўлиқ таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ерлардан тўлиқ фойдаланиш учун бир қатор чора-тадбирларни кўрмоқда, тегиши қарорлар қабул қилмоқда.

Президент Ш. Мирзиёев жорий йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятининг бир қанча туманларида бўлиб, мутасаддиларга Сурхондарёда қишлоқ хўжалигини инновацион йўналтириш бўйича институт ташкил этиш, анор билан бирга лимон, хурмо ва зайдун етиширишини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Зайдунга алоҳида тўхталиб, вилоятнинг 8 та туманида 50 гектардан 400 гектар зайдун боғларини ташкил қилиб, республика аҳолиси учун қимматбаҳо бўлган зайдун мойини ўзимизда етишириш имконларини таъкидлади.

Сурхондарё ва Қашқадарёда анор, анжир ва хурмо каби субтропик ўсимликлар қатори зайдунни ҳам етиширишини кўпайтириш имконияти мавжуд бўлиб, ушбу экайнинг турли навларини тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш борасида қатор йиллардан бўён илмий кузатишлар олиб борилмоқда.

Бу борада зайдун кўчатларини экиш дастлаб биринчи марта Олтинсой туманидаги "Жовли" фермер хўжалигига бошланган эди. Дастлабки зайдун кўчатлари 2006 йилда гуллаб, ҳосил берди ва оммавий аҳборот воситаларида "Ўзбекистонда биринчи марта зайдун ҳосил берди", деган чиқишилар бўлди.

Зайдуннинг аҳамияти ҳақида тўхтальсак. Биз истеъмол қиласиган ўсимлик мойлари ичida биргина зайдун мойи таркибида танамиздаги заарли моддаларнинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қила оладиган антиоксидловчи элементлар ва инсон саломатлиги учун катта аҳамиятга эга мой кислоталари мавжуд. Булар танадаги гормонларга кувват бўлади ва ҳужайра мембронасининг шаклланишига ёрдам беради.

Зайдун мойи инсон организми учун ўта зарур бўлган ёғ, кислоталарнинг етарли манбаи бўлганилиги сабабли ёш болалар организми учун катта аҳамиятга эга. Зайдун мойи ўз кимёвий таркибида 102 та элемент сақлаб, кимёвий таркиби жиҳатидан она сутидаги ёғга жуда ўхшашdir. Бу омиллар зайдун мойининг янги туғилган болалар учун жуда муҳимлигини кўрсатади. Агарда мамлакатда зайдун етишириши йўлга қўйилиб, зайдун мойи олишга эришсан, энг аввало, она-болалар соғлигини асрарша энг катта вазифани бажарган бўламиз.

Унинг мойи таркибида сквален моддаси билан ҳам аҳамиятидир. Қимматбаҳо сквален моддаси дунёда иккита ўсимлиқда ва акуланинг жигарига бўлади. Биттаси



зайдун мойида учрайди. Сквален моддаси инсон организми учун ўта фойдали бўлиб, табиий антиоксидант, қондаги холестерин миқдорини камайтиради. Терини ҳимояловчи, ракка қарши, юрак-қон тизимини ҳимояловчи ва иммунитетни кўтарувчи хусусиятларга эга.

Зайдун дарахтини республика тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш бўйича жуда катта қийинчиликлар ва синов даврлари ўтди. Чунки бу ўсимликни 2006 йилда мева бериб турганида 2007 йилдан 2008 га ўтар қишида январь ойида -28 °C даражалик қаттиқ совуклар бўлиб кўчатларни ҳаммасини барча субтропик дарахт анор, анжир, хурмо, гилос дарахтлари билан биргаликда совук уриб кетди. Ана шу вақтда биз адабиётлар камлигидан зайдун ҳам бошқа субтропик дарахтларга ўхшаб қайта униб чиқишини билмасдик. Аммо 2008 йил баҳорида совук урган кўчатларни бир марта сугориш керак деб айтилди ва орадан иккى ҳафта ўтгач, айрим зайдун кўчатлари тагидан қайта ўсиб чиқди.

Сурхондарё вилоятидаги Денов дендрарийси 1935 йилда ташкил этилган бўлиб, шу даврда бу ҳудудга 1000 дан ортиқ дарахтларнинг турлари келтирилиб экилган, ана шу мингдан ортиқ дарахтлар тури ичida зайдун ҳам келтирилган бўлган. Яқиндагина Денов дендрарийисида бўлганимда унинг ёши катта илмий ходимларидан бири ана шу зайдунлар ва уларнинг мевалари ҳақида сўзлаб берди. Ушбу сўзлар мен учун мутлақо янгилик эди. Улар ҳам зайдундан қаламчалар қилиб кўчат етиширишар экан.

Шуни айтиш керакки, қадимги зайдун дарахтининг бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизга мослашгунича анча вақтлар ўтди ва турли фикрлар пайдо бўлди. Айрим экилган зайдунлар бизда кўпдан бери ҳосил бермаётганлиги маълум.

Дастлаб зайдун кўчатлари йўқлиги туфайли, Қишлоқ хўжалигига оид муссасалардан бирида ишловчи мевачилек бўйича бир доцент касбдошимиз зайдун кўчатларини етишириб сотди. Аммо йиллар ўтса ҳам, бу олимнинг кўчатларидан биронтаси ҳосил бермади. Шу олимдан олинган кўчатларнинг бир қисми Сурхондарё вилояти Жарқўрон туманига, Андижон вилояти Бобур боғига, Тошкент шаҳридаги айрим қизиқон боғбонлар ва бошқа инсонлар томонидан ҳарид қилинган ва 15 йилда ҳам ҳосил бермади. Ҳозир ҳам шу зайдунлар қишлоардан қишлоқлаб чиқади. Совукларга мослашди, аммо йиллар давомида гулламади ва ҳосил бермади. Бу кўчатлар зайдуннинг декоратив туридан тайёрланган бўлса эҳтимол.

Шундан бўлса керак, Тошкент қишлоқ хўжалик университетидаги айрим олимлар зайдун Ўзбекистонда ҳосил

бермайди деган фикрларни кўп айтишди ва ниҳоят бизнинг тажрибаларни бориб кўришиб, зайдунлар ҳосил беришига ишонч ҳосил қилишиди.

Бугунги кунда зайдунлар Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги “Биби Зайнаб” қишлоғида 2018 йилдан бери ҳосил бериб келмоқда. Бундан 15 йиллар бурун Олтинсой тумани ҳокимлиги томонидан зайдун экиш шарти билан бир гектар ер майдони ажратиб берган. Бир гектар майдоннинг ярмига бу фермер яхши умид билан Туркиядан келтирилган кўчатларни харид қилиб экиб парваришлайди. Бугунги кунда дала томорқада 70 тупдан ортиқ зайдун кўчатлари ҳосил бермоқда ва уй ҳовлисида ҳам 30 туп зайдун кўчатлари ҳосил беришга тайёр ҳолда турибди. Ҳар йили ўртача 25 кг.дан ҳосил олинса, 1750-1800 кг. зайдун мевалари пишиб етилмоқда. Ниҳоят зайдун кўчатлари катта дараҳт бўлиб, бизнинг тупроқ-иқлимга мослашди, ҳар бир дараҳтдан 20-30 килограммгача зайдун мевалари етишмоқда. Мазкур зайдун кўчатлари орасида пишиб етилишига қараб эртапишар, ярим ўртапишар, ўртапишар ва кечпишар навлар мавжуд. Мевалар бирин-кетин пишиб қорайиб етилмоқда.

Аммо бу меваларни қайта ишлаб, мойини оладиган ускуна ҳозирча мамлакатимизда йўқ.

Муаммолар. Мен зайдун меваларини кўтариб, республика Ёғ-мой уюшмасига борсам, улар “бизда фақат қуруқ уруғлардан мой олиш технологияси мавжуд”, дейишиди. Зайдун мевасидан мой олиб таркибини аниқлаб кўришиди. Уларнинг лабораториясида бажарилган текширишлар натижасида бизда ўсган зайдун мевалари таркибида 20-22 фоиз мой борлиги аниқланди. 2019 йил август ойида Республика Инновация вазирлигига бориб мурожаат қиласам, лойиҳа ёзинг дейишиди. Афсуски, зайдун мевалари менинг лойиҳа ёзиб, экспертизадан ўтказишими кутиб ўтирасдан тўкилиб кетади.

Ўйлаб қоламан, ахир биринчи марта зайдундан мой олиш бу инновация эмасми, қани бу янгиликка қизиқиш?

Наҳотки, зайдун мевалари бирорвоннинг шахсий мулки бўлса, ахир бу бутун бошли ўзбек халқиники-ку?

2018-2021 йилларда ҳам зайдунлар яхши мева бермоқда, аммо уни қайта ишлаб, мой оловучи янги инновацияни амалга оширувчи бирон корхона ёки тадбиркор йўқ.

Республикага келадиган зайдун мойининг 100 фоизи хориждан импорт қилиниб келтирилади. Чунки шифобахшлиги жиҳатидан бу мойининг тенги йўқ, аҳоли томонидан зайдун мойи жуда катта микдорда истеъмол қилинади.

Ҳозирги кунда асосий вазифа сув кам талаб қиласиган экинларни етишириш ва сувни тежаш ҳисобланади. Кейинги йилларда биз ўрганаётган экологик тоза мой берувчи зайдун кўпгина бир йиллик ўсимликларга мойли экинларга қараганда сувни кам талаб қиласи ёки уларнинг унумдорлиги паст, Сурхондарё худудида эса кўп учрайдиган қумоқ тупроқларда экиб ҳосил олиш мумкин. Иккинчидан, зайдун плантациялари бир марта ташкил қилинса, энг арzon мой берувчи хомашёга эга бўламиз, чунки ҳар йили қайта-қайта бир йиллик мой берувчи экинлардан кўра дараҳтдан мой олиш харажати кам бўлади.

Бир туп вояга етган зайдун дараҳтидан 25-30 кг мева йигиб олиниади. Агарда ҳовлида 6 туп зайдун дараҳти ўсса, жами 180 кг мева териб олиниб, уларни қайта ишлаш натижасида 35-36 кг экологик тоза зайдун мойи олиш мумкин. Бир оила учун 35-36 кг зайдун мойи катта муддатга оила истеъмоли учун етади.

Бундан бир неча йиллар бурун Сурхондарё вилоятида “Субтропик илмий-амалий Марказ” и ташкил қилинган эди, аммо кейинчалик бу Марказнинг фаолияти кўзга ташланмай қолди. Вилоятда Субтропик илмий-амалий Марказининг фаолияти қайта тикланса ва унга ҳақиқий фидойи жонкуяр ходимлар топиб кўйилса, биргина зайдун эмас, анор, анжир, хурмо каби бошқа сердаромад экинларнинг илмини ўрганиш борасида ишлар бир жода шаклланар эди. Аммо бу ишлар ким томонидан амалга оширилади ва қайси ташкилот масъул бўлади?

Шундай қилиб, Ўзбекистон зайдунчилигига ҳали бир қатор муаммолар мавжуд. Аммо зайдунлар ҳосил берив бизнинг шароитга мослашгани, келажакда зайдун плантациялари бўлишига ишонгимиз келади. Албатта, ўзбек халқи ўз зайдун мойлари ва маҳсулотларига эга бўлади, деган умиддамиз.

Дилором ЃРМАТОВА,
профессор,
Содик АБДИНАЗАРОВ,
доцент.



Инсон ҳаётидаги озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, сабзавот маҳсулотларининг ўрни беқиёсdir. Аҳолини сабзавот маҳсулотлари билан етарлича таъминлашни яхшилаш, қолаверса, бу экинларнинг зиравор турларини кўпайтириш, маданийлаштириш ҳамда узлук-сизлигини таъминлаш шу қуннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

ЗИРА – ШИФОБАҲШ ЭКИН

Зира (*Cuminum Cuminum L.*) — зирадошлар оиласига мансуб кўп йиллик хушбўй зиравор ўсимлик. Бўйи 40—60 см. Поясининг ярмидан юкориси шохланган. Илдизи тугункали. Тупбарглари узун бандли, поядагилари бандсиз. Барги ипсимон бўлакларга бўлинган. Гуллари оқ, майда, ҳар бир соябончада 20—30 тадан. Июнда гуллайди, уруғи июлда пишади. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё адирларида, тоғ ёнбағирларида кўп ўсади. Уруғи майда, чўзиқ, қорамтирижигарранг, сирти тарам-тарам, жуда хушбўй. Таркибида 2,75—3,0% эфир мойи бор. Ўрта Осиё ҳалқлари гүшт тузлашда, қази ва бошқа овқатлар тайёрлашда қадимдан кенг фойдаланиб келади. Халқ табобатида меъда касалларини даволашда ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Халқ табобатида зиранинг фойдалари ҳақида буюк бобокалонимиз Ибн Сино шундай деган: "...Унда қиздирувчи куч бўлиб, елларни ҳайдайди ва тарқатади. Сув билан аралаштирилганини ичилса, нафас олиш қийинлашганда ёрдам беради. Жолинуснинг айтишича, "тишка нафас олишга" ҳамда совуқдан бўлған хафақонга фойда қиласди". Шунингдек, зиранинг ошқозон гастрити, сарик касал, иштаҳани очишида, уйқусизликда, кишилар кувватини оширишда жуда ҳам катта фойдаси бор. Зира — иштаҳани яхшилаш учун ҳамда ошқозондаги санчик, ўт пufаги ва жигардаги оғриқлар, шунингдек, йўталга қарши фойдали табиий воситадир. Зира таркиби 3—7% эфир мойидан, 12—22 ёғли мойдан, шунингдек, кверцетин ва кемпферол деб номланувчи флавоноидлар, кумаринлар, умбеллиферон, скополетин ва бошқа моддалардан иборат. Бундан ташқари, унда оқсил 10—23% ва хушбўй моддалар ҳам борлиги аниқланган. Зира — мавжуд бўлган барча даволаш воситаларидан энг яхши карминатив (метеоризмга – қорин дам бўлишига қарши) фойда берувчи табиий ўсимлик моддасидир. Шу сабабдан ҳам у табобатда таъсиричан табиий даволаш воситаси сифатида мустаҳкам ўрин олган. Зирани кўплаб доридармонлар таркибида учратиш мумкин, лекин уни кўпинча ҳеч қандай бошқа нарса кўшмасдан чой сифатида дамлаб ичиш тавсия этилади. Ҳозирги замон шифокорлари ҳам зира ҳақида ижобий баҳо бериб, ҳаддан ташқари тўлаликда, метеоризм (қорин дам бўлиши)да, ошқозон-ичак йўлларида енгил хасталикларда, юрак касалларидаги эмизики болаларда овқат ҳазм қилиш жараёни бузилганида зирани муайян тарзда

истеъмол қилиш ниҳоятда фойдали эканини таъкидлашади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10-апрелдаги ПҚ-4670 сонли қарорида "Ёввойи ҳолда ўсуви доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорида Республикада сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббийтда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда. 2019 йилда 48 миллион АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ва зиравор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган. Шу билан бирга, таҳлиллар доривор ва зиравор ўсимликларни муҳофаза қилиш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш, қайта ишлаш орқали кўшимча қиймат занжирини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Зиравор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун кулаг мухит яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялаш мақсадида: доривор ва зиравор ўсимликларни етиштириш ва уруғчилигини ташкил этишда илғор илм-фан ютуқларини кўллаш; тажриба ва маълумотларнинг доимий алмашинувини ташкил этиш орқали ушбу йўналишдаги хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш, ҳалқаро тадқиқот дастурлари, анжуманлар ва симпозиумларда иштирок этиш каби топшириқлар берилган. Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилояти шаротида зира (*Cuminum Cuminum L.*) етиштириш технологияси элементларини такомиллаштириш мавзуси бўйича биринчи йилги тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу тадқиқотларда зиранинг 13 та нав намуналари ўрганилди. Унга кўра, эртаги муддатда паст текислиқда экиб етиштириш учун 3 та истиқболли навлар ажратилди.

**Баходир ХУРРАМОВ,
СПЭвакити таянч докторант.**

“ЎСИШ НУҚТАЛАРИ”, ЯНГИ МАРРАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 20 август куни мамлакат тадбиркорлари билан бўлган учрашувида бир гурӯҳ ишбилармонларни номма-ном санаб, уларнинг хизматларини алоҳида эътироф этди. Улар орасида Ўзбекистон бизнес доирасида танилиб бораётган “Би-Эм-Би Трейд Групп” компанияси кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматқулов ҳам бор эди. Эътиборингизга муҳбири мизнинг ана шу тадбиркор билан бўлган суҳбатини ҳавола қиласми.

— Бекзод Акмалович, суҳбатимиз аввалида “Би-Эм-Би Трейд Групп” компаниясининг ташкил топиш тарихи ҳақида маълумот берсангиз.

— Фаолиятимизни 2017 йилда консалтинг хизматлари кўрсатишдан бошлаганмиз. Сал кейинроқ Арнасой туманида дехқончилик учун яроқсиз бўлган 1200 гектарга яқин ер майдони олдик. Амалга оширилган ишлар натижасида бугун бу ерда пахта, ғалла, шоли, дуккакли ўсимликлар, кунгабоқар, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил олинмоқда. 2018 йилда АҚШ билан ҳамкорликда “Силкерлайф Агрокултур” номли кўшма корхона, унинг қошида эса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига агрокластер ташкил этилди. Шароф Рашидов туманида эса, Россия билан ҳамкорликда замонавий агрологистика маркази барпо этилди.

— Компаниянгиз юртимизда амалга оширилаётган яна бир йирик лойиҳа - заъфарон етиштиришда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Бу борадаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Бугун Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификация қилишга қаратилган ҳар бир фоя, инновацион лойиҳа, бизнес алоқалар қўллаб-куватланмоқда. Биз бу жараёндан руҳланган ҳолда Италияning “Опера СРЛ” компанияси билан ҳамкорликда Бахмал туманида заъфарон етиштириш, уни қайта ишлаш ва Европа бозорларига экспорт қилишга бел боғладик.

Билсангиз, заъфароннинг инсон соғлиги учун фойдаси бекиёслигини Ҳомер, Вергилий, Суқрот, Абу Али ибн Сино каби алломалар мадҳ этган, бу гиёҳдан олинадиган неъмат ноёблиги ва қимматбаҳолиги учун “қизил олтин”, деган номни ҳам олган. Маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар таклифи ва тавсияси билан ўзимизда заъфарон бизнесини йўлга кўйдик. Компаниямиз қошида ташкил этилган “Би-Эм-Би-Опера Зафферано” Ўзбекистон — Италия кўшма корхонаси бу борадаги ишларни зиммасига олди. Барча агротехник тадбирлар Италияning Пяченца университети олимлари назорати остида амалга оширилди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Бахмал туманининг биз учун ажратилган 50 гектар майдонида етиштирилган заъфароннинг илк ҳосили ийғишириб олинди. Дастлабки тайёр маҳсулотимиз чет эл бозорида ҳам эътироф этилди. Шу кунларда Бахмал туманида яна 200 гектар майдонда заъфаронзор ташкил қилинмоқда. Шунча майдонга етадиган 20 миллион дона пиёзбошилар Италиядан 3 та катта “фура”ларга ортилиб, Европа Иттифоқи, Россия ва Қозогистон кенгликларини босиб ўтиб, юртимизга - Бахмалга етиб келди.



Бундай ижобий натижалар бизни лойиҳа кўлами ва географиясини кенгайтириб боришига ундумоқда. Шу йилнинг ёзида Саудия Арабистони ва Корея Республикаси вакиллари билан экспорт шартномаси имзоланди. Яқинда эса, АҚШ Озиқовқат маҳсулотлари ва дори воситаларини назорат қилиш бошқармаси ҳам Ўзбекистон заъфаронини Америкага импорт қилишга рұксат берди.

Яна бир янгилик: Ўзбекистонда заъфарон етиштириш борасида амалга оширилаётган ишларимизнинг донғи төглардан ошиб, кўшни Тожикистонгача етиб борди. Ушбу мамлакатнинг “АВАС Инженеринг” компанияси биз билан ҳамкорлик қилишга аҳд қилди. Натижада қисқа мuddат ичиди “АВАС-БМБ Заъфарон” ўзбек-тожик кўшма корхонасини ташкил этидик. Айни кунларда Бахмал тумани ҳудудидан ушбу кўшма корхона учун ажратиб берилган 50 гектар майдонга ҳам заъфарон тутунчаларини экиш ишлари бошлаб юборилди.

— Лойиҳа яна бир муҳим масала – янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшади, шундаймасми?


— Умуман олганда, компаниямизнинг барча лойиҳалари доирасида бугунгача минглаб доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги бундай ишларга мунтазам эътибор қаратамиз. Бахмалдан ташқари яна, Зомин, Бўстонлик, Ургут, Китоб, Шаҳрисабз, Чорток туманларининг ҳар бирида ҳам 50 гектардан майдонда заъфарон етиштириш ниятимиз бор. Шу режа амалга ошса (бунга эса, шубҳа йўқ), ушбу ҳудудларда жами 50-60 минг хотин-қизни мавсумий иш билан таъминлашга шароит яратилади.

Мухтасар айтганда, компаниямиз бундан бўён ҳам ўзи учун ўсиш нуқталари, янги мэрраларни белгилаб олган ҳолда, замон билан ҳамнафас бўлишда давом этади.

— Мазмунли мулоқот учун раҳмат.

Суҳбатдош: **Худойберди КАРИМОВ.**

Суратда: “Би-Эм-Би Трейд Групп” компания кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматқулов.



ҲАР БИР МУРОЖААТ – ИНСОН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР

Жорий йил бошидан буён Кадастр агентлигининг Самарқанд вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан Давлат хизматлари марказлари ва ягона интерактив Давлат хизматлари портали орқали 71 минг 535 та хизмат кўрсатилган. Жумладан, фуқароларнинг номида шахсий турар жойи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги туғрисида маълумот бериш бўйича 4 минг 499 та, 66 та бино ва иншоатларни ижара шартномасини, 25 минг 159 та кўчмас мулк объектига бўлган хукуқни, турар жойнинг майдони бўйича, 30 минг 42 та кадастр паспортини шакллантириш бўйича хизматлар кўрсатилган.

Шунингдек, Кадастр агентлигининг Самарқанд вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан жисмоний ҳамда юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар алоҳида этиборга олиниб, уларнинг ечими бўйича самарали воситалар асосида ишлар ташкил этиб келинмоқда. Шу аснода Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси ҳамда вебсайти орқали, Боз вазир қабулхонаси ва вилоят ҳокимининг телеграмм мессенджери орқали, Кадастр агентлиги орқали вазирлик ва идоралардан ёзма равишда келган мурожаатлар ижобий ҳал этилиб, ўз вақтида қонуний тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Шу жумладан, Самарқанд вилояти Тайлөк туманида жойлашган “SHAYMANOV SHEXROZ BOG’I NUR” фермер хўжалиги раиси Холматов Тоҳир Шайманович томонидан фермер

хўжалиги ер майдонлари ҳамда чегарасига аниқлик киритиб беришни сўраб мурожаат қилган. Кадастр агентлигининг туман бўлими мутахассислари томонидан ўрганиш жараёнида фермер хўжалигига тегишли ҳоким қарорида кўрсатилган дала контурлари ушбу худуднинг қишлоқ хўжалиги харитаси асосида ер майдонининг чегара нукталарига жойида аниқлик киритиб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишонч телефонига Нарпай тумани “Қорасийрөк” қишлоғида яшовчи фуқаро Эргашев Мухтор Бўритошевич тадбиркорлик қилиш учун “E-auksion” орқали сотиб олган бўш ер участкасини жойида ўлчаб бериш бўйича қилган мурожаати юзасидан Давлат кадастрлари палатасининг Нарпай тумани филиали мутахассислари томонидан мурожаат муаллифи иштироқида ер майдони ўлчаб берилди. Ушбу мурожаат муаллифлари муаммолари қисқа муддат ичидаги ижобий ҳал этилганлигидан мамнун бўлишиб, ўз миннатдорчилигини билдириши.

Албатта, инсон тақдири дахлдор ҳар бир мурожаатнинг ўз вақтида ижобий ечим топиши аҳолининг жамиятдан розилигини белгилаб, уларнинг Давлатимизга, адолатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Эртанги ёруғ кунга бўлган ишонч эса, ҳар қандай жамиятнинг равнақи ва тараққиётiga мезон бўлади.

Ўз мухбиризим.

СУВ ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА БАРЧА МУРОЖААТЛАР ЎРГАНИЛИБ, РАСМИЙ МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛАДИ

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан Сув хўжалиги вазирлигига Президентга мурожаат, Боз вазирга мурожаат, Боз прокуратурага мурожаат, е-хат, вазирлик ишонч телефони ва почта хизматлари орқали жами 2 минг 517 та мурожаат келиб тушган.

Жами мурожаатларнинг 259 таси (10,3%) вазирлик ваколатига тааллуқли масала бўлмаганлиги сабабли тегишлилиги бўйича бошқа вазирлик ва идораларга йўналтирилган, 36 таси (1,4%) юзасидан аноним ҳамда кўрмасдан қолдириш қарорлари қабул қўйилган. Ҳозирги кунда 46 та (1,8%) мурожаат ўрганиш жараёнида.

Вазирлик ваколати доирасида ўрганилган 2 минг 176 та мурожаатдан 1588 таси ижобий ҳал этилиб, қолган мурожаатлар юзасидан тегишли хукуқий тушунтиришлар берилган. Мурожаатларни ўрганиш жараёнида қонунда белгиланган муддатлар бузилишига йўл қўйилмаган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вазирликка келиб тушган мурожаатларнинг 1 минг 212 таси (48%) сурориш, 226 таси (9%) ирригация тадбирлари, 130 таси (5%) муҳофаза ерларидан фойдаланиш, 44 таси (1,7%) балиқчилик ташкил этиш ва бошқа масалалар, 171 таси (6,8%) ижтимоий масалалар, 181 таси (7,2%) қурилиш, 167 таси (6,6%) насос станциялар, 121 таси (4,8%) мелиорация, 107 таси (4,2%) ичимлик сув, 71 таси (2,8%) раҳбар ходимлар хати-ҳаракати ва коррупцияга алоқадор, 41 таси (2%) сув тежовчи технологиялар, 16 таси (1%) инвестиция,

24 таси (1%) инновация, 6 таси (0,6%) давлат-хусусий шериклик масалаларига оидdir.

Вазирликка келиб тушган мурожаатларнинг 141 таси (5,6%), Қорақалпоғистон Республикаси, 102 таси (4%) Андижон, 155 таси (6,2%) Бухоро, 143 таси (5,7%) Жиззах, 103 таси (4,1%) Сирдарё, 157 таси (6,2%) Самарқанд, 494 таси (19,6%) Сурхондарё, 173 таси (6,9%) Наманган, 233 таси (9,3%) Фарғона, 227 таси (9%) Тошкент, 75 таси (3%) Навоий, 137 таси (5,4%) Хоразм, 336 таси (13,3%) Қашқадарё вилояти ҳамда 40 таси (1,6%) Тошкент шаҳридан, 1 таси (0,03%) Россия Федерациясига тўғри келади.

Вазирлик марказий аппаратида Мурожаатлар билан ишлаш бўлими ташкил этилган бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларга интерфаол хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аҳоли мурожаатларини бевосита қабул қўйиш мақсадида (71) 202-47-00 рақамли ишонч телефони ташкил этилган. Бундан ташкири, вазирликнинг Интернет тармоғидаги water.gov.uz расмий веб-саҳифаси ҳамда info@minwater.uz, murojaat@minwater.uz электрон почталари орқали ҳам мурожаатлар қабул қўлиниади.

Сув хўжалиги соҳаси бўйича йўлланган ҳар бир мурожаат тегишли тартибда ўрганилиб, унга расмий муносабат билдирилади.

**Сув хўжалиги вазирлиги
мурожаатлар билаш ишлаш бўлими.**

ТОМЧИДА АКС ЭТГАН БАРАКА

Маълумки, экинзорларнинг кўпайши билан сув истеъмоли ва сарфи ортиб боради. Бу эса ўз навбатида оби-ҳаёт танқислигини юзага келтиради. Бугун бутун жаҳон зироатчилари олдидағи мураккаб ва оғриқли муаммалардан бири бу шубҳасиз сув танқислиги масаласидир.



Маълум бўлишича, соҳада сув истеъмоли сўнгги йиллар ичida бир неча баробарга ортган, 2050 йилга келиб бу миқдор яна икки баробарга кўпайиши кутилмоқда. Бу муаммони ҳал этиш усулларидан бири эса томчилатиб суғориш тизимини кўллашдир. Дастрраб, томчилатиб суғориш илк марта 60-йилларнинг бошида ишлаб чиқилган бўлса, қисқа вакт мобайнида олинган ижобий натижалар дунёning кўплаб мамлакатларида тез тарқалишига ёрдам берди. Томчилатиб суғориш сувнинг ўсимликлар томир зонасига кам миқдорда етиб боришига асосланган. Сув барча ўсимликларга бир текис ва бир хил миқдорда, ўсимликка қанча керак бўлса, айнан шунча, тупроқни сув босмайдиган ва уни исроф қилмайдиган тарзда келиб туради. Бу усул мамлакатимизда ҳам ердан фойдаланувчиларнинг катта эътиборига сабаб бўлмоқда. Эътироф этиш мумкини, ушбу долзарб масалага ечим топишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиширишда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишига оид кечикириб бўлмайдиган чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори сувдан тежамли фойдаланиш тадбирларни амалга оширишда, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу аснода бутун мамлакатимизда бўлгани каби, мазкур қарор ижроси юзасидан ва талаб таклифлар асосида, суғориш тизимида ўзига хос

мехнат талаб этадиган Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

– Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда, иқтисод қилинишида самарали усул ва илғор технологиялардан, хусусан, томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда оби ҳаёт тақчилигининг олдини олади, – дейди «Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сув тежовчи технологиялар жорий этиш буйича мутахассиси Ҳабибулло Маманов. Қашқадарё вилоятида 2021 йилда жами 13 минг 203 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг шу даврига қадар 8 минг 404 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун 401 та фермер ва кластер ташкилотларида ушбу тизим жорий этилди. Таъкидлаш жоизки, бугун вилоятдаги кўплаб, дехқон ва фермерлар томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини англаб етган ва шу боиси бу усул тобора оммалашмоқда.

-Жорий йилда фермер хўжалигимизнинг 21 гектар пахта майдонларида ушбу тизимни ўрнатиб, шу усулда суғоришни бошлаб юбордик. Бу технологиянинг устувор жиҳати кўп экан, аввало сув иқтисод қилиниб, тупроқда намнинг сақланиш даражаси меъёрида бўларкан ва жўяқда бегона ўтлар бўлмас экан. Асосийси, мавсум

давомида экинга бериладиган минерал ўғитлар тежаларкан, техника харажатлари қисқарап экан. Шуларни ҳисобга олиб, келгуси йил янада каттароқ экин майдонларимизга томчилатиб суғориш технологиясини жорий этмоқчимиз, дейди Чироқчи туманидаги «Собит Шермамат ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Шермамат Йўлдошев. Шу билан бирга вилоядатда сувдан тежамли фойдаланишнинг яна бир усули бўлган эгилувчан қувурлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. 2021 йилда вилоят бўйича жами 11 минг 360 гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш жорий этилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунга келиб, вилоядатда пахта майдонларида сув тежовчи лойиҳаларни кенг оммалаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Кўзланган максад томчилатиб суғориш орқали энг аввало, сувдан оқилона фойдаланиши таъминлаш ва шу орқали нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам ошириш. Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, агротехник тадбирларни самарали ва унумли амалга оширишга ёрдам беришдан иборат.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ.
ўз муҳбиришим.

Сурʼатда: Чироқчи туманидаги «Собит Шермамат ўғли» фермер хўжалиги даласида.

ЯНГИЧА ИШЛАШ ЯХШИ ДАРОМАД КЕЛТИРМОҚДА

Жорий йил Самарқанд вилоятида, жумладан, Каттакўргон туманида қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари каби паҳтачиликда ҳам мисли кўрилмаган юксалиш йили бўлди. Бунинг асосий омили бир неча йилдан буён туманда паҳта етиширишнинг аввалги технологияси замон талабларига жавоб бермаслиги туфайли тизим тўлиқ ислоҳ қилиниб, ғўза парваришида инновацион технологияларни қўллаш ва қўл меҳнатини камайтиришга эътибор қаратилганлигидир.

— Туманимизда эски чигит сеялкаларидан воз ке-чилиб, хориждан келтирилган 116 та замонавий аниқ сеялка (пневматик) сеялкалари ёрдамида тўлиқ туксизлантирилган чигит эккан эдик. Шунингдек, униб чиқсан ғўза ниҳолларига ишлов беришда маҳаллий культиваторлар билан бир қаторда, Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий ва фрезалий культиваторлардан фойдаланилди. Ғўза парваришида сугоришнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, сув таъминоти оғир майдонга томчилатиб сугориш технологияси жорий этилди. Аввало, Яратганинг берган баракаси ва ана шу ҳаракатларимиз самараси, яратилган шароит, жорий этилган янгилликлардан унумли фойдаланиб меҳнат қилган туманимиз паҳтакорлари томонидан мўл ҳосил яратилди, – дейди тумандаги тажрибали паҳтакор Ўзбекистон қаҳрамани Аваз Ҳосилов. Эътироф этиш жоизки, туман паҳтакорлари қабул пунктларига 32 минг тоннадан ортиқ юқори навли паҳта хомашёси топшириб, яқин тарихда вилоятда биринчилардан бўлиб режани бажаришиди. Бу каби эришилган ютуқга тумандаги «М.Султонов», «Э.Курбонов», «Охунбобоев» ММТП миришкорлари катта ҳисса қўшишиди. «Аваз Бекжон», «Элмурод Мавлонов», «Болтабек» каби илғор фермер хўжаликлари паҳта далаларида гектаридан 40 центнердан ва ундан юқори ҳосил олиниши, паҳта етишириш соҳасида туб бурилиш юз берганининг исботи бўлди.



Суратда: Ўзбекистон қаҳрамони А. Ҳосилов фарзандлари билан паҳта далаларида.

Албатта, жорий йилда қишлоқ хўжалик мавсумида табиатнинг қатор инжиқликлари ва ноқулийликларига қарамай, заҳматкаш бободехқонларимиз мўл ҳосил олиш йўлида яна бир бор жасорат кўрсатганилиги чинакам мардлик ва фидойилик намунаси бўлди. Паҳтачи туманидаги «Ойнусха Абдулла Усмон Ҳамро» фермер хўжалиги аъзолари ҳам сув тансик бўлган худудда дехқончилик қилишларига ва жорий йилги табиат инжиқликларига қарамай, гектаридан 40-50 центнердан паҳта хирмони яратиб, режани 160 фоизга бажардилар.

– Жорий йилги ғалла ва паҳтадан олинган даромадимиздан “хизмат кўрсатиш ва сервис” лойиҳаси ташкил этишини ва яна 20 та янги иш ўрни яратишни режалаштириб турибмиз, – дей-

ди, «Ойнусха Абдулла Усмон Ҳамро» фермер хўжалиги раҳбари Бобошер Ҳамроев. Эътиборлиси шундаки, жорий йилги паҳта терими учун жойларда умуман четдан ҳашарчи жалб этилмаяпти. Паҳта терими фақат ихтиёрийлик ва моддий манфаатдорлик асосида ташкил қилинмоқда. Дарҳақиқат, дехқон-фермерларга яратилаётган шарт-шароитлар мўл ҳосил олиш ва улкан хирмон яратиш, халқимиз дастурхонини тўкин этишга пухта замин яратмоқда. Карманалик фермер Исомиддин Норов ҳам қатор йиллардан буён паҳтачиликда юқори ҳосил олиб келадиган миришкорлардан.-

— Фермерларга қўйилаётган ҳозирги талаб, тармоқларни кенгайтириш ва янги иш ўринлари очишdir. Ана шуларни ҳисобга олиб паҳта йўналишидан олган даромадимиздан хориждан наслли қорамол олиб келдик, қўшимча иш ўринлари очик, – дейди фермер Исомиддин Норов.



Суратда: фермер Исомиддин Норов хўжалик аъзолари билан.

Бир сўз билан айтганда, бугун худудларда қишлоқ хўжалик соҳасини тўғри йўлга қўйиш, ерлардан самарали фойдаланиш, манфаатлар уйғунлигини таъминлаш орқали паҳта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми кескин ошиб бормоқда. Шу аснода фермерларнинг даромади ортиб, аҳоли бандлиги таъминланиши ва камбағаллик барҳам топиши учун замин яратилмоқда.

Ўз мухбири

ҚИШЛОҚ ФАРЗАНДИ

Хоразм вилоятининг Янгибозор тумани 1981 йилнинг Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг 2 курсида таълим олаётган Тўлибой Ибрагимов ҳали 19 ёшдаги навқирон йигит эди. Қишлоқда ўсган эмасми, кенгликларни қўмсар, туғилиб ўсган маскани уни ўзига тортарди. 1984 йили ўқишини тугатгач, Янгибозор тумани “Қишлоқхўжаликкимё” бирлашмасида бош ҳосилот бўлиб иш бошлади. Унинг ёшлик шижаоти, тўғрисўзлиги, дангаллиги, ўз фикрини бемалол баён қилиши раҳбарлар эътиборини тортди. 1984-1989 йилларда Ҳамза номидаги жамоа хўжалигига Ёшлар кўмитаси котиби, кейинчалик Урганч тумани ёшлар кўмитаси услубчиси, Ҳамза номидаги хўжаликда ҳосилот, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида турли ишларда фаолият олиб борди. 2019 йилдан Янгибозор тумани қишлоқ хўжалик экинлари ва ердан фойдаланиш шўйбаси раҳбари бўлиб ишлади.

2003 йилда у “Эркабой” фермер хўжалигини ташкил қилган эди. У ҳалол меҳнати, шижаоти, билими туфайли, қаерга ишга кўйилса, шу ерда обрў топди, муваффақиятга эришди.

– Қишлоқ хўжалиги соҳасида 38 йилдан бўён ишлаб келмоқдаман, – дейди Тўлибой ака. – Ҳаракатда – баракат, – дейди ҳалқимиз. Ҳаракат қилмасангиз, ҳеч нимага эга бўлмайсиз. 1990-2000 йилларда техникалар етарли эмас эди. 2003 йили фермерлик ташаббуси бошланди, 2-3 гектардан ерлар бўлиб берилди. Кейинчалик ерлар ҳажми 10-15 гектарга етказилди. Янги техникалар меҳнатга жорий қилина бошланди. Тўғриси, мамлакатимиз мустақиллигидан кейин қишлоқ хўжалиги ишлари ривожланди, ҳосилдорлик ортиб, кўп тармоқли фермер хўжаликлар пайдо бўлди. Битта ғаллачиликдан 2018 йилда ҳосилдорлик 30 центнердан 70 центнерга кўтарилиди.

Ҳа, ҳосилот эмасми, у ўтган йилларни шундай шарҳлаб бердики, унга савол беришга изн қолмади. Унинг айтишича, пахтачилиқда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зовурларни тозалаш ва ерларни лазер технологияси асосида текислаш ҳисобига ҳосилдорлик 8-10 центнергача ошган.

Амударё шиддат билан тўлиб оқиб турган даврларда хоразмлик дэҳқонларга сув муаммо бўлмаган. Бугунги кунда сув муаммосини бартараф этиш учун янги суғориш тизимлари ва технологиясини жорий қилиш кераклиги аён бўлиб қолди. Асосан, Тошсоқа тизимидан сув оладиган Янгибозор тумани ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кузги-қиши суғориш ишлари бошлаб юборилган. Туманга сув 70 км узоқликдан 3 та туман ерларидан ўтиб етиб келади. Шунинг учун туманда зовур сувларидан ҳам фойдаланиш йўлга кўйилган. Кўпгина майдонлар томчилатиб суғориш тизимига ўтказилди.

Ҳосилот отахонимиз билан сұхбатимиз тез орада ўтказиладиган Қишлоқ хўжалик ходимлари куни ҳақида ҳам бўлди.



– 2018 йилда биринчи марта қишлоқ аҳли байрам қилди. Шунда Тошкентга таклиф қилинган эдим. Қорақалпоғистон, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидан борган вакиллар бирга турдик. Улар билан сұхбатлашиб, иш жараёнларини ўргандик. У кунлар бир умр эсимдан чиқмайдиган бўлди, – дейди Тўлибой ака.

Фермер ўз хўжалигидаги ишларни ҳам яхшигина йўлга қўйганига гувоҳ бўлдик. 18 гектар ерда иш бошлаган хўжаликда дастлаб бир дона техника билан 4 нафар ишчи ишлаган. Бу йил 105 гектар умумий ер майдонининг 70 гектарига пахта, 25 гектарига ғалла ва бошқа экинлар экилди. Хўжалик устахонасида 1 та “Орион-63”, “МТЗ-80”, 2 дона “Т-28 х-4” лазер текислагич, культиватор, сеялка каби қишлоқ хўжалигига керакли техникаларнинг бари бор. 37 нафар ишчи-хизматчининг фаолиятига, оиласвий даромади етарли бўлишига, уларнинг баҳтли, саодатли яшашига фермер хўжалиги раҳбари масъул.

Тракторчи Ражаббой Ибрагимов, Ҳурсанд Шомаков, сувчи Санъат Хайитбаев доимо ўз ишларидан ортиб, бошқа қатор юмушларни бажаришда фермерга ёрдамчи бўлиб келмоқдалар. Бу йил ғалладан бўшаган майдоннинг 5 гектари 25 нафар ишсиз ёшларга бўлиб берилди. Улар яхшигина даромадга эга бўлишиди.

Олим-ҳосилот ҳар куни эрталаб далаларни бир-бир айланаб чиқади. Кейин эса шўйба корхонага отланади. Унинг ҳар бир куни шундай ўтади. “Қишлоқда яшадингми, қишлоқ ҳаётига муҳаббат кўй, шунда униб ўсасан”, дейди у.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини яхшигина натижалар билан кутиб олаётган бу умри азиз инсонга ва яқинларига доимо омад, саломатлик, эркин ва курашчан ҳаётни тилаб қоламиз. Зоро, янги Ўзбекистонда фаровонлик, тўкинлик яратиш ҳар биримизнинг асл вазифамиздир.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.
Суратда: Тўлибой Ибрагимов.

БҮГУННИНГ ФИДОЙИЛАРИ

*Чиноз туман фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi раиси Баҳром Умрзоқов билан
“Бирлик” маҳалла фуқаролар йигини биносига кириб бордик.*

— Маҳаллага фидойи, тиниб-тинчимай халқ учун ташвиш тортиб юрадиган опамиз Умида Қўшназарова раисалик қиладилар. Аҳоли сони 3332 нафар, 619 та хонадон, 810 оиласдан иборат. Маҳаллада ҳамма ишлар бинойидай, — деди Баҳром ака.

Иш билан қаёққадир чиқиб кетган раисани учратолмадик. Биз кирган хонага маҳалла назоратчиси билан Ободонлаштириш томорқа ва тадбиркорлар масалалари бўйича ўринбосар, энди 22 ёшга кирган йигит Сарварбек Мирзаев кириб келди.

— Маҳалламиз аҳлининг 99 фоизи ўз томорқасида дехқончилик билан шуғулланади, — деди у. — Иссикхоналаримизнинг кўпчилиги томчилатиб сугориш тизимиға уланган бўлиб, йилига уч марта ҳосил олинмоқда. Етиширилган маҳсулот шу ернинг ўзидан экспортга чиқариб юборилади.

Маҳаллада томорқачилик ишларига катта эътибор қаратилганлиги боисидан ҳам туман ва вилоят миқёсидаги бир қатор анжуманлар шу ерда ўтказилган. Икки марта «Томорқа – даромад манбаи» мавзусида иммий анжуман ўтказилиб, Республика Фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi раиси А.Хайтов, Тошкент вилояти туманларидан вакиллар ва раҳбарлар, туман ҳокими, тадқиқотчи олимлар, фаол томорқачилар иштирок этди. Анжуманда маҳалланинг 4 нафар аъзоси – Сайфулло Файзуллаев, Баҳтиёр Ишонкулов, Файрат Ҳайдаров, Риза Мадатовлар “Намунали томорқачи” кўкрак нишони билан тақдирланди.




Маҳаллада аҳолининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, дехқончилик ва чорвачилик “ўсиш нуқталари” аниқлаб чиқилган. Аҳоли даромадларини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни тутатиш мақсадида банклар томонидан тўғри йўналтирилган имтиёзли кредитлар ажратилган.

“Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган 26 нафар йигит-қизга баҳорда 0,25 сотихдан ер майдонлари ажратилиб, улар дехқончиликнинг дастлабки мўл ҳосилларидан баҳраманд бўлдилар.

— Мен Президентмиз, ҳукуматимиз, раҳбариятимиз, маҳалламиз фаолларига чин юрақдан ташаккур айтаман. Эккан помидорларимдан жуда яхши ҳосил етишитирдим. Ега меҳр берган, албатта, натижасини кўрсатар экан, — деди Манзура Абдукаримова.

Камолиддин Нурбаев, Санобар Алиева, Малика Ахмедова каби томорқачилар ҳам етишираётган мўл-ҳосилларини йиғишириб оларканлар, хурсандлик билан оила аъзоларининг маблағ фондига сезиларпи даромад киритаётганларидан мамнунликларини изҳор этишиди.



Албатта, томорқа хўжаликларда етиширилган ҳосил ўз вақтида керакли жойга жўнатилсанга, кўзланган мақсадга эришилади. Мақсад эса ҳар битта аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, оила тўкинлигини яратиш, шу йўсинда озиқ-овқат саноатини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат.

Президентимизнинг 2020 йил 30 июнданги ПҚ-4767-сонли қарорига биноан ташкил этилиши белгиланган “Чиноз томорқа хизмати” кластер фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш бўйича тасдиқланган “йўл харитаси” доирасида иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, фаолият бошлаган “Чиноз АгроСентр” ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил қилиниб, унга туман заҳирасида бўлган, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай ётган 62,48 гектар ер майдони ажратилиб, дехқончилик истагида бўлган камбағал аҳоли қатлами, уюшмаган ёшлардан иборат 200 нафар ёш биринтирилган. Ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 543 нафар ўшга 135,75 гектар ер майдонлари ажратиб берилган.

— “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида тўлиқ ихтисослаштирилган 14 та МФЙда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш ва сотишда ҳеч қандай муаммо йўқ. Етиширилган маҳсулот вақтида экспортчи ташкилотлар томонидан сотиб олиниб, керакли мақсадларга йўналтирилади, — деди Б. Умрзоқов. — Бу маҳсулотлар Самарқанд, Жиззах вилоятларига, Чиноз, Янгийўл туман бозорларига, Тошкент шаҳридаги Кўйлиқ, Фарҳод бозорларига етказиб берилмоқда. Шунингдек, Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Шукуржон СОДИҚОВА,
Суратларда: томорқачи Санобар Алиева;
Нурбоев Камолиддин етиширилган ҳосилидан мамнун.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ МЕВАСИ

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳалол мөхнат қилаётган фермерлар яратилган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантироқда, ислоҳотларнинг фаол иштирокчи-сига айланиб, кўп тармоқли фермер мақомини олишдай мақсад сари интилмоқда.

Нарпай туманидаги “Чакалакзор” фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Суюнов кўнгли ва қўли очиқ фермерлардан. 42,7 гектар ердаги пахтазорнинг ҳар гектаридан 41 центнердан ортиқ пахта етишириб, туманинг илғорлари қаторидан жой олган бўлса-да, намунали фермер деган шарафли сўзлардан мағрурланмайди. Камтаргина оҳангда “бу мөхнат, холос” дейди секингина.

Бундан ташқари, хўжалик 28,7 гектардаги ғалла майдонидан 75 центнердан хирмон кўтартган. 30 бош қорамолни эса рацион асосида парваришламоқда.

Фермер ўкув маркази очиб, ёшларга асосий фанлардан билим бериш учун мутахассисларни таклиф қилган. Фитнес клуб, боксга қизиқувчилар учун тўғарак, нон ва турли хил булочкалар тайёрлаш цехи ҳам ҳалқ учун ишламоқда.

Энди ушбу туманинг “Элбек” номли фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Раззақовнинг иш тажрибасини ўrnak қилиб айтмоқчимиз. Сабаби, унинг ерга бўлган меҳри ўзгача.

— Тупроқни семиртиришда унинг ҳавога мосла-нувланигини ўрганиб, ҳолатига қараб минерал ва маҳаллий ўғит берилса, кутилган натижага эришиш мумкин, — дейди табиатан оғир қаҳрамонимиз.

38,3 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил ўғиб олинган фермер хўжалигига ундирилган тонналарнинг ярми ўзига қолгани ҳам айни ҳақиқат. 47,4 гектар пахта майдонидан олинган ҳосил 41 центнерни ташкил қилмоқда.

— Ишониб топширилган ерни увол қилсак, яратган Эгам ҳам кечирмайди, — дейди Улуғбек. — Техника-паримизга ҳам вақтида эътибор берамиз, таъмири, тозалиги дегандай.

30 бош қорамолни Польша республикасидан олиб келтирган фермер келгусида Германиядан ҳам зотдор мол олиб келиб, шунга мос шароит яратиб кўпайтироқчи.

Каттақўрғон туманидаги “Муродулло бобо НФМ” номли фермер хўжалиги раҳбари Фурқат Насруллаев кўрни кўрган, суяги далада қотган фидойи, қишлоқдошлари орасида обрў-эътиборга эга инсон.

Унинг хўжалиги 51 гектар пахта майдонидан 42 центнердан ҳосил ўғиб олибди. 59 гектар ғалла майдонидан эса 70 центнердан хирмон уйган.

Галланинг 197 тоннасини давлатга сотган бўлса 185 тоннаси ўзига қолган. 2 гектар қулупнай, 2 гектар иссиқхона, 2 гектар боғ, 60 оила асалари ҳам фермерники. “От ўрнини той босар” деганларидай, ўғли Достонжон доимо ёнида, ёрдамчи.

— Келажак ёшларники. Худо насиб қилса, фермерчиликни ўғлимга топшираман, — дейди ота.

Пайариқ туманидаги Элита уруғчилик хўжалиги раҳбари Искандар Алимов ҳам ҳалол мөхнатлари эвазига обрў-эътибор топаётгандардан, десак, хато эмас. Ҳар йили режаларини бажариб, туман илғорлари сафида юради, дейишди у ҳақда қишлоқдошлари.

40 гектарлик пахта майдонидан 40 центнердан ошириб ҳосил ўғиб олдик, — дейди Искандар. — 40 гектарли ғалла майдонидан 70 центнердан буғдой хирмони кўтарилиганди.

— Фақат бой фермер бўлишни орзу қиласизми? — деда савол бердим.

— Ҳа, — деди у кулиб, — ахир, мен бой бўлсам, фермер аъзоларим ҳам яхши яшайди-да. Кам таъминланганларга озми-кўпми ёрдамим тегади. Мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшаман. Президентимиз, туман ҳокимимиз қўллаб турганда ишламасак уят-да.

Ушбу туманинг “Асамиддинов Доңиёр даласи” номли фермер хўжалиги раҳбари Хуршид Тоғаев ҳам қўшни даладаги ҳамкори Искандардан қолишмай, мөхнат қилиб барака топаётгандардан. 19 гектар пахта майдонидан биринчи теримдаёқ 80 фоиз ҳосил олди, иккинчи теримда эса режани ортиғи билан бажарди.

17 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил ўғиб олгандик, — дейди фермер, - бўшаган ерларга ёшлар билан такорий сабзавот экинларини экдик. 3 гектар ерда соя парваришладик. Ҳосилига эса гап йўқ. Ҳалол мөхнат қилдик, Худо қўллайди, демак бой фермерлардан бири ўзим-да, — дейди ҳазил аралаш.

**Раъно ЮСУПОВА,
журналист.**

АЖАР ЖИЯТ ФОАИС ҔҮДА...

Соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини кўрсата оляптими, янгича ислоҳотларнинг изчил жорий этилишидаги натижалар қандай ва ҳоказо... саволларга жавоб излаб Навоий вилояти фермерлари ҳузурига ошиқдим.

Кармана туманидаги “Намоз бобо” фермер хўжалиги раҳбари Дўстмурод Нурматовнинг фаолиятини ёритсангиз, балки сиз излаган саволлар жавобига ижобий ечим бўлар, дея таклиф билдириди туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Зафар Турсунов.

— Бизнинг фермер хўжалигимиз 2000 йили ташкил топганди, — дея аста гап бошлади ушбу фермер хўжалиги раҳбари Дўстмурод Нурматов. — Айни кунда 54 гектар пахтанинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил йигиб олган фермернинг кайфияти чоғ, кўнгли нурафшон.



Суратда: (чапдан) Кармана туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Зафар Турсунов, “Намоз бобо” фермер хўжалиги раҳбари Дўстмурод Нурматов ва ўғли Акмалжон.

лан бажардик. Келгуси йил учун 46,5 гектар майдонни шудгорлаб, ерни оби-тобига келтириб, сара буғдой уруғларини ҳам экиб бўлдик.

— Ҳа, Дўстмурод ака тажрибали дехқон. Суяги далада қотган миришкорлардан, бирор қарич ерни увол қилмай меҳнат қиласди. Меҳнатлари эвазига 2005 йили “Дўстлик” ордени билан тақдирланган, — дейди ҳамроҳим Зафаржон.

— Ушбу туманда кўптармоқли яна бир меҳнаткаш фермер бор, — дея йўл бошлиди туман мутахассиси. — Ҳар бир ишнинг унумли бўлишида инсоннинг соғ юраги, холис ниятига боғлиқ. “Истиқбол” фермер хўжалиги раҳбари Исимиддин Норов ана шундай феъли кенг инсон. 48 гектар майдондаги пахтанинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил йигиб олган фермернинг кайфияти чоғ, кўнгли нурафшон.



Суратда: (чапдан) “Истиқбол” фермер хўжалиги раҳбари Исимиддин Норов ва хўжалик иш бошқарувчиси Мардон ака.

да кенгайтириш, эл дастурхонини сут маҳсулотлари билан бойитиш мақсадида сутни ишга қайта ишлаш цехини туширмоқчи. 20 оила асал, 3 гектарли боғ ҳам фермерники.

Қизилтепалик фермерлар ҳам “Меҳнатнинг таги роҳат” қабилида покиза қалблари холис ниятлари борлиги учун вилоятда доимо олдинда, режаларини бажариб келади, юзлари ёруғ.

Ушбу туманинг “Кўхна қўргон жавоҳири” фермер хўжалиги далаларида иш қизгин. 59 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил йигиб олибди. Айни кунда 40 гектар майдондаги ғаллалар далаларга кўрк берип турибди. Кун сайин бўй чўзиб ўсаётган гўзалликка қараб тасанно дегингиз келади.

— 2021 йилги ғалла майдонидан ҳар гектаридан 70 центнердан буғдой ҳосилини йигиб олдик. 2022 йилда 75-80 центнердан мўлжаллаб турибмиз, — дейди фермер Муҳаммедов. — 7 буш от, 100 буш молларни ҳам меҳр берип парваришлаймиз. Ниятни холис қилиб, мақсад сари астойдил интилсангиз, Аллоҳ қўллайверади.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

СОХА РИВОЖИ ЙЎЛИДА



Истиқлол қоракўл наслчиллик МЧЖ ҳаётидан лавҳалар.

Нурота туманидаги “Истиқлол қоракўл наслчиллик” МЧЖ аъзолари ҳам бугун қоракўлчилик соҳаси истиқболини янги босқичга олиб чиқиш йўлида меҳнат қилиб келишмоқда. Ҳозирга кунда МЧЖ таркибида жами 71 минг 379 гектар майдон бўлиб, шундан 64 минг 736 гектари яйловлардир. 30 минг 522 бош майдада шохли моллар парвариши қилинмоқда. Бу кўрсаткич жорий йилги курғоқчилик даврига қарамасдан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослагандага ўсиш суръати 110 фойзни ташкил этди.

— Олдимизда синовли дамлар “қишлоў” мавсуми турибди. Ушбу дамларда чорвани етарлича сифатли озука билан таъминлаш доим долзар масалалардан бири бўлиб келган. Президентимизнинг 2019 йил 16 августандаги “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг қабул қилиниши соҳани узвий ривожлантириш қанчалик мухимлигини кўрсатди ва олиб борилаётган испоҳотларнинг мантикий давоми бўлди.

Мазкур қарор ижросига кўра жамиятимиз қошида омихта ем ишлаб чиқариш цехини ташкил этдик ва шу орқали ўзимизнинг чорвамизни ва тумандаги бошқа қоракўл наслчиллик МЧЖларини сифатли озука билан тўлақонли таъминлаш имкони пайдо бўлди, — дейди “Истиқлол қоракўл наслчиллик” МЧЖ директори Нуриддин Эсонов.

Айни кунларда МЧЖ аъзолари 2021-2022 йил қишлоў даврини мудаффақиятли ўтказиши мавсумдан майда шохли молларни беталофат олиб чиқиш мақсадидага фидокорона меҳнат қилишмоқда. Ҳозирга қадар жойларда 2 минг 295 тонна ҳашак жамғарилди ва шундан 650 тонна беда, 1 минг 600

Қоракўлчилик тармоғини ривожлантириш орқали марказдан олиса да жойлашган ҳудудларда яшовчи аҳолини муқум иш ўринлари билан таъминлаш, бозорларга арzon ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиши, бежириш ва сифатли қоракўл терини хориж давлатларига экспорт қилиш мумкин. Шу мақсадда тармоқда иқтисодий испоҳотларни чуқурлаштириш орқали, наслчиллик ишларини тақомиллаштириш, сифатли қоракўл тери етиштириш, чўл озукабоп экинлар майдонларини ташкил этиш ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириши борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

тоннада дафал ҳашак, 45 тоннани сомон ва бошқа озуқалар ташкил этади.

Нурота туманидаги яна бир, “Фозғон” наслчиллик МЧЖ аъзолари ҳам бугунги кунда соҳа ривожига улуш кўшиш, янги тармоқ ва иш ўринлари яратиш йўлида фаолият олиб бормоқда. Мазкур МЧЖ таркибида жами чорва сони 19 минг 326 бошни ташкил этади ва улар жорий йилнинг шу даврига қадар 172 тонна гўшт, 32 тонна жун, 3,6 тонна пилла, 1 минг 936 дона қоракўл тери, етиштириди. Кўшимча тармоқ сифатида касаначилик ҳам йўлга қўйилиб, тўрт киши иш билан таъминланди. Маълумки қишининг кўр-қировли кунлари аввало чўпон-чўликлардан ўта ҳушёрликни ва сабрлиникни талаб этди. Айни кунларда об-ҳаво анча совиб, қишининг изгиринли кунлари кириб келмоқда, лекин мавсумга тайёргарлик ишлари “Фозғон”ликлар томонидан оби-тобида олиб борилгани сабаб, чўпонлар шошиб қолгани йўқ.

кўйларни соғлом, бақувват ҳолда чорва қишловидан ўтказишдан иборат,— дейди “Фозғон” наслчиллик МЧЖ директори Одил Шарипов. — Шунингдек, мавжуд 32 та отар, 27 та очиқ кўра, 9 та сув таъминоти иншоотлари, 23 та тик қудук, 3 та сунъий қочириш пункти тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Чўпон-чўликлар маҳсус кийим, озуқа захираси билан таъминланди.

Маълумки, Нурота тумани ширкат хўжаликлиарида зармалла типидаги қоракўл қўзилари етиштириш яхши йўлга қўйилган. Ушбу қоракўл зотлари териси нафис ва бежиримлиги билан ажralиб туради. Уларнинг ранги тиник, юкори сифатли насллар парваришига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бугун туманда қоракўлчилик борасида тўплланган тажриба, соҳанинг янги истиқболлари мавжудлигидан далолат беради. Асосий мақсад эса миллий бойлигимиз бўлган қоракўл



Суратларда: Фозғон наслчиллик МЧЖ ҳаётидан лавҳалар.

— 2021-2022 йил чорва қишлови мавсуми учун жамоамиз билан 2 минг 430 тонна ҳашак тайёрладик. Касаллик-ларнинг олдини олиш мақсадида барча отарларда дезинфекция ва дератизация ишлари олиб борилди. Етарли миқдорда дори-дармон захираси яратилди. Бундан кўзланган асосий мақсад мавжуд чорвани, айниқса она

терилари довруни тикиш ва уларни хориж давлатларига экспорт қилишdir. Албатта, соҳага берилаётган эътибор туманда чорва сонининг ошишига ва қоракўлчилик маҳсулотлари экспорти ҳажми ортишига, пировардида аҳоли ва давлат даромадлари ошишига хизмат қилади.

Ўз мухбирумиз.

ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКДА ЯНГИ ФОЯЛАР

Ҳар бир соҳанинг фидойи-лари бўлади. Улар бир умр ўз танлаган касбларига меҳр қўйиб, саъй-ҳаракатлари билан ўша соҳа ривожига ҳисса қўшадилар. Шундайлардан бири Хива тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими раҳбари Абдурасул Абдуллаевdir.



– Бир зумда 57 ёшга кириб қолибман, 21 ёшимда чорвачилик соҳасида иш бошлаган эдим, – дейди у.

Зиёли оиласдан чиқсан чорвадорнинг ҳар бир куни туманда чорва ва ветеринария ишларини кузатиш, даволаш ва янгиликларни жорий қилишдан бошланади. Аслида ўқитувчи оиласидаги Абдурасулнинг бу касбни танлаши қизик бўлган...

Ўшанда у 18 ёшда эди. Қўшни қиз Дилбар Фозилова олий маълумотли ветеринар врач эди. Бир куни отаси, мактаб директори касал бўлиб қолган сигирини кўриб қўйишга ўша қўшни қизни чақиради. Ҳансираб дам олганича, ем ҳам, сув ҳам истеъмол қипмаётган молнинг ахволи ачинарли эди. Ветеринария врачи қиз бола бўлса-да бир пасда сигирнинг соғлигини тиклади. Оила аъзолари, айниқса, Абдурасул бундан ҳаяжонга тушди. Шундан сўнг қўшни қиз Туркманистонга турмушга чиқди ва қишлоқни тарқ этди. Аммо у Абдурасулнинг кўнглини қорамоллар ҳаётига боғлаб кетди. У шу йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетига ўқишига кирди.

Бу воқеалар яқиндагина бўлгандек, аммо анча йиллар ўтди. Ўша Абдурасул бугун Абдуллаев бўлиб танилди, ветеринария врачи сифатида элга фойдаси тегди. У ўз фаолиятини 1985-1986 йилларда Хива тумани бўрдоқчилик хўжалиги

ветеринария фельдшерлиги касбидан бошлади. Шу бўйи раҳбарият қаерга юборса, ўша ерда сидқидилдан фаолият олиб борди. Хива тумани давлат ветеринария бўлими врачи, бошлиқ ўринбосари, Хоразм вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси бошлиғи вазифаларидағи фаолияти унинг касбига бўлган салоҳиятини ошириди.

Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими биносига разм соламиз. Олдинги бинога ўхшамайди. Таъмирланган, атроф озода. Демак, бу ерда ҳар бир иш ўз ўрнида.

– Яқинда ишхонамиз учун машина ҳам сотиб олдик. Президентимизнинг эътибори туфайли бизнинг соҳада ҳам ривожланиш бошланди, аҳолига субсидиялар ажратилди, – дейди у.

Билдикки, хивалик чорвадорларнинг ҳар бир куни зафарли ўтмоқда. Умид Тоиров раҳбарлик қилаётган чорвадорликка ихтисослашган “Умидли Қорақум” фермер хўжалиги аҳолини наслли қорамоллар билан таъминлаш ишларида кўпчиликка ибрат бўляпти. Асосан гўшт, сут йўналишидаги қорамоллар билан таъминланган аҳоли билан боғланиш икки томонга ҳам фойда келтиради.

200 бош қорамолга эга, шундан 105 боши соғин сигирлардан иборат бўлган кўп тармоқли “Йўлдош Маъжид” фермер хўжалигига аҳоли учун 7 хилдаги – сут, қатик, творог, қаймоқ, сариёғ, пишлок, айрон маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Вилоятнинг турли жойларидан аҳоли бу ердаги маҳсулотларни сотиб олишга келади.

Аслида маҳсулот сифати ва ҳаридоргирлигига чорва молларининг сифатли ва тўйимли озиқаланиши, касалликларга қарши вактида эмланиши ва озодалик сабаб эришилади. Юқоридаги хўжаликларда ветеринария соҳасида эпизодик чора-тадбирлар режали ва ўз вақтида олиб борилмоқда. Юқумли ва юқумсиз касалликларга қарши даволаш, эмлаш ишларини ўтказища ветврачлардан



Суратда: Хива тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ҳаётидан лавҳалар.

Ҳамроҳбек Жуманиёзов, Эргаш Довутовлар кунни тунга улаб ишляпти.

– Ҳозирги кунларда нодуляр-дерматит касаллигига қарши эмлаш ишларини олиб боряпмиз, – дейди Абдурасул Абдуллаев. – Деярли 13 та аҳоли пункти, 63 нафар чорва фермер хўжалиги, 8 нафар паррандачилик ва битта қўйичилик хўжалигига 13 нафар ветврач ва 13 нафар фельдшеримиз ишламоқда.

Ражабиби Рўзметова 1992 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатиб келиб, шу соҳада иш олиб боряпти. У Абдурасул Абдуллаевнинг етакчи шогирдларидан бири.

– Бугун барча зарур жиҳозлар, дори-дармонлар етарли, олдинлари етишмасди, қийинчиликларимиз ортда қолди, бизнинг соҳага эътибор кучайди, – дейди у. – Аҳоли ва фермер хўжаликларга вақтида хизмат кўрсатиш учун велосипед, мотоцикл, машина хизматимизга шай. Ҳайвонлар ва одамларда бирдай хавф туғдирадиган касалликларни аниқлаш учун туман ташхис маркази ташкил этилган. Бу ерда лаборатория текшириш учун барча керакли жиҳозлар замонавий андозада бўлиб, қийинчилик сезмаймиз.

Айнан биз борган куни шу ерда ўтказилаётган амалий семинарда чорвадорлар учун янгича ишлашни тарғиб қилиш чора-тадбирлари ҳақида гап борди. Хоразм вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Маримбой Султонов, вилоят озиқ-овқат давлат ташхис маркази бўлим бошлиғи Озод Човдираев, Ўзбекистон чорванасл агентлиги вилоят бўлими раҳбари Шуҳрат Ахмедов ва барча туманлардан келган чорвадор ҳамда ветеринария врачлари жамланган амалий семинар жуда қизиқарли ва фойдали маълумотларга бой бўлди. Семинарда маҳсулотлар сифатини текширишда ўйл қўйилган хатоликлар айтиб ўтилди. Шунингдек, бугунги кунда илгор ғоя бўлган ИФА, ПСР реакцияларида текшириш таклифлари амалиётга киритилди. Семинарда қатнашган 70 дан зиёд чорва соҳаси фидойилари бу масалага жиддий эътибор бериш кераклигини таъкидлади.

Ишнинг кўзини билган, чорва соҳасида етакчилик қилаётган хиваликлар билан хайрлашар эканмиз, уларга қорамоллар ва уй ҳайвонлари сиҳатини асраш, аҳолига мўл-кўл сифатли озука маҳсулотлари етказищдек хайрли ишда, ишлаб чиқариш хўжаликларига ёрдам беришдек муқаддас вазифаларда омад тиладик.

Ўз мухбиришимиз.



ЧОРВАДОРГА КАМАРБАСТА

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, аграр соҳани, шу жумладан, чорвачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинаётган Дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги хўжалик юритувчи субъектлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилаёттир. Бу борада Самарқанд вилояти Булунғур туманида ҳам чорвачилик, паррандачилик, балиқчilik ва асал аричилик, қорамолчилик, қўйичилик, йилқичилик, туючилик, қуёнчилик, паррандачилик, балиқчilik хўжаликлари ташкил қилинмоқда. Албатта, бу борадаги ишлар самарасини оширишда ветеринария ҳизматининг ўрни катта. Бугунги кунда туманда мавжуд 55 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 18 та ветеринария участкалари таомонидан ветеринария хизматлари

кўрсатиб келинмоқда. Туманда сигир ва таналарни зоти ва наслини яхшилаш мақсадида 12 нафар ветеринария врачлари фаолият олиб бормоқда. Шу аснода 2021 йилнинг шу даврига қадар сунъий уруғлантириш режасига асосан 9 минг 441 бosh сигирлар сунъий уруғлантирилган. Албатта бу ҳам туманда чорва наслини яхшилабгина қолмай, гушт ва сут маҳсулотларини кўпайишига ҳизмат қиласди. Тумандаги «Хўжам Норматов даласи» фермер хўжалиги аъзолари ҳам 2021 йил Дастури асосида Чехия республикасидан 30 бosh насли қорамол олиб келди.

– Президентимиз томонидан 2021 йил 3 марта куни «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида тақдим этилган имтиёзлар ҳақида эътироф этмай иложимиз йўқ. Ушбу қарорга асосан, чорвачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларида

етиширилган гўшт учун реализация қилинган йирик ва майдо шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўмдан тўланиши ва бошқа имтиёзлар биз фермерларга катта имкон яратди, – дейди фермер хўжалити раҳбари Икром Норматов.

– Туманимизда ҳозирги кунда қорамоллар сони 106 минг 763 бosh ташкил этса, шундан 53 минг 091 бosh сигирлардир. Туман ветеринария бўлими билан биргалиқда чорва наслини яхшилаш мақсадида ҳар бир худудда сунъий уруғлантириш пунктлари ташкил этилганмиз. Ана шу пунклардаги амалий ишларимиз ва туманимизга ҳориждан олиб келинаётган қорамоллар ҳисобига чорва насли йилдан-йилга яхшиланиб, гўшт, сут маҳсулотлари етиширишда ҳам ўсиш сўръати кузатилмоқда, – дейди чорва насл марказининг вакили Жамшид Хасанбоев.

Албатта, аграр соҳанинг етакчи тармоқларининг истиқболи учун амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар, Бу саъй-ҳаракатлар пировардида бозорларда чорва маҳсулотлари сут, гўшт, ёғ сероблиги ва арzonлиги таъминланиб, аҳоли дастурхонига файз-барака киритиш билан бирга иқтисодиётимизнинг янада юксалишига ҳизмат қиласди.

Ўз мухбиришимиз.

Суратда: туман чорва насл маркази вакили Жамшид Хасанбоев, фермер Икром Норматов билан.

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОЖИ ТЎЛОВИДАН ОЗОД ҚИЛИНИШИ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 06.01.2020 йилда “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуну қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади давлат божини белгилаш, ундириш, уни қайтариш ва уни тўлашдан озод қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан қўйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар - ўрмон дараҳтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни кўриқлаш ва муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги, ўрмон хўжалиги даромади суммаларини (шу жумладан, ўрмон дараҳтларини ўсиб турган жойида сотиши қоидаларини бузганилик учун зарар ва неустойкани, шунингдек, ўзбошимчалик билан ўрмон дараҳтларини кесганлик, пичан ўрганлик ва молларни ўтглатганлик учун жарималарни) ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;

2) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг худудий бошқармалари - палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

3) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича худудий кенгашлар - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича;

4) ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари - барча даъволар бўйича;

5) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг худудий бўлинмалари - «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга кетган маблағларни ташкилотлардан ундириб олиш бўйича даъволар, шу жумладан, регресс даъволар юзасидан;

6) сугурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органи - мажбурий сугурта операциялари билан боғлиқ барча ишлар бўйича;

7) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари - сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганилик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

8) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва унинг жойлардаги органлари - атроф-муҳитни ифлослантирганик, табиятдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофaza қилишнинг тартиб ва шартларини бошқача тарзда бузганилик туфайли табиий обьектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

9) Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши курашиш кўмитаси ва унинг худудий органлари - ўз зиммасига юқлатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича;

10) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг худудий органлари - ўз зиммасига юқлатилган ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъволар бўйича;

11) Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг худудий органлари - ўз зиммасига юқлатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича;

12) давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари - барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида

юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун; 13) прокуратура органлари - давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

14) адлия органлари - давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

15) ундирувчи ёки давлат ижрочиси - қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

16) ҳалқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан ҳукуматлараро келишувлар асосида берилган кредитлар бўйича асосий қарздор сифатидаги қатнашувчи давлат органлари ва ташкилотлари - субзәём олувчилардан пайдо бўлган қарздорликларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

17) давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериси шартномалари бўйича сотиб олувчи ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотлари - етказиб берувчилар (пудратчилар) томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганилиги билан боғлиқ даъволар юзасидан;

18) Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари - фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

19) аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича;

20) чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамияти - уларнинг ҳуқуқлари ва қонуни манфаатлари бузилганилиги тўғрисидаги даъволар юзасидан;

21) тадбиркорлик субъектлари — ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериси тўғрисида ариза берганда;

22) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганилиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

23) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг худудий бошқармалари — моддий маданий мерос обьектларини муҳофaza қилиш ва улардан оқилона фойдаланишини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

24) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги органлари - қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганилик бўйича давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

25) Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуни манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил - тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2, 20 ва 21-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилди.

Давлат божини белгилаш, ундириш, ундан озод қилиш ва уни қайтариш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганиликда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Анвар СУВОНҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти “Оқолтин” туманлараро иқтисодий суди раиси.

Кўчмас мулк объектлари бузиб ташланиши муносабати билан мулкдорларга бериладиган компенсация турлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк хуқуqlари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомилластиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли қарорига асосан:

- а) олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;
- б) олиб қўйилган ер участкасига бўлган хукуқнинг бозор қиймати;
- в) кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтингчалик олиш

билин боғлиқ харажатлар;

- г) жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси;
- д) қонун ҳужжатларида ёки Келишувда назарда тутилган бошқа харажатлар ва заарлар.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳам қопланиши лозим.

42. Бериладиган компенсация турлари:

- а) пул маблағлари;
- б) бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш;
- г) Келишувда назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари.

Томонларнинг келишувига биноан мулкдорга кўчмас мулкни баҳолаш қийматини ҳисобга олган ҳолда компенсациянинг бир неча турлари берилиши мумкин. Бунда Компенсация қуидаги тартибда берилади:

- а) пул маблағларини мулкдорнинг тегишли банк (депозит) ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан;
- б) кўп квартирали уй ёки блокировка қилинган уй (таунхаус) эгаллаб турган ер участкаси олиб қўйилган тақдирда — томонларнинг келишувига кўра мулкдорга ўша ёки бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган майдон аввалги квартиранинг майдонидан кичик бўлмаган квартира мулк қилиб берилади.

Квартира мулкдорнинг хоҳишига кўра олиб қўйилган ер участкасида қурилаётган кўп квартирали уйдан ёки блокировка қилинган уйдан (таунхаус) берилиши мумкин. Бундай ҳолда, мулкдорга ушбу квартира топширилгунга қадар у ва унинг оила аъзоларига ташаббускор ҳисобидан вақтингчалик ижарага турар жой берилади;

в) нотураржой обьекти эгаллаб турган ер участкаси олиб қўйилган тақдирда — томонларнинг келишувига кўра мулкдорга ўша ёки бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган майдони аввалги нотурар жой обьектининг умумий майдонидан кичик бўлмаган нотурар жой обьекти мулк қилиб берилади.

Нотураржой обьекти олиб қўйилган ер участкасида қурилаётган обьектдан берилган тақдирда мулкдорга ушбу нотурар жой обьекти топширилгунга қадар, ташаббускор ҳисобидан ижарага вақтингчалик нотурар жой обьекти берилади;



г) якка тартибдаги (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган лекин белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган) уй-жой билан банд бўлган ер участкаси олиб қўйилган тақдирда — томонларнинг келишувига кўра мулкдорига ўша ёки бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган ер ва уй-жой майдони аввалгисидан кичик бўлмаган, шароитлари кам бўлмаган даражадаги якка тартибдаги уй-жой мулк қилиб берилади;

д) эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтингчалик фойдаланиш хукуқида тегишли бўлган ер участкаси олиб қўйилган тақдирда — ушбу хукуқ өгасига олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган хукуқнинг бозор қиймати тўлаб берилади.

Мулкдорга кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтингчалик олиш билан боғлиқ харажатлар, бой берилган фойда, шунингдек, қонун ҳужжатларида ёки Келишувда назарда тутилган бошқа харажатлар ва заарлар компенсация қилиб берилиши керак.

Бузиб ташланиши лозим бўлган кўчмас мулкни баҳолаш қандай тартибда амалга оширилади? Бузиб ташланиши лозим бўлган кўчмас мулкни баҳолаш ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин ва Келишув тузилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Кўчмас мулкни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан ташаббускор ҳисобига амалга оширилади. Баҳолаш натижаларидан тарафлар норози бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилиги бўйича экспертиза ўтказилиди. Экспертиза билан боғлиқ харажатлар баҳолаш натижаларидан норози бўлган тарафнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Агарда мулкдор ва ташаббускор ўртасида юзага келадиган низо бўйича келишувга эришилмаган тақдирда қандай йўл тутилади? Бундай ҳолатларда - Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашлари томонидан ер участкасини олиб қўйилиши ёхуд олиб қўйилишини рад этилиши ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент туман (шаҳар) ҳокимларининг кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин. Мулкдор ва ташаббускор ўртасида юзага келадиган низо бўйича келишувга эришилмаган тақдирда — ушбу низо суд тартибида кўриб чиқилади. Низо келиб чиқсан тақдирда, ушбу низо бўйича суднинг қарори қонуний кучга киргунга қадар ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарор ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

Нодирбек САНГИРОВ,
Сирдарё туманлараро иқтисодий суди судьяси.

НАСЛЕДОВАНИЕ ПРИЗНАКА «КОЛИЧЕСТВО МОНОПОДИЙ НА РАСТЕНИИ» У МЕЖСОРТОВЫХ ГИБРИДОВ F₁ ХЛОПЧАТНИКА ВИДА G.BARBADENSE L.

The article presents the results of studies on the establishment of variability and inheritance of genetic patterns according to the attribute “number of monopods per plant” in interspecific F₁ hybrids of the G. barbadense L. species. The established patterns made it possible to draw the following conclusion: - from the selection point of view, the inter-varietal hybrids F₁, in which a negative effect of complete overdomination was noted, which indirectly indicates the possibility of isolating forms with high precocity.

Актуальной проблемой селекции хлопчатника на сегодняшний день является поддержание генетической стабильности новых высокоурожайных сортов. В процессе сортоиспытаний часто выявляется расщепление по ряду хозяйствственно-ценных признаков в более поздних поколениях сортовых популяций, одной из причин которого могут являться различные типы аберраций хромосом. Поэтому поиск путей стабилизации генотипов высокоурожайных сортов хлопчатника имеет важное значение для повышения эффективности и ускорения селекционного процесса.

Поскольку, тонковолокнистый хлопчатник возделывается только в десяти из 43 хлопконосящих стран мира, его волокно является дефицитом на мировом хлопковом рынке, то научно-исследовательская, в том числе селекционная работа в республике с этим видом должна продолжаться.

Исполнителем в 2019 году проведены полевые исследования в рамках проекта КХА-КХ-2018-136, в полевых условиях производственного отдела Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкентской области.

Посев в 2019 г. проводился 29 апреля по схеме 60 x 25 х 1 во время проведения опытов на участке проводилось 5 мотыжений, 2 прополки сорняков, два прореживания всходов, 5 нарезок борозд перед поливами, 5 тракторных культиваций после поливов и 5 вегетационных поливов.

Перед зяблевой пахотой внесено 100 кг/га – KCL и 200 кг/га аммофоса.

Одновременно с первой нарезкой борозд перед первым поливом внесено- 350 кг/га аммиачной селитры и Пейс-Агро-100 кг/га. Во вторую подкормку вносились NH₄No₃-200 кг/га и KCL-100 кг/га, 150 кг/га карбомида.

Таблица 1

Наследование признака «количество моноподиальных ветвей на растении» у межсортовых гибридов F₁

№	Сорта, линия, гибридные комбинации	n	K=1 ветвь				M±m ветвь	δ	V%	hp
			0	1	2	3				
1.	Термез-202	52	15	19	18		1.06±0.11	0.79	74.52	
2.	Термез-208	30	13	9	8		0.83±0.15	0.82	98.80	
3.	Сурхан-14	28	16	7	5		0.61±0.15	0.77	126.22	
4.	Сурхан-16	43	22	16	5		0.60±0.11	0.69	115.00	
5.	Сурхан-3	31	6	13	12		1.19±0.13	0.74	62.18	
6.	F ₁ Термез-202xТермез-208	46	20	14	12		0.83±0.12	0.81	97.59	-0.92
7.	F ₁ Термез-202xСурхан-14	33		13	16	4	1.73±0.12	0.67	38.72	4.05
8.	F ₁ Термез-202xСурхан-16	47	23	14	10		0.72±0.12	0.79	109.72	-0.48
9.	F ₁ Термез-202xСурхан-3	51		29	13	9	1.61±0.11	0.77	126.23	-7.29
10.	F ₁ Термез-208xТермез-202	30	12	10	8		0.87±0.15	0.80	91.95	-0.58
11.	F ₁ Термез-208xСурхан-14	44	13	21	10		0.93±0.11	0.72	77.42	1.91
12.	F ₁ Термез-208xСурхан-16	30	7	13	10		1.10±0.14	0.75	68.18	3.45
13.	F ₁ Термез-208xСурхан-3	42		25	10	7	0.57±0.12	0.75	131.58	-2.44
14.	F ₁ Сурхан-14 x Термез-202	29	13	10	6		0.76±0.14	0.77	101.32	-0.30
15.	F ₁ Сурхан-14 x Термез-208	22	13	6	3		1.55±0.15	0.72	130.90	-1.55
16.	F ₁ Сурхан-14 x Сурхан-16	24	15	6	3		0.50±0.17	0.70	140.00	-10.00
17.	F ₁ Сурхан-14 x Сурхан-3	23		14	6	3	1.52±0.11	0.52	100.00	-1.31
18.	F ₁ Сурхан-16 x Термез-202	22	13	6	3		0.54±0.11	0.53	98.15	-1.26
19.	F ₁ Сурхан-16 x Термез-208	37	21	10	6		0.59±0.09	0.57	96.61	-1.00
20.	F ₁ Сурхан-16 x Сурхан-14	40		19	13	8	0.72±0.12	0.78	108.33	12.00
21.	F ₁ Сурхан-16 x Сурхан-3	26		16	7	3	1.50±0.14	0.69	138.00	-1.30
22.	F ₁ Сурхан-3 x Термез-202	34		19	9	6	1.62±0.13	0.77	124.19	-7.14
23.	F ₁ Сурхан-3 x Термез-208	28		16	8	4	1.57±0.14	0.72	126.32	-2.44
24.	F ₁ Сурхан-3 x Сурхан-14	24		16	6	2	1.42±0.13	0.63	150.00	-1.66
25.	F ₁ Сурхан-3 x Сурхан-16	22		15	5	2	1.41±0.13	0.61	148.78	-1.60

Гибридизация в 2018 году в рамках проекта КХА-КХ-2018-136 проводилась по первой модели Гриффинга (1956), с предварительной кастрацией цветков и опылением инородной пыльцой.

По результатам полевых исследований проведены гибридологический и вариационно-статистический анализ, где в условиях единого опыта изучались участвующие в гибридизации все родительские сорта и гибриды.

Статистическая обработка данных проводилась по Б.П. Доспехову. Величину показателя доминантности (hp) у гибридов F_1 определяли по формуле приведенной в работе Beil G.M., Atkins.

Коэффициент наследуемости (h^2) гибридов F_2 , определяли по формуле, приведенной в работе R. W. Allard.

Исходя из решаемой проблемы исследований определена её цель — используя ускоренное создание исходного, гибридного, селекционного материала вывести новые сорта тонковолокнистого хлопчатника.

Для решения данной цели определены следующие задачи:
— ведение генетико-селекционных исследований, направленных на установление некоторых генетических закономерностей, которые позволят на ранних этапах селекции выделять перспективные гибридные F_1 , родоначальные растения F_2 , семьи F_3 , используемые для создания линейного материала и новых сортов тонковолокнистого хлопчатника.

В гибридизации 2018 года участвовали современные сорта хлопчатника различного происхождения вида *G. barbadense* – Термез-202, Термез-208, Сурхан-14, Иолатань-14, Сурхан-16. В результате гибридизации получены прямые и обратные гибридные, которые высажены в 2019 году 5-луночными, 1-рядковыми делянками, в 3-кратной повторности.

Из анализа результатов проведенных полевых исследований, как это видно из таблицы 1 минимальной средней величиной признака «количество моноподиальных ветвей на растении» среди вовлеченных в гибридизацию сортов обладал Сурхан-16, у которого она соответственно находилась на уровне 0.60 моноподии.

Следует сказать, что сорт Сурхан-3 выведенный еще в 60-70 годы прошлого века, отличается позднеспелостью, высокими значениями продуктивности хлопка-сырца одного растения, повышенным выходом 36-37% и качеством волокна I-A типа, что и определило поведение гибридов F_1 . Независимо от того в какой роли при гибридизации выступал сорт Сурхан-3 средняя величина анализируемого признака находилась соответственно в пределах 1.41 моноподий у гибрида F_1 Сурхан-3хСурхан-16 до 1.62 моноподий у гибрида F_1 Сурхан-3х Термез-202.

Как видно из анализа величин стандартного отклонения (δ), которые представлены в таблице 1 по признаку «количество моноподиальных ветвей на растении», у родительских форм она соответственно находится в пределах от 0.69 у сорта Сурхан-16 до 0.82 у сорта Термез-208. Аналогичная закономерность отмечена и у гибридов F_1 , у которых она укладывается в пределы от 0.52 моноподии у гибрида Сурхан-14х Сурхан-3 до 0.81, у гибрида Термез-202х Термез-208.

Анализируя величину показателя доминирования (hp), как это следует из анализа результатов исследований, представленных в таблице 1 в зависимости от гибридной комбинации F_1 отмечены следующие эффекты доминирования, у 11 гибридов установлен отрицательный эффект полного сверхдоминирования, у 4 гибридов присутствует эффект гетерозиса, в четырех случаях присутствует отрицательный эффект неполного доминирования и в одном случае отрицательный эффект полного доминирования.

Исходя из анализа результатов исследований по признаку «количество моноподиальных ветвей на растении» следует сделать вывод:

— с селекционной точки зрения перспективу имеют межсортовые гибридные F_1 , у которых отмечен отрицательный эффект полного сверхдоминирования, что косвенно указывает на возможность выделение форм с высокой спелостью.

Гулнисо БОЙХОНОВА, докторант,
Аъзам РАВШАНОВ, д.с/х.н.,
Виктор АВТОНОМОВ, д.с/х.н., проф.,
Ш.ХОДЖАНОВ,
НИИССАВХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Автономов В.А., Амантурдиев А.Б., Ахмедов Д.Д. Межвидовая гибридизация (*G.hirsutum L.* x *G.barbadense L.*) в селекции хлопчатника на устойчивость к *Thelaviopsis bazicola*. Монография. – Ташкент, 2011. 189 с.
2. Автономов В.А., Каюмов У.К. Межсортовая географически отдаленная гибридизация в селекции хлопчатника вида *G.hirsutum L.* Монография, Ташкент, 2013. 138 с.
3. Автономов В.А., Курбонов А.Ё., Амантурдиев Ш.Б. Сложная, межлинейная гибридизация в селекции хлопчатника вида *G.hirsutum L.* Монография – Ташкент, 2014. 222 с.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. 1979 – М.: «Колос».
5. Allard R.W. Principles of Plants Breeding, John Wiley, Sons. New-York-London-Sidney, 1966.
6. Beil G.M., Atkins. Inheritance of quantitative characters in grain sorghum //Jowa State Journal of Science. 1965.

УДК: 633.51.631.52.633.85.

ИССЛЕДОВАНИЕ

ВЛИЯНИЕ ЗАСУШЛИВОГО АГРОФОНА В ФОРМИРОВАНИИ КОЛИЧЕСТВЕННЫХ ПРИЗНАКОВ СОРТА ХЛОПЧАТНИКА ЧИМБАЙ -5018

Изучали приспособительные свойства сорта хлопчатника к дефициту влаги. Влияние засушливого агрофона на формирование основных хозяйственных признаков сорта имеет разную генотипическую реакцию к засухе, изменчивость изучаемых признаков зависит от генотипического потенциала сорта и его реакции к водному стрессу.

В Республике Каракалпакстан приспособительные свойства сортов хлопчатника к экстремальным условиям или

конкретным лимитирующими факторам среды (дефицит влаги и засоленность почв) изучены слабо. Это проблема является

очень актуальной, трудной и важной для сельского хозяйства Республики Узбекистан и в частности, для хлопководства Республики Каракалпакстан. Засухоустойчивость сельскохозяйственных растений является сложным физиолого-биохимическим признаком и зависит от генотипа растения того или иного вида. Сорт хлопчатника Чимбай -5018 районирован по Республике Каракалпакстан с 2007 года. Данный сорт по происхождению и хозяйственными признакам резко отличаются от других высеваемых сортов таких ,как С-4727, Бухара-102 и от других новых сортов.

Хозяйственно-ценные признаки, свойство и морфология сорта ; высота растений 100- 110 см, первая плодовая ветви на 5-6 ом узле, главная стебель средней опущенности, вилту-устойчивый. Вегетационный период (от 50% всходов до 50% созревания) 120-122 дней, доморозный урожай 26,0-27,0 центнеров, общий урожай 35,0-37,0 центнеров, масса одной коробочки 6,7-7,0 грамм, выход волокна 37,8%, длина волокна 33,0-33,5 мм, вес 1000 штук семян 120- 125 грамм, количество плодовых ветвей 13-14 штук, микронейер 4,5.

При создании засухоустойчивых сортов хлопчатника необходимо учитывать амплитуду адаптивной способности, которая могла бы дать высокий и стабильный качественный урожай хлопка-сырца в засушливых регионах на уровне обычного агрофона.

Опыт проводился на экспериментальном хозяйстве Каракалпакского научно исследовательском институте земледелия. Опыт заложили на двух фонах, то есть на искусственно засушливом фоне и обычном агрофоне. На засушливом агрофоне в период вегетации был дан один вегетационный полив в период цветения хлопчатника. Контролем служил обычный агрофон, общепринятая производственная технология возделывания хлопчатника.

Опыт показали, что длина вегетационного периода на за-

сушливом фоне у изучаемого сорта были короче в среднем на 5-9 дней, чем по сравнению на обычном агрофоне. Масса сырца одного хлопчатника относительно сильно подвержена влиянию водного режима на засушливом агрофоне. Крупность коробочки варьировалась от 5,5 – до 6,0 гр, тогда как на контрольном фоне она равнялась 6,7-7,5 гр.

На засушливом фоне урожай хлопка сырца сорта Чимбай-5018 составляет 28,6 центнеров, а на высоком агрофоне данный показатель был 38,0 центнеров с гектара.

Влияние водного режима на формирование выхода волокна на засушливом агрофоне различно и зависит от генотипической реакции растений. Выход волокна был меньше на 1,2 % по сравнению контролльного варианта. Анализ полученных данных показывает, что выход волокна очень сильно подвержен влиянию дефицита влаги в почве.

Водный стресс сильно влияет на формирование длины волокна у изучаемого сорта. По лабораторному анализу длина волокна к водному стрессу показали 32,3 мм, а на контролльном варианте анализируемый показатель длиннее на 1,3 мм.

Изучая влияние засушливого агрофона на формирование основных хозяйственных признаков имеют разную генотипическую реакцию к засухе, изменчивость изучаемых признаков на засушливом агрофоне зависит от генотипического потенциала сорта Чимбай-5018 и его реакции к водному стрессу.

Назира ТУРСЫМУРАТОВА,

магистр

Каракалпакского института
сельского хозяйства и агротехнологии

Орахбай НАГЫМЕТОВ,

руководитель проекта, к.с.х.н.,

Каракалпакский научно-исследовательский
институт земледелия.

УУТ: 633.511:575.12:631.572

ИССЛЕДОВАНИЕ

УЗОҚЛАШГАН ДУРАГАЙ ОИЛАЛАРДА ТОЛА СИФАТИНИНГ ТОЛА УЗУНЛИГИ БЎЙИЧА ТРАНСГРЕССИВ ОИЛАЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

In this article the variability of fiber length is illustrated. The variability of lines showed a lot of families with world standard fiber length.

В статье приводятся результаты вариационного анализа гибридов по длине волокна. Большинство гибридов F8 показали высокие значения длине волокна IV типа

Пахтачиликнинг асосий мақсади ҳозирги кунда юқори сифатли кўп тола етиштиришdir. Бу борада пахта етиштирувчи илғор давлатларда тола маҳсулдорлиги 15 ва ундан юқори ц/га ни ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 7-8 ц/га дан ошмайди. Шунинг учун Австралиянинг этalon навларидан фойдаланиб, маҳаллий тезпишар ва вилтга бардошли навлар билан чатиштириб, янги селекцион ашё яратиша муваффақ бўлдик.

Gossypium L. туркумига мансуб Австралия ғўза турларини ўзаро дурагайлаш орқали филогенетик қардошлик даражаси ва амалий селекцияда фойдаланиш имкониятлари аниқланган. Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг филогенетик жиҳатдан бир бирига нисбий жиҳатдан узоқ эканлиги аниқланди. G.arboreum ssp.nanking кенжага

турининг оқ толали шаклини оналик шакли сифатида дурагайлаш учун фойдаланилганда, G.nelsonii ёввойи тури билан нисбий равишда яқин эканлиги қайд этилган [1]. Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларини турлараро дурагайлаш, цитоэмбриологик, қиёсий морфология ва морфобиологик белгиларнинг ирсийланиши таҳлили асосида G.arboreum L.турининг ёввойи шакли sspp.obtusifolium var.indicum турхили алоҳида sspp.indicum кенжага тури даражасига кўтарилди. Биринчи маротаба G.hirsutum. ssp.euhirsutum (Наманган-77) x (ssp.obtusifolium.var.indicum x G.australe), G.hirsutum ssp. euhirsutum (Келажак) x (ssp.nanking (оқтолали) x G.nelsonii) турли геномли гексоплоид дурагайларида морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг кенг доирадаги ўзгарувчанликнинг намоён этиши аниқланган.

N.J. Thomson [2] маълумотларига кўра, Siokra-1-1 нави қайчи баргли бўлиб, тез йилларда жаҳонга тарқалиб кетган. Siokra-1-1 навининг тола сифати юқори даражада бўлиб, бактерия касалликларига бардошли эди. Окра баргли тўза навлари ҳашаротларга ва сув танқислигига бардошли бўлади. 1987 йили Sikala 3-1 нави жорий этилиб тола сифатининг кескин ошишига олиб келди. Сўнг Siokra 1-4 ва CS 50 навлари яратилиб, кенг майдонларни эгаллашди ва Америка навларини экиш тўхтатилиб, Австралия навлари барча майдонларни эгаллади [3].

Тажриба қўп йилдан бўён ПСУЕАИТИнинг тажриба хўжалигида олиб борилди. Бунда Австралия навларидан Auburn, Deltapaine, Brazos, (34(F_s) навлари ва маҳаллий C-8284, Омад, Чарос, C-8290 навларидан фойдаланган ҳолда F_s авлодига келиб 4 та тезпишар, тола маҳсулдорлиги нисбатан юқори тизмалар яратилди. Ҳар бир тизмалардан эртапишар оиласалар вариация таҳлилидан ўтказилди ва трансгрессив ўсимликларнинг пайдо бўлиши кузатилди. Андоза нав сифатида Ўзбекистонда қўп майдонда экила-диган C-6524 тўза навини танлаб ўрганилди. Тажрибада

Жадвал.

Тола маҳсулдорлиги бўйича F_s ойналарида вариация қатори

№	Дурагай ва авлодлар	20	25	30	35	40	45	50	55	N	S	V%	\bar{X}
1	T-462 F _s (AuburnMxC-8284)												
2	O-4	1	1	1	2	18	8	5	2	32	3.1	7.6	42.0
3	O-9	1	2	5	10	6	2	1	1	28	2.4	6.7	35.9
4	O-12	1	1	2	11	8	3	3	2	31	3.1	8.0	38.9
5	T-473 F _s (BrazosxЧарос)												
6	O-3	1	1	2	3	15	8	7	5	42	2.5	5.9	43.1
7	O-8	2	2	3	4	13	6	4	3	37	3.7	9.3	40.3
8	T-478 F _s (DeltapinexОмад)												
9	O-1	2	2	2	3	13	4	2	2	30	4.3	11.0	39.1
10	O-7	1	2	3	3	16	3	3	2	33	3.2	8.2	39.3
11	O-6	4	4	4	4	14	6	1	1	38	2.8	7.0	40.1
12	O-8	1	2	3	4	11	3	2	1	27	2.8	7.5	38.5
13	T-485 F _s (34(F _s)'C-8290)												
14	O-5	2	2	2	3	18	4	3	2	35	2.4	6.1	39.5
15	O-11	2	2	3	3	16	5	4	2	38	3.3	8.8	38.4
16	O-14	3	3	4	4	14	5	4	2	40	3.9	10.1	39.4
17	St C-6524	2	2	3	9	10	6	-	-	32	1.6	4.4	36.4

2-жадвал.

Тола узунлиги бўйича F_s ойналарида вариация қатори

№	Дурагай ва авлодлар	0.9	0.95	1.0	1.05	1.10	1.15	1.20	1.25	N	S	V%	\bar{X}
1	T-462 F _s (AuburnMxC-8284)												
2	O-4	-	2	2	4	7	13	2	2	32	1.3	4.2	1.11
3	O-9	-	2	2	3	5	10	4	2	28	1.0	3.8	1.12
4	O-12	-	1	2	2	4	15	6	-	30	0.9	3.3	1.13
5	T-473 F _s (BrazosxЧарос)												
6	O-3	-	1	4	5	7	17	6	2	42	1.7	4.2	1.12
7	O-8	-	1	3	4	6	14	7	2	37	1.7	4.6	1.12
8	T-478 F _s (DeltapinexОмад)												
9	O-1	-	-	1	1	3	16	6	3	30	1.0	3.5	1.12
10	O-7	-	-	3	3	4	18	5	-	33	0.7	2.3	1.11
11	O-6	-	3	3	4	6	14	6	2	38	1.4	3.9	1.13
12	O-8	-	-	1	2	4	15	5	-	27	0.6	2.4	1.13
13	T-485 F _s (34(F _s)'C-8290)												
14	O-5	-	1	3	3	3	16	7	2	35	1.3	3.8	1.02
15	O-11	-	1	2	4	4	19	5	3	38	1.6	4.4	1.13
16	O-14	1	3	3	3	5	14	8	3	40	2.4	5.1	1.12
17	St C-6524	-	3	12	7	6	4	-	-	32	1.1	3.7	1.09

тола маҳсулдорлигини оиласидаги ҳар бир ўсимликларни якка танлов асосида териб олининб, толасини ажратиб, тортиб олинди. Тола маҳсулдорлиги бўйича ўсимликларда катта ўзгарувчанлик кузатилди. Яъни маҳсулдорлик 20 граммдан 55 граммгача оралиқни ташкил қилди. Ҳар бир оиласада ўртача 30 тадан ўсимлик ўрганилди. Тола маҳсулдорлигидан бошқа тола сифат кўрсаткичлари HVI аппаратида ўрганилди.

Жадвалда 12 та оила ва андоза C-6524 ғўза нави тола маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича ўрганилди. Ўрганилган барча оиласардан 64 та ўсимлик андоза C-6524 ғўза навининг энг юқори кўрсаткичига нисбатан 22 фоизга юқори бўлди. Бундай ноёб ўсимликлар Австралия намуналаридан олинганилиги сабабли юзага келди. Демак, Австралия намуналари асосида яратилган янги ғўза тизмаларининг оиласари тола маҳсулдорлиги бўйича Ўзбекистонда катта майдонларда экиладиган C-6524 ғўза навидан яқол устунлигини намоён қилди. Бу оиласарни тезкор кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Тола сифати жхон андозаларига тўлиқ жавоб бермаса, бундай тола экспорт масаласида жуда катта муаммога дуч келади. Тола сифат кўрсаткичларидан тола узунлиги асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

12 та оила ва андоза C-6524 ғўза нави билан таққослаб, тола узунлиги бўйича ўрганилди. Ўрганилган барча оиласар-

дан 61 та ўсимлик андоза C-6524 ғўза навининг энг юқори кўрсаткичига нисбатан 15 фоизга юқори бўлди. Бундай ноёб ўсимликлар тола узунлиги бўйича ҳам Австралия намуналаридан олинганилиги сабабли юзага келди. Демак, Австралия намуналари асосида яратилган янги ғўза тизмаларининг оиласари тола узунлиги бўйича Ўзбекистонда катта майдонларда экиладиган C-6524 ғўза навидан яқол устунлигини намоён қилди. Бу оиласарни тезкор кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Австралия навлари асосида яратилган тизмалар тола сифати 4 типга жавоб бериб ва 14 ц/га ни олишга асос бўлди.

Паридин ИБРАГИМОВ,
лаборатория мудири, қ.х.ф.д., профессор,
Дилфузга ТУРАЕВА,
докторант, қ.х.ф.ф.д.,
Бахридин ҮРОЗОВ,
докторант, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Сайёра ЭРГАШЕВА,
қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Элнора РАХМАТХЎЖАЕВА,
илмий ходим,
Сойибжон РАСУЛОВ,
мустақил изланувчи,
ПСУЕАТИ.

АДАБИЁТЛАР

- Сирожидинов Б.А. Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турларининг филогенетик муносабатлари. Б.ф.д.. дисс. автореф. (PhD). Тошкент. 2017. Б. 10-13.
- Thomson N.J. Host plant resistance for cotton. Journal of the Australian Institute of Agricultural Science. 1987. - P.262-270.
- Thomson N.J., Reid P.E., Williams E.R. Effects of the Okra Leaf, Nectariless, Frego Bractand Glabrous Conditions on Yield and Quality of Cotton Lines. // World Cotton Germplasm Resources Euphytica 1987;36(2) - P. 545-553.

УЎТ: 631.547.2

ТАДҚИҚОТ

КУЗГИ ЖАВДАР НАВЛАРИ ЎСИМЛИК БЎЙИ ВА БОШОҚДАГИ ДОН МАССАСИ

The article examines and analyzes the influence of the sowing time, the seeding rate and the rate of mineral fertilizers on plant height and grain weight in an ear of winter rye varieties grown in light gray soils of the Kashkadarya region.

Кузги жавдар Ўзбекистонда оралиқ экин сифатида ва дони учун экилади. У жуда кўп мамлактларда буғдойдан кейин, иккинчи нон экинидир. Жавдар нони юқори калорияга эга, тўйимли, мазалик. Донида тўла қимматли, алмаштирилмайдиган аминокислоталар, айниқса, лизингга бой оқсил ҳамда А, С, Е ва В гуруҳидаги витаминлар мавжуд. Шунинг учун қорамолларга омихта ем тайёрлашда жавдар донидан лизинга бой қўшимча сифатида фойдаланилади.

Кузги жавдар Россияда, Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларида дони учун ҳамда дуккакли экинлар, баҳорги арпа, буғдой ва бошқа экинлар билан қўшиб озиқа учун экилади.

Жавдар донида ўртача 8,0-18,7 % оқсил, 51,8-69 % крахмал, 1,6-2,6 % ёф мавжуд. Оқсил таркибида лизин кўплиги туфайли кузги жавдар донининг биологик қиммати юқори [1; 166-170 – б., 2; 14-б].

Кузги жавдар юқори мослашувчанлик қобилияти (адаптация), дон ҳосилдорлигининг барқарорлиги, алмашлаб экишдаги агротехник аҳамияти билан ҳамда бошоқли дон экинлари ичида тупроқ унумдорлигига, ўғит меъёри, гербицид ва пестицидларга талабининг камлиги боис экологик тоза ва арzon дон олиш имконини беради [3; 8-11-б].

Шундай экан, Республикаизнинг жанубий минтақалари шароитида жавдар экинини экиш муддат ва меъёрларини ҳамда уларни озиқлантириш тизимини ишлаб чиқиш ўта долзарб вазифалардан ҳисбланилади.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда биз, кузги жавдарнинг «Ns-Savo» ва «Вахшская-116» навларида, эрта (15 октябрь) ва ўрта (1-ноябрь) муддатларда, экиш 4,0; 5,0 ва 6,0 млн.дона/га, тажриба вариантидаги 1 та мутлоқ назорат (ўғитсиз) ва 2 та (NPK 200-100-75 ва NPK 240-120-90 кг/га) маъдан ўғит меъёрлари кўлланилганда, унинг ўсимлик бўйи

Турли омилларнинг кузги жавдар ўсимлик бўйи ва бошоқдаги дон массасига таъсири

№ Вар	Экиш меъёри	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га	Нав номи	Эрта муддат		Ўрта муддат	
				Ўсимлик бўйи, (см)	Бошоқдаги дон массаси, (г)	Ўсимлик бўйи, (см)	Бошоқдаги дон массаси, (г)
1.	4 млн/га	$N_{200}P_{100}K_{75}$	Назорат (Ўғитсиз)	«Ns Savo»	126,3	1,08	119,3
				«Вахшская 116»	129,6	1,11	121,7
2.	5 млн/га	$N_{240}P_{120}K_{90}$	«Ns Savo»	142,5	1,70	136,6	1,55
			«Вахшская 116»	146,7	1,73	140,7	1,59
3.	6 млн/га	$N_{200}P_{100}K_{75}$	«Ns Savo»	157,6	1,87	147,8	1,73
			«Вахшская 116»	162,1	1,91	151,6	1,77
4.	5 млн/га	$N_{240}P_{120}K_{90}$	Назорат (Ўғитсиз)	«Ns Savo»	122,4	1,01	116,2
			«Вахшская 116»	125,7	1,04	118,4	0,97
5.	6 млн/га	$N_{200}P_{100}K_{75}$	«Ns Savo»	139,8	1,62	131,5	1,43
			«Вахшская 116»	142,6	1,67	135,3	1,48
6.	7.	$N_{240}P_{120}K_{90}$	«Ns Savo»	151,0	1,77	145,8	1,61
			«Вахшская 116»	154,1	1,82	147,8	1,66
7.	8.	$N_{200}P_{100}K_{75}$	Назорат (Ўғитсиз)	«Ns Savo»	120,3	0,95	113,9
			«Вахшская 116»	122,7	0,98	115,0	0,90
8.	9.	$N_{240}P_{120}K_{90}$	«Ns Savo»	135,8	1,34	128,1	1,24
			«Вахшская 116»	138,7	1,39	131,9	1,30
9.			«Ns Savo»	145,6	1,49	138,1	1,40
			«Вахшская 116»	148,1	1,55	142,3	1,46

ва бошоқдаги дон массасига таъсири аниқланди (1-жадвал).

Жадвал маълумотларига кўра, эрта муддатда, 4 млн. дона/га, назорат (ўғитсиз) бўлган вариантда «Ns Savo» нави ўсимлик бўйи 126,3 см, бошоқдаги дон массаси 1,08 г. ни ташкил этган бўлса, маъдан ўғит $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрлари кўлланилган вариантда, назорат вариантга нисбатан ўсимлик бўйи 16,2 см, бошоқдаги дон массаси 0,62 г, ушбу кўрсаткичлар $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га оширилганда юқоридагига мос равиша 31,3 см ва 0,79 г. га юқори бўлди. Экиш муддати 5 млн. дона/га бўлганда, тегишилича назорат (ўғитсиз) бўлган вариантда ўсимлик бўйи 122,4 см, бошоқдаги дон массаси 1,01 г. ни, ўғит $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрлари кўлланилганда 17,4 см ва 0,61 г. ни, тажрибанинг $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га кўлланилган вариантда 28,6 см ва 0,76 г. га юқори, экиш меъёри 6 млн.дона/га бўлганда, назорат (ўғитсиз) бўлган вариантда ўсимлик бўйи 120,3 см бошоқдаги дон массаси 0,95 г. ни, ўғит $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрлари кўлланилганда 15,5 см ва 0,39 г, тажрибанинг $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га кўлланилган вариантда 25,3 см ва 0,54 г. га нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди.

Худди юқоридагига мос ҳолда, экиш ўрта муддатда, 4; 5; 6 млн.дона/га меъёрида назорат (ўғитсиз) бўлган вариантда «Ns Savo» нави ўсимлик бўйи 119,3; 116,2 ва 113,9 см, бошоқдаги дон массаси 1,03; 0,95 ва 0,88 г. ни ташкил этган бўлса, маъдан ўғит $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрлари кўлланилганда, назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан ўсимлик бўйи 17,3; 15,3 ва 14,2 см, бошоқдаги дон массаси 0,52; 0,48 ва 0,36 г. га, $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёри кўлланилганда 28,5; 29,6; 24,2 см,

0,70; 0,66; 0,52 г. га юқори бўлди.

«Вахшская-116» навида ҳам юқорида келтирилган қонуният тақоррланди. Яъни, экиш эрта муддатда, 4,0; 5,0 ва 6,0 млн. дона/га меъёрида назорат (ўғитсиз) бўлган вариантда ўсимлик бўйи юқоридаги экиш меъёрларига мос ҳолда 129,6; 125,7 ва 122,7 см, бошоқдаги дон массаси 1,11; 1,04 ва 0,98 г. ни ташкил этган бўлса, маъдан ўғитлар меъёри $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га кўлланилганда ўсимлик бўйи назорат (ўғитсиз) вариантта нисбатан 17,1; 16,9 ва 16,0 см, бошоқдаги дон массаси 0,62; 0,63 ва 0,41 г. га, $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёри кўлланганда эса, 32,5; 28,4; 25,4 см ва 0,80; 0,78; 0,57 г. га юқори бўлишига олиб келди.

Юқоридагига мутаносиб равиша, экиш ўрта муддатда назорат (ўғитсиз) бўлган вариантда 121,7; 118,4; 115,0 см ва 1,07; 0,97 ва 0,90 гни ташкил этган бўлса, назорат (ўғитсиз) вариантта нисбатан маъдан ўғитлар $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёри кўллаганда 19,0; 16,9; 16,9 см ва 0,52; 0,51; 0,40 г. га, маъдан ўғитлар $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёри кўлланганда эса, 29,9; 29,4; 27,3 см ва 0,70; 0,69; 0,56 г. га юқори бўлгани маълум бўлди.

Тадқиқлардан маълум бўлди, кузги жавдар ўсимлик бўйи ва бошоқдаги дон массаси бўйича энг юқори кўрсаткич экиши эрта муддатда, 4 млн.дона/га меъёри ва маъдан ўғитнинг $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёри кўлланилган вариантда «Вахшская-116» нави ўсимлик бўйи 162,1 см, бошоқдаги дон массаси 1,91 г. ни ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич эса, экиш ўрта муддатда, 6 млн.дона/га меъёри, назорат (ўғитсиз) бўлган вариантда «Ns Savo» нави ўсимлик бўйи 48,2 см, бошоқдаги дон массаси 1,03 г. га паст бўлганиллиги аниқланди.

Шундай қилиб, тадқиқотларда кузги жавдарни ҳаддан зиёд ўсиб кетиши минерал ўғитни юқори меъёрларини қўллаш оқибатида кузатилди ва ўсимликтнинг ётиб қолиши ҳамда кейинчалик дон ҳосили ва технологик сифат кўрсаткичлари ёмонлашишига олиб келди. Шу сабабли, кузги жавдардан сифатли ва юқори дон етишириш учун авваламбор барча агротехник тадбирларни (экиш муддати, меъёри, озиқлантириш ва

сугориш тадбирлари) ўз вақтида ва меъёрида амалга ошириш кўзланган натижани кафолатлади.

Нормумин ЁДГОРОВ,
к.-х.ф.ф.д., катта и.х.
Бобур ҲАСАНОВ,
таянч докторант.

Жанубий дәҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Белугина, Н. О. Источники хозяйственно-ценных признаков озимой ржи. Труды по прикладной ботанике, генетике и селекции. Т. 162. – Санкт-Петербург : ВИР, 2016. – С. 166–170.
2. Бражников, П. Н. Технология возделывания озимой ржи в северной таежной зоне. Методические рекомендации. Томск, 2007. – 14 с.
3. Сысуев В.А. Комплексные научные исследования по озимой ржи – важнейшей национальной и стратегической зерновой культуре РФ. Достижения науки и техники АПК, №6. 2012 г. –Б. 8-11.

УЎТ: 631.52. 633.16

ТАДҚИҚОТ

МОЙЛИ ЗИФИРНИНГ БОШЛАНГИЧ УРУҒЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Масличный лен высевается около 20-25 тысяч гектаров равнинных холмистых и предгорных зон Республики. В статье приводится краткий обзор об семеноводстве масличного льна а такжедается данных требование по налаживанию семеноводстве этих культур.

The article presents an analysis of the research results, on the basis of which oil crops seeds.

Республикамизда мойли экинлар майдонларининг кенгайтирилиши ва аҳолининг ўсимлик мойига бўлган талабинининг муттасил ошиб бориши, соҳа олимларининг олдига катта ва зифаларни кўймоқда. Бугунги кунда лалмикор майдонларда мойли экинлар майдонлари талабдан келиб чиқиб йилдан йилга ошиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш тажрибаларидан маълумки уруғчиликнинг имлмий асосда тўғри ташкил этилиши ҳосилдорликни 25-30 фоизга оширади. Ҳозирги кунда аксарият экилаётган майдонларни навдорлиги юқори бўлган кафолатланган уруғлар билан таъминлаш тўлигича йўлга қўйилмаган. Шунингдек, кунгабоқар, маҳсар, кунжут ва мойли зифир каби экиб келинаётган мойли экинларнинг сифатлари уруғлари етишмаслиги сабабли бу экинлар ҳосили пастлигича қолмоқда.

Мойли экин навларининг уруғчилик тизимини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу сабабли мазкур майдонларда навларнинг навдорлик хусусиятларини сақлаш, районлашган ва истиқболли навларнинг юқори сифатли, серҳосил навдор уруғлар билан таъминлаш ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим вазифалардан биридир. Бугунги кунда бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири, юқори репродукцияли уруғлик етказиб берувчи субъектларни аниқлаб, мойли экин навларининг халқаро стандартларга мувофиқ ягона уруғчилик тизимини шакллантириш лозим бўлади.

Республикамизнинг лалмикор майдонларида экиш учун тавсия этилган ва давлат андоза талабларига жавоб берадиган мойли зифирнинг “Бахмал-2” ва кейинги йилларда яратилган янги “Баҳорикор” ва “Лалмикор” навларининг бошлангич уруғчилигини йўлга қўйиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш мумкин. Бу вазифаларни амалга ошириш учун лалмикор ерларда юқорида келтирилган навларининг бошлангич уруғчилик тизими босқичма-босқич амалга оширишни асосий мақсад бўлиб ҳисобланади.

Дастлаб уруғчилик ишларини олиб бориша 1-йилги авлодларни синаш питомнигидан ушбу экинларнинг морфологик ва хўжалик белгилари жихатидан бир хил бўлган 600-800 та типик ўсимликлардан танлаб олинган уруғлар қатор қилиб алоҳида кўлда экилади ва ўсимликнинг ривожланиш даврида селекционер олимлар томонидан фенологик кузатувлар асосида баҳоланиб борилади. Ҳосилни йигиштириш даврида энг яхши, уруғлари йирик бўлган, касаллик ва зааркунандаларга чидами оиласлар танлаб олиниб алоҳида-алоҳида йигиштириб олиниб танлашлар асосида бу навларнинг бир хил биологик ва морфологик белги хусусиятларига эга бўлган оиласлалари танлаб олинди, касалланган ва зааркунандаларга чидамсиз оиласлалар яроқсизга чиқарилади.

2-йилги авлодларни синаш питомнигидан танлаб олинган (400-500 та бўлиши мумкин) оиласлар ҳар 5 м² да алоҳида қилиб маҳсус сеялкалар ёрдамида экилиб, бу питомнигидан ҳам негатив танлаш асосида касалланмаган, зааркунандалар томонидан заарланмаган ва бошқа маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган оиласлар танлаб олиниб, уруғлар тозаланади кейин тозаланган уруғлар бирлаштирилиб, келгуси йил 1-йилги кўпайтириш майдонига экилади.

Юқорида кўрсатилган барча уруғлик майдонларга юқори морфологик-хўжалик белгиларига эга типик соғлом бўлган ўсимликлар экилиб баҳоланиб, танловлар асосида фенологик кузатувлар олиб борилади. Касалланган, зааркунандалар зарар келтирган ва нав аралашмаси бор ўсимликларидан тозалаш учун нав ўтоги ва апробация кўриги амалга оширилади.

Барча уруғлик майдонларида йигиштириб олинган ҳосиллар алоҳида кўл кучи ёрдамида тозаланиб, кондицион уруғлик талабларига етказилган ҳолда уруғчилик тизимининг кейинги босқичларига ўтказилади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги экин турлари уруғларини тайёрлашда Qz DST 2823:2014 давлат андозаларига кўра, экилиш сифати, нав-

дорлиги ва тозалиги кўрсаткичлари бўйича аниқ белгилаб берилган.

Давлат андозаларига кўра, мойли зифир экиладиган майдонларда оригинал уруғлар (ОУ), яъни кўпайтириш ва суперэлита (ЭУ) уруғларининг нав тозалиги ва типиклиги 99,6% дан юқори, уруғ тозалиги камида 98% кам бўлмаган ҳолда, 1 кг уруғида бошқа ўсимликлар уруғлари кўпи билан 150 донадан кўп бўлмаслиги, унувчанлиги камида 95%, намлиги 12% бўлишилиги талаб этилади.

Шунингдек, мойли зигирнинг репродукцион уруғларида (РУ) нав тозалиги 98% дан, уруғининг тозалиги 97% дан юқори бўлиши, 1 кг бошқа ўсимликлар уруғлари 550 донадан кўп бўлмаслиги, шундан бегона ўтлар уруғлари 500 донадан кам бўлишилиги кўрсатилган. Ушбу экиннинг репродукцион товар (РУт) уруғларида нав тозалиги 97% дан ва уруғ тозалиги 96% дан юқори, 1 кг уруғда бошқа ўсимликлар уруғлари 1550 донадан кўп бўлмаслиги, бегона ўтлар уруғлари эса 1500 донадан кўп бўлмаслиги белгилаб берилган. Шунингдек, мойли

экинлар уруғчилигини олиб борища асосий эътибор уруғ тозалигини ифлосланишига йўл қўймасдан юқори сифатлилик даражасини сақлаб қолган ҳолда кейинги босқичларга етказиб бериши асосий мақсад қилиб қўйиш талаб этилади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш якуни билан мойли зигирнинг етиширилган сара юқори авлодли навдор уруғлари Республикализминг лалми худудларида (Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент ва бошқа вилоятлари) юқори авлодли уруғларини ишлаб чиқарувчи маҳсус уруғчилик хўжаликлари танланиб уларни сифатли уруғлар таъминлаш имкони яратилди натижада юқори авлодли уруғлик етказиб берувчи субъектлар шаклланади. Бу ўз навбатида бу экин турлари навлари майдонининг кенгайишига, ҳамда мазкур майдонларда мойли экинлар ҳосилдорлигини ошишига замин яратилади.

Шерали ОРИПОВ,

қ.х.ф.ф.д. к.и.х.,

Лалмикор Дехқончилик ИТИ “Мойли экинлар селекцияси, генетикаси ва уруғчилиги” лабораторияси мудири.

АДАБИЁТЛАР

1. Д.Т.Абдукаримов. “Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги”. Ўқув дарслик. Тошкент-2010 йил.
2. Р.О.Орипов , Н.Х.Ҳалилов, “Ўсимлиқшунослик” Тошкент 2016 йил.
3. И.Г. Жданов “Мойли экинлар уруғи стандарти” Москва “Колос” 1966 год.
4. Ш.Орипов, Ф.Аманов. “Мойли зигирнинг Баҳорикор нави” Агро-илм илмий оммабоп журнали 2-3 (34-35) сон 2015 йил.
5. Ш.Х.Орипов, М.Н.Покровская, Н.Х.Юсупов, “Селекция сафлора в богарных условиях Узбекистана”.
6. Ш.Х.Орипов, Б.Д.Ҳайдаров “Лалмикор ерларда мойли экинлардан юқори ҳосил олиш агротехнологияси” Илмий-амалий қўлланма “Зиё” нашриёти 2017 йил.

уўт: 375.113+577.113+633

ТАДҚИҚОТ

БУҒДОЙ САРИҚ ЗАНГ (PUCCINA STRIIFORMIS F.SP. TRITICA) ЗАМБУРУГЛАРИНИНГ ВИРУЛЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ЎРГАНИШ

*The article describes the virulence of a sample of wheat yellow rust (*Puccinastriiformis*f.sp. *tritica*) from Kitab district of Kashkadarya region, which is one of the main problems in the grain industry.*

Буғдой етиширишда энг долзарб муаммолардан бири сариқ занг касалликларининг тарқалишидир. Бу касалликтининг тарқалиши ғаллакорларга катта иқтисодий зарар келтириш билан бирга, уларга қарши кимёвий кураш олиб борилганда табиий муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлади. Шу нуқтада назардан сариқ занг касаллигининг ривожланиши ва тарқалишини ўргангандан республикамиз ғалла майдонларда тарқалиб келаётган сариқ занг касаллигининг ирқ таркибини доимий равишда ўрганиш керак бўлади.

Хозирги кунда дунёнинг кўргина давлатларида занг касаллигининг вирулентлик таркиби доимо кузатиб борилади. Бунинг асосий сабабларидан бири агар ирқлар таркибидаги ўзгариш содир бўлса, яъни вирулентли ирқ пайдо бўлса, селекция жараёни ушбу генлардан фойдаланишини тўхтатишни ҳамда бошқа генлардан фойдаланишини тақозо этади [1].

Сариқ занг касаллигининг тарқалиши, ривожланиши ва ирқлар таркибини аниклаб, шу сариқ занг ирқларига чидамли бўлган навларни ажратиш ва ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш ғаллачиликнинг келгуси ривожланишига ҳисса кўшади.

Буғдой далаларининг мониторинги 2020 йил Қашқадарё вилояти бўйлаб апрел ойининг охири ва май ойининг бош-

ларидаги, сариқ занг касаллигининг урединиоспоралари наумулари йигилди.

Буғдой сариқ занг касаллигининг ирқини Johnson R., бошқалар услубида Жаҳон (9 та: Chinese 166, Lee, Heine's Kolben, Vilmorin 23, Moro, Strubes Dickopf, Suwon92 x Omar, Clementva Triticumspelta) ва Европа (8 та: Hybrid 46, Reichersberg 42, Heine'sPeko, Nord Desprez, Compare, Carstens V, Spalding Prolific ва Heines VII) дифференциатор навлари тўплами ёрдамида аниқланди. Изолятнинг вирулентлик хусусиятларини янада кенгроқ ўрганиш учун кўшимча (Yr8 Avocet NIL, Yr17 Avocet NIL, Lal Bahodur (Yr29), Pastor(Yr31+APR), Yr7 Avocet NIL, Fed4/Kavkaz (Yr9), TPI 1295 (Yr25), Yr27 Avocet NIL) навлардан фойдаланилди. Ушбу тўплам буғдой наумулари уруғлари 10 см диаметрли тувакчаларга тупрок, кум ва гумусли аралашмага (3:3:4 нисбатда) 7-8 донадан экилди[2].

Сариқ занг касаллигига чидамлилик майсаларда баҳолаш 14-17 кундан сўнг 0-9 балл асосида баҳоланди бунда, 0-6 балл авирулентликни, 7-9 балл эса вирулентликни белгилайди.

Тажрибамизда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидан (координата: 713 м, N39.12997, E 066.86510) келтирилган

сариқ занг (*Puccina striiformis* f.sp. *tritica*) касаллигининг намунаси ўрганилди. Изолят дифференциатор навларга инокуляция қилинди ва таҳлил қилинди.

Юқорида келтирилган 17 навдан иборат бўлган тўплам ва қўшимча навларнинг касалланган намуналарига тегиши бўлган ўнлик даражалари қийматини қўшиб чиқиш орқали изолятнинг ирқ формуласи аниқланди.

Тадқиқотларимизда изолят инокуляция қилингандан 14 кун ўтгач, куйидаги кўринишда баҳоланди.

Баҳолаш натижаларига кўра, изолят халқаро тўпламдан Chinese 166, Lee, Heine's Kolben, Strubes Dickopf, Suwon 92 x Omar, Clement навларини, Европа тўпламидан эса Hybrid 46, Reichersberg 42, Heine's Peko, Nord Desprez, Compare, Spalding Prolific, Heines VII навларини касаллантириди (2-жадвал). Халқаро тўпламдан Vilmorin 23 навини 5-4 баллик даражада, Европа тўпламидан Carstens V навини 6-6 баллик даражада касаллантира олди, лекин бу изолятни ушбу навларга авиурент эканлигини билдиради.

Ушбу изолят касаллантирган навларнинг ўнлик даражада

қийматлари қўшилиб 231E223 ирқ формуласи ҳисоблаб топилди.

Бундан ташқари, қўшимча навлардан Yr8 Avocet NIL, Yr17 Avocet NIL, Pastor (Yr31+APR), Yr7 Avocet NIL, Fed4/Kavkaz (Yr9), TPI 1295 (Yr25), Lal Bahodur (Yr29), назорат Morocco навларни касаллантириди. Yr27 Avocet NIL навини 6-6 баллик даражада заарлантара олди. Қўшимча навларда иммун ҳолати кузатилмади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Китоб туманидан келтирилган буғдойнинг сариқ занг (*Puccina striiformis* f.sp. *tritica*) касаллик намунаси Yr7, YrSd, YrSu, Yr4+, Yr3N, YrSp, Yr2+, Yr8, Yr17, Yr29, Yr9, Yr25 генларига ва Yr6+Yr2, Yr9+Yr2+Cle, Yr8+YrAPR, Yr31+APR генлар комбинациялари мавжуд буғдой ўсимликлари учун вирулентли эканлиги, Yr3V, Yr10, Yr5, Yr27, Yr32+YrCv генлари мавжуд буғдой ўсимликлари учун авиурентли эканлиги аниқланди.

Дилшод МУЛЛАЕВ,

б.ф.ф.д., доцент.

Низомий номидаги ТДПУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Зияев З. “Бу-дойнинг сариқ занг касаллигига чидамли генлари ва уларнинг касалланиш даражаси”//“Орол буйи минтақаларида қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш масалалари” мавзудаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Қорақалпогистон, 2014. 153-155бетлар.
2. MelIntosh, R.A., Wellings, C.R., and Park, R.F. Wheat rusts: an atlas of resistance genes // Commonwealth Scientific and Industrial Research Organization, Australia, and Kluwer Academic Publishers, Dordrecht, Netherlands. 1995. 205 p.

УЎТ: 635.25

ТАДҚИҚОТ

ЎСИМЛИКНИНГ ВЕГЕТАЦИЯ ДАВОМИЙЛИГИГА УРУҒЛИК БОШ ПИЁЗНИ ЭКИШ СХЕМАСИ ВА ЎЛЧАМЛАРИНИНГТАҲСИРИ

Масличный лен высевается около 20-25 тысяч гектаров равнинных холмистых и предгорных зон Республики. В статье приводится краткий обзор об семеноводстве масличного льна а такжедается данных требование по налаживанию семеноводстве этих культур.

The article presents an analysis of the research results, on the basis of which oil crops seeds.

Оддий пиёз бир паллалилар синфиға, *Liliaceae* туркумига, пиёзлар оиласига (*Alliaceae* Ж.К.Агардх.) мансуб. Ҳозирги вақтда экин сифатида пиёзнинг 10 га яқин тури мавжуд (Юреева Н. А., Кокарева В. А., 1992). Пиёзларнинг хилма-хиллигини тизимлаштириша бўлган интилиш тарихчилар томонидан милоддан аввали асрларда қайд этилган.

Пиёз экиладиган майдони ҳамда ундан олинадиган ҳосил миқдори бўйича сабзавот экинлари орасида помидордан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳар йили дунё бўйича қиймати 23 млрд. долларга тенг бўлган 92,1 млн. тонна пиёз етиширилади. Соҳа экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра дунё бўйича пиёзга бўлган бозор талаби йилига 2-5% га ортиб боради ва 2025 йилга бориб 105 млн. тоннани ташкил қиласди. Пиёз етиширувчи йирик давлатлар Хитой (23907 минг тонна ёки дунё бўйича етишириладиган пиёзнинг 25,96%), Ҳиндистон (19415 минг тонна, 21,09%), Миср (3115 минг тонна, 3,38%), АҚШ (3025 минг 3,29%), Эрон (2345 минг тонна, 2,55%) ҳисобланади □

Республикамизнинг жанубий вилоятларида пиёз уруғини етишириш учун уруғлик ўсимликларини озиқлантириш майдонини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Пиёзнинг уруғлик

ўсимликларининг маҳсулдорлигини ошириш учун катта заҳиралар, кучли ёритишни, юқори инсолапацияни ҳисобга олган ҳолда, ўсимликлар учун мақбул озуқавий майдонларни яратиш орқали фотосинтездан тўғри фойдаланиш ётади, бу эса уруғ ҳосилдорлигининг ҳажмини белгилайди.

Ушбу масала Ф.Ш.Ражабов (1970) томонидан Каба 132 нави бўйича Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти шароитида оналик пиёзбош ўлчамини ҳисобга олмаган ҳолда батафсил ўрганилган. Бироқ, жанубий минтақаларда энг эрта ва эртапишар навларни яратиш, уларни етишириш технологиясини ишлаб чиқишига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Бизнинг тадқиқотларимиз 2018-2020 йилларда Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё таянч пунктида амалга оширилди.

Жанубий Ўзбекистон шароитида пиёзнинг янги, тезпишар “Баҳорий” навида озиқа майдони ва оналик ўсимликларининг катталигининг уруғ ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш учун маҳсус тадқиқотлар ўтказдик.

Пиёзнинг “Баҳорий” нави ривожланиши фенологик фазаларининг бошланиш вақти ва давомийлигининг озуқа майдонига

“Баҳорий” нави ривожланиши фенологик фазаларининг бошланиш вақти ва давомийлигининг озуқа майдонига ва экилган оналик пиёзбошларининг ўлчамига боғлиқлиги, 2018-2020 й.

Экиш схемаси, см	Озиқланиш майдони, м ²	Нишлашнинг бошланиши	Ёппасига гулпоя ҳосил қилиш	Ёппасига гуллаш	Уруғларнинг ёппасига пишиши	Уруғларни йигиб олиш	
						вақти	давомийлиги, кун
Майда фракцияли оналик пиёзбошлар							
70x10	0,07	25.09	07.04	12.05	17.06	17.06	276
70x15	0,10	25.09	06.04	11.05	16.06	16.06	275
70x20 назорат	0,14	25.09	06.04	11.05	16.06	16.06	275
70x25	0,18	25.09	04.04	10.05	16.06	16.06	275
70x30	0,21	25.09	04.04	10.05	16.06	16.06	275
Ўртача фракцияли оналик пиёзбошлари							
70x10	0,07	25.09	06.04	11.05	15.06	15.06	274
70x15	0,10	25.09	05.04	10.05	15.06	15.06	274
70x20 назорат	0,14	25.09	05.04	10.05	15.06	15.06	275
70x25	0,18	25.09	04.04	10.05	15.06	15.06	274
70x30	0,21	25.09	04.04	10.05	15.06	15.06	274
Йирик фракцияли оналик пиёзбошлари							
70x10	0,07	25.09	06.04	11.05	15.06	15.06	274
70x15	0,10	25.09	05.04	10.05	15.06	15.06	274
70x20 назорат	0,14	25.09	04.04	09.05	15.06	15.06	274
70x25	0,18	25.09	04.04	09.05	15.06	15.06	274
70x30	0,21	25.09	03.04	08.05	15.06	15.06	274

ва экилган оналик пиёзбошларининг ўлчамига боғлиқлиги жадвалда келтирилган.

«Ёппасига гулпоя ҳосил қилиш - гуллаш» ва «гуллаш - ёппасига пишиб етилиш» даврларининг давомийлигига кўра, тажриба варианtlари ўртасида сезиларли таъсир кўрсатмайди. Оналик пиёзбошларни экишдан (15 сентябр) бошлаб, тажрибанинг барча варианtlарида нишлаш бошлашгача 10 кун ўтди. Ўсимликларнинг ёппасига равища гулпоя ҳосил қилиши кейинги йилнинг баҳорида 3-7 апрелда қайд этилган. Бундан ташқари, пиёз уруғлик боз пиёзларидаги

энг узоқ давр «нишлашни бошланиши - ёппасига гулпоя ҳосил қилиш» даври бўлган. Энг узун (276 кун) бу давр кичик фракциянинг уруғлик боз пиёзларидаги 70x10 см тартибда экилганда ва энг қисқа (274 кун) катта фракциянинг уруғлик боз пиёзларидаги 70x30 см тартибда экилганда содир бўлди.

Май-июнь ойларида юқори ҳаво ҳарорати ривожланишининг ушбу босқичларини ўтишини тезлаштиради ва варианtlар орасидаги фарқни қисқартиради. Умуман олганда, жанубий Ўзбекистон шароитида оналик пиёзбошларини экишдан то уруғликни йиғишгача 274-276 кун ўтаси исботланди.

Умар ҚОДИРОВ,
Сабзавот, полиз экинлари ва картошакалик илмий-тадқиқот институти докторантни.

АДАБИЁТЛАР

- Кокорева В. А., Юрьева Н. А. Лук и чеснок на приусадебном участке. «Колос». 1993. 226 б.
- Сыч З.Д. Биологические особенности лука репчатого в условиях полупустынь северного Приаралья.: Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. с.-х. наук. -Л. 1982. 23 б.
- Старикова В. В. Методика изучения семенной продуктивности растений на примере эспарцета Onobrychisarenaria // Ботанический журнал, 1963, т. 48. №5. С. 696 - 699.


УЙТ: 631.6.631

ТАДҚИҚОТ


ШЎРЛАНГАН СУВДА ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШ ВА ТУПРОҚНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Soil salinity and fresh water scarcity are important factors limiting the improvement of many districts of Syrdarya region. This study discusses the impact of salt quantities on soils and the sustainability and implications of irrigation management as a function of saline water resources and soil impact management.

Сув танқислиги мавжуд ҳудудларда экотизимларни муҳофаза қилиш, турар-жой муҳитини яхшилаш учун Сирдарё вилоятида кучли шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш талаб қилинади. Аммо шўрланган тупроқ энг кенг тарқалган ва чуқур таъсир этувчи омил бўлиб, ўсимликларнинг омон қолиши ва ўсишига пурт етказади. Кўплаб ҳудудларни муваффақиятли ободонлаштириш учун кўкаламзорлаштиришнинг тегишли усулини танлашда биринчи навбатда тупроқнинг шўрланиш муаммосини назорат қилишдан иборат.



1-расм. Дала тажриба участкасининг схематик диаграммаси: (а) томчилатиб ўрнатиш ва ўсимликлар оралиғи, ва (б) тенсиометр ўрнатилган жой ва вертикаль профилдаги тупроқ намуна олиш чуқурлиғи.



2-расм. Суғориш сувининг шўрланишини бешта давр учун тупроқнинг шўрланиши тақсиготи.

Тупроққа кимёвий мелиорацияни кенг кўламли кўллашда шўрланишга чидамли ўсимликларни етишириш билан кўллаш, уларнинг кутилган натижалари, узок ўзгарувчан

мелиоратив самараадорлик учун зарур бўлган узок давом этиши ва кўпчилик учун одатий бўлган шўрликка чидамли ўсимликлар етиширишdir. Шўрланган тупроқнинг маҳаллий юқори қатламини шўр бўлмаган тупроқ билан алмаштириш ёки ёпиш ўсимликларнинг тез ўсиши учун фойдали усул сифатида тавсия этилган, аммо харажатлар туфайли шўр бўлмаган қатлам кўпинча қулагай тупроқни яратиш учун жуда нозик бўлади. Ўсимликлар ўсиши учун қулагай муҳит, шунинг учун деярли барқарор эмас, айниқса, чуқур илдиз отган ўсимликлар учун. Суғоришни функционал бошқариш ва шўрликка чидамли турлар ёки навларни аниқлаш — шўрланган эрларни кўкаламзорлаштиришнинг энг самарали стратегияси.

Шунга мос равишда, ҳар бир тозалаш учун тасдиқланган билан тузланган сувли бешта хил сув (ҳажми 800 л) сув манбаси сифатида ишлатилган. Томчилатиб суғоришнинг бешта мустақил тизими, томчилатиб суғориш оралиғи 0,3 м бўлган, босимсиз томчилатиб (f16 мм) ёрдамида далага сув этказиб бериш учун ўрнатилган. Томчилардан оқаётган сув миқдори 3,9 л/соатни ташкил этди, бу чиқиш жойидан 3 м баландликдаги босим фарқи билан

таъминланди. Дастребли мелиорация даврида дриплинлар орасидаги масофа 0,3 м эди ва кейин тупроқнинг шўрланиш даражаси 0-10 см <4 дС·м⁻¹ бўлганида, ҳар бир томчидан бир қатор дарахтга ўрнатилди. Суғориш, томчилатиб остида 20 ва 50 см бўлган иккита тензометр билан ўлчанадиган тупроқ матрикс потенциалини ҳар куни баҳолаш асосида режалаштирилган эди. Суғориш ҳодисаси ҳар қандай тензиометрда олдиндан белгиланган тупроқ матрикси потентсиал чегарасига етганда содир бўлади. Ўсимликларнинг ўзига хос қисмлари (уруглар, мевалар ёки барглар) ҳосилдорлиги кўпинча қишлоқ хўжалик экинлари ёки ўтли ўсимликларда ҳисобга олинади.

Хуноса. Экинларни барпо этиш, таклиф қилинган суғориш бошқаруви, яъни ҳар йили тупроқнинг матрикциал потенциал чегараларининг пасайиши билан режалаштирилган, озгина шўрланган сув билан томчилатиб суғориш орқали амалга оширилган, шўрланган тупроқларини қайтариб олишда муваффақиятли бўлди.

Нодиржон ГАДАЕВ,
т.ф.ф.д. (PhD), ТИҚҲММИ,
Ифтихор ЭРГАШЕВ,
докторант, ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

- Ecological Engineering journal homepage: www.elsevier.com/locate/ecoleng. <https://doi.org/10.1016/j.ecoleng.2021.106337> Received 29 April 2020; Received in revised form 19 June 2021; Accepted 2 July 2021.
- Мирзаев Ж., Қулматов Р., Тайлеков А. Иқлим ўзгариши шароитида Жиззах вилояти сув ва суғориладиган ер ресурсларидан барқарор фойдаланиш // Вестник экологии. – Ташкент, 2018. № 9. С. 26-30.
- Тешаев Ш.Ж., Қўзиев Р.Қ., Ахмедов А.У., Абдурахмонов Н.Ю. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва уни яхшилаш // Иқлим ўзгариши шароитида ер ресурсларини барқарор бошқариш мавзусидаги Республика Илм-амал семинар мат. тўп. Тошкент: МУ, 2017. 14-18-б.

ЯНГИ ТУРДАГИ ИНСЕКТИЦИДЛАРНИ ОЛМА МЕВАХҮРИ МИҚДОРИНИ БОШҚАРИШДА ҚЎЛЛАШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

*В сельскохозяйственном секторе вредители и болезни в определенной степени снижают урожайность садоводства. Среди основных вредителей садоводства яблоневый сад (*Cydiapomonella*) выделяется своим доминирующим видом по сравнению с другими видами цикадок.*

*In the agricultural sector, pests and diseases reduce horticultural yields to a certain extent. Among the main pests of horticulture, the apple orchard (*Cydiapomonella*) stands out for its dominant species compared to other types of leafhoppers.*

Дунёда олма меваҳүри (*C. pomonella*) миқдорини бошқаришда кимёвий воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилишиади, аммо қўлланилган препаратлар ҳар доим ҳам кутилган самара беравермайди. Бунинг оддий сабаблари мавжуд бўлиб, кўпроқ аниқ қўлланилиш муддатларига боғлиқ. Тадқиқчилар Zhigarevich and Yakubov маълумотларига кўра, биринчи авлодига қўлланилган муддатдан сўнг 8-10 кун ўтиб, иккинчи ишлов ўтказилгандан сўнг самарадорлик юкори бўлганлиги кузатилган. Яна бир тадқиқчи Radjabi et al. маълумотида ҳам биринчи авлод қуртларига қарши икки маротаба 10-15 кун оралиғида қўлланилганда самарадорлик юкори бўлганлигини кўрсатган.

Жаҳон бозорида уруғмевали маҳсулотларга бўлган талабда ушбу зааркунанда билан заарланмаган ҳосилга эҳтиёж катта. Шунга кўра, ушбу зааркунандадан ҳимоя қилиш мақсадида ҳозирда кўпроқ кимёвий усулдан кенг фойдаланилмоқда. Мавсумда ушбу зааркунанда миқдорини иқтисодий хавфли миқдордан паст даражада ушлаб туриш мақсадида 10-15 мартағача кимёвий ишлов ўтказилади.

Ёз фасли мобайнида олма меваҳүри республикамиз вилоятларида учта авлод, тоғли туманларида 2-3 авлод билан ривожланади. Меваҳўр кулранг юқа пиллада диапаузадаги куртлик даврида қишлияди. Уларнинг кўпчилик қисми пана жойларга жойлашиб олади: дарахт танаси ва йўғон шохларидаги тирқишлар ва ёриқлар, кам қисми тупроқда, кўчган пўстлоқлар ости, шунингдек, илдиз бўғзи, тупроқ юзасидаги органик тўшамалар остида яшайди.

Тадқиқот майдонида жинсий феромон тутқичлар ёрдамида олма меваҳўри капалаклари ялпи учиш даврлари аниқлангандан сўнг, битта тутқичга ўртacha 7-8 дона капалаклар тушгандан сўнг кузатувлар ўтказилди. Тажриба олма гуллаб 80% гул барглари тўкилгандан сўнг 2016 йилнинг 5 майида ўтказилди. Тажриба эрта тонѓда ҳаво ҳарорати +22°C, нисбий ҳаво намлиги 54%, шамол тезлиги 1/сек.

Иккинчи ишлов 18 июнда зааркунанданинг иккинчи авлод капалаклари ялпи учиш даври тугагандан сўнг ўтказилди. Унга кўра, мавсум сўнгидаги мевалардан олинган соғлом ҳосилга нисбатан кимёвий воситаларнинг самарадорлиги белгиланди. Олиб борилган тадқиқларга кўра, кимёвий препаратлардан Караче 10% к.э.препарати гектарига 0,4 кг сарф мейёрида қўлланилган вариантизда ўртacha бир тупдаги олма дарахтидаги мевалар миқдори 525,6 донани ташкил этган бўлса, шундан мавсум давомида тўкилган мевалар 66,2 донани ташкил қилди. Шундан, олма меваҳўри билан заарланиб тўкилган мевалар сони 16,4 донани ташкил этган бўлса, меҳаник шикастланган (шамол, турли касалликлардан) мевалар 49,2 донани ташкил этди. Мавсумда жами ҳосилга нисбатан соғлом етиширилган мевалар 87,4% ни ташкил қилган.

Кейинги вариантизда, яъни Абам экстра 24% к.э. кимёвий воситани 0,4 кг/га миқдорида қўлланилган варианtlарда мавсум бошида ўртacha бир тупдаги мевалар сони 610,2 донани ташкил қилган бўлса, шундан жами мавсум давомида тўкилган мевалар 58,0 дона, олма меваҳўри билан заарланганлар сони 12,6 дона, меҳаник шикастланганлар 45,4 донагача ташкил қилди. Ялпи ҳосилдан соғлом олма мевасининг хажми 90,4% ни ташкил қилди.

Андоза вариантизда қўлланилган Нурелл-Д 55 % к.э. кимёвий воситани 0,1 л/га қўлланилган вариантда эса, мавсум бошида ўртacha бир туп дарахтдаги меваларнинг ўртacha сони 580,4 дона бўлиб, шундан мавсум давомида тўкилган мевалар 77,7 дона эканлиги кузатилди. Тўкилган меваларнинг олма меваҳўри зарари туфайли тўкилган мевалар миқдори 22,4 дона, меҳаник шикастланганлар миқдори эса 36,3 донани ташкил қилди. Жами олинган ҳосилга нисбатан соғлом мевалар ҳажми 86,6% ни ташкил қилди.

Назорат вариантизда мавсум бошида ўртacha бир тупда 576,2 дона олма меваси бўлган бўлса, мавсум давомида эса ўртacha 369,9 дона мевалар тўкилган, шундан олма меваҳўри билан мевалар ўртacha 272,3 дона эканлиги аниқланди. Шунингдек, тўкилган мевалардан меҳаник шикастланган мевалар сони ўртacha 97,6 донани ташкил қилиб, жами олинган ҳосилдан соғлом, товарбоп мевалар улуши 35,8% ни ташкил қилди.

Тадқиқотларнинг натижаларига кўра, олма меваҳўрига қарши кимёвий воситаларни қўллаш муддатларини тўғри танлаш зааркунанда миқдорини кескин камайтириш имконини беради

Шу мақсадда зааркунандага қарши курашда кимёвий воситаларни қўллашни камайтириш, уларнинг атроф-муҳитга заарлилик миқдорини камайтиришда олма меваҳўри миқдорини бошқаришда бутун дунё олимларининг тавсиясига кўра уйғуллашган кураш тизимиға (IPM) ўтилмоқда. Бу усулнинг асосий камчиликларидан бири урочи зотларини жалб қила олмаслигидадир. Олма меваҳўриниг биоце-ноздаги барча турдаги (микроорганизмлар, паразитлар, йиртқичлар) кушандалари биологик ҳимоя қилиш усулиниң, шунингдек, уйғуллашган кураш тизимининг энг асосий манбалари сифатида хизматқилади. Олма меваҳўри ва бошқа экинларнинг зааркунандалари миқдорини бошқаришда уларнинг фенологик календарлари асосида амалга оширилиши кураш чораларининг самарадорлигининг ортишига олиб келади.

Олма меваҳўри миқдорини бошқаришда Андижон вилояти шароитида самарали кимёвий воситаларни танлаш, қўллаш муддат ва меъёрларини тадқиқ этиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди.

Унга кўра «Химреактивснаб» МЧЖнинг лямда-цигалопротин таъсир этувчи моддасига эга Карабе 10% к.э препарати (0,4 л/га меъёрда) хамда андоза сифатида абамектин таъсирига эга Абам Экстра 24% к.э. (0,4 л/га меъёрда) ва бифентрин таъсирга эга Нурелл-Д 55% э.к. препаратлари

танлаб олинди.

Мадина РАХМОНОВА,
к.х.ф.ф.д., доцент,
Хуснидахон ЭРГАШОВА,
ассистент, АҚХАИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Рахмонова, М. К., Хамдамов, К. К., Парпиева, М. К., & Абдулаева, Г. Д. МЕТОД ПРИМЕНЕНИЯ ТРИХОГРАММЫ ПРОТИВ ЯБЛОННОЙ ПЛОДОЖОРКИ. Zbioratykułów naukowych recenzowanych., 160.
2. Рахмонова, М. К. (2018). Применение трихограммы (TRICHOGRAMMAEVANESCENS) против яблоневной плодожорки. Актуальные проблемы современной науки, (4), 215-217.
3. Бустанов, З. Т., Хамдамов, К. К., Рахмонова, М. К., & Рустамова, Г. Ю. (2018). Влияние комбинированной борьбы на качество фруктов, экстрактивность червей водорослей.

уўт: 532.543.001.24:626.86

ТАДҚИҚОТ

ЮВИЛМАЙДИГАН ОЧИҚ ЗОВУРЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ УСУЛИ

The article gives an assessment of hydraulic processes occurring at the bottom of collectors used in irrigated fields. At the bottom of the collector there are processes associated with flushing under the influence of the flow rate.

В статье дана оценка гидравлических процессов происходящих на дне коллекторов, используемых на орошаемых полях. На дне коллектора происходят процессы связанные с промывкой под воздействием скорости потока.

Маълумки, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда коллекторларнинг вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Чунки коллекторлар бошқарувчи ва йигувчи зовурларда ҳосил бўлган ортиқа сувларни, кейинги коллекторларга ёки сув қабул қилиш манбаига узатишида хизмат қиласди.

Меъёрий ҳужжатларда келтирилган ювилмайдиган тезликни асословчи чуқурликнинг энг кичик қиймати $h=0,5$ м ни ташкил этиб, коллекторларни лойиҳалашда кўллаш имкони мавжуд эмас. Чунки аксарият коллекторларда оқим чуқурлиги 0,5 м дан кичик ҳолатларда лойиҳаланади. Коллекторларда ювилиш жараёнларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, ўзандаги гидравлик жараёнларни баҳолаш, ювилиш жараёнларининг олдини олиш бўйича илмий асосланган лойиҳалаш усусларини ишлаб чиқиши ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан биро ҳисобланади.


Коллекторлар ўзанида ювилиш жараёнларини ўрганиш мақсадида Сирдарё вилоятининг Холос туманида табиий


дала шароитида тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқот обьекти сифатида Холос туманидаги 2-К-4 коллектори танлаб олинди. Тадқиқотларни олиб боришда гидравлика ва гидрологияда умумқабул қилинган усуслардан фойдаланилди. Аниқланган натижалар математик статистик қайта ишланиб, коллектор ўзанидаги ювилиш жараёнлар баҳоланди.

Табиий дала шароитида олиб борилган изланишлар натижасида 2-К-4 коллекторининг ПК-13, кесимида гидродинамик ўзгаришлар таъсирида ўзан шаклланиш жараёнлари тадқиқ этилди. Мазкур коллекторнинг ПК-13 кесими лойиҳа бўйича сув сарфи $Q=800$ л/с, тубининг кенглиги $b=3,5$ м, оқим чуқурлиги $h=0,30$ м, оқимнинг ўртача тезлиги $\theta=0,72$ м/с ҳолатда лойиҳаланиб қурилган ва фойдаланишига топширилган. Аммо маълум вақтлар ўтиб, оқим таъсирида коллектор ўзанида ювилиш жараёнлари содир бўлган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида коллекторнинг ПК-13 оқим чуқурлиги $h=0,50$ м ни ташкил этиши аниқланди. Коллектор ўзани ювилиб, туби $\Delta h=0,94$ м масофага чуқурлашган, тубининг кенглиги лойиҳавий $b=3,5$ м ҳолатдан $b=1,0$ м ҳолатга ўтган (1-расм).


Коллектор ўзанида ювилиш жараёнлари сабабини аниқлаш мақсадида тупроқдан намуналар олиниб лаборатория шароитида механик таркиби таҳлили қилинди. Таҳлилилар натижасига кўра коллектор ўзани тупроғининг механик таркиби турли фракциялардан ташкил топгани аниқланди. Таҳлил натижалари қўйидаги расмларда келтирилган.

Кесимлар бўйича коллектор ўзани тупроғининг ўлчамлари турлича бўлиб, масалани ечишда ўртача диаметрини аниқлаш





2-расм. Коллектор ўзани тупротининг механик таркиби



3-расм. Коллекторларда ювилмайдиган тезликни аниқланашағрафиғи.

лозим бўлади. Коллектор ўзани тупротининг ўртача диаметри кўйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$D_{yo} = \sum_{i=1}^n \frac{D_i}{100} P_i$$

Бу ерда: D_i -чўкинди заррачасининг диаметри; P_i -мазкур чўкинди заррачасининг фоиздаги миқдори.

Аниқланган натижаларга кўра, коллектор ўзани тупротининг ўртача диаметри ПК-13 кесимида $D_{yo} = 0,70$ мм, ПК-35 кесимида $D_{yo} = 0,95$ мм, ПК-50 кесимида $D_{yo} = 0,78$ мм, ПК-64 кесимида $D_{yo} = 0,63$ мм, ПК-82 кесимида $D_{yo} = 1,04$ мм ни ташкил этди.

Коллекторларни лойиҳалашда кўп ҳолатларда, оқим чуқурлиги 0,5 м дан кичик қийматларда лойиҳаланади. Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан оқим чуқурлигига мос равишда ювилмайдиган тезлик қийматлари аниқланди (3-расм).

Ушбу графикнинг кулайлиги шундаки, коллекторларни лойиҳалашда оқим чуқурлиги 0,1 м дан 1,0 м гача бўлган қийматларда ювилмайдиган тезликни асослаш имконияти мавжуд.

Хуласа. Коллекторларни ювилмайдиган тезликни асослаш бўйича маҳсус график ишлаб чиқилди. Ушбу график ёрдамида ўзан тупротининг ўртача диаметри $d=0,5$ мм, $d=0,75$ мм, $d=1,00$ мм дан ташкил топган коллекторларни ювилмайдиган тезлик асосида лойиҳалаш имконияти яратилди.

Элёр БЕРДИЁРОВ,
“УзГИП” МЧЖ мұхандиси.
Мақсад ОТАХОНОВ, доцент.
Дилбар АЛЛАЁРОВА, магистрант.
ТИКХММИ,
Фарангиз БЕРДИЁРОВА,
Ўзенәниссаноат лойиҳалаш институти.

АДАБИЁТЛАР

- Абдураимова Д.А., Отахонов М.Ю. Очиқ зовурларда сув ҳаракатининг математик моделига доир// Irrigatsiya va melioratsiya журнали. – Тошкент, 2019. – №4, – Б. 31-34.
- Отахонов М.Ю., Худойшукоров Қ.Т. Очиқ зовурларни лойиҳалашда иқтисодий самараדור кесимларни асослаш// “Агро илм” журнали.– Тошкент, 2020. – №2, – Б. 114-115.
- Аллаёров Д.Ш., Ибрагимова З.И., Отахонов М.Ю. Сув тозалаш иншоотларида тозалашга олинган сувнинг самарадорлигини ошириш// Агро иқтисодиёт журнали. – Тошкент, 2020. – Маҳсус сон. Б.76-77

УЙТ: 641.535.7

ТАДҚИҚОТ

ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ КАРБИД КРЕМНИЙ АСОСИДАГИ ЭЛЕКТР ИСИТГИЧЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КАТТА ҚУЁШ ПЕЧИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

This article presents the optimized technological possibilities of manufacturing and production of high-temperature silicon carbide-based imported electric heaters based on a large solar furnace.

Бугунги кунда интенсив ривожланаётган керамика соҳасида истиқболли йўналишлардан бири бўлган юқори ҳароратли электр иситгичларнинг янги турларини барпо қилишга эътибор қаратилмоқда. Бу борада карбид кремний ва хромитлантан асосидаги электр иситгичларни ишлатиш

принципи уларга қўйилган талабларнинг иссиқликка ташки таъсир кучи, ҳолатини сақлаб қолишига ва такомиллаштирган янги турини яратишдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда керамика соҳасининг ривожланишига қарамасдан республикамиизда электр иситгичлар

импорт йўли билан келтирилиб, фойдаланилмоқда. Бугунги кунда республикамиз олимлари томонидан юқори ҳароратли электр иситгичларни ишлаб чиқариш тўғрисида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган, лекин тайёр электр иситгичларга қайта ишлов бериш ишлари тўғрисида илмий тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, ЎзРФА “Физика-Күёш” ИЧБ Физика-техника институти илмий ходимларидан Александр Кутлумрадов жамоаси юқори ҳароратли электр иситгичларга техник ишлов берилиши тўғрисида тадқиқотлар олиб борган, лекин юқори ҳароратли электр иситгичларни ишлаб чиқариш тўғрисида илмий тадқиқотлар мавжуд эмас.

Тадқиқотимизда катта қўёш печига асосланган иссиқликка чидамли электр иситгичларни тайёрлаш тизимларида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш ва уни иш режими параметрларини аниқлашнинг аналитик усуллари, тизимларнинг иш режимларини оптималлаштириш ва жараённи бошқариш усуллари; тажрибаларни ўтказиш ва уларнинг натижалари устида ишлаш, лойихани молиявий-иқтисодий баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг натижалари қўйидагилардан иборат бўлди. Ишлаш хусусиятлари:

1) Силикон карбидли иситгичлар мурт бўлгани учун ташиш пайтида, шунингдек ўрнатиш вақтида алоҳида эътибор талаб этилади;

2) Иссиқ зонанинг узунлиги печнинг кенглигига тенг бўлиши керак;

3) Печнинг ички диаметри совуқ учларининг ташки диаметридан 1,4-1,6 марта катта бўлиши керак. Акс ҳолда, кремний карбидининг эркин кенгайиши имконсиз бўлади, бу эса иситгичларнинг эрта ишдан чиқишига олиб келади;

4) Иситгич билан обьект орасидаги масофа, шунингдек ўчоқ деворигача бўлган масофа иссиқ зонанинг уч диаметридан катта ёки унга тенг бўлиши керак;

5) КЭНларнинг совуқ учларининг дастлабки бир неча дюймлари алюминий билан металлаштирилган;

6) Элементнинг юзаси керакли юқ зичлиги ва ҳароратини танлаш учун ишлатилади. 1650°C дан юқори бўлмаган ҳароратда ва хавфли газли муҳитда кимёвий реакцияларнинг олдини олиш учун юқори ҳароратлардан фойдаланинг;

7) Янги ўчоқ ёки аллақачон ишлатилган, лекин узоқ вақт ишлатилмайдиган печни ишлатишдан олдин, у тўлиқ куруқ бўлиши керак;

8) Агар иситиши элементининг бир қисми шикастланган бўлса, бутун иситгични алмаштириш керак;

9) Материалнинг қаршилиги 2-3 соат ичидаги 30% га ошади;

10) Иситгичлар тўғридан-тўғри ва ўзгарувчан ток билан ишлатилиши мумкин. Иситгични печга улашдан олдин сиз амперметр, волтметрни ишлатишингиз керак;

Силикон карбидли иситиши элементлари ўчоқка вертикал ёки горизонтал равища ўрнатилиши мумкин ва материал қаттиқ ҳолатда қолса ҳам, максимал иш ҳароратида ҳам, маҳсус таянчлар талаб қилинмайди. Силикон карбидли иситгичлар металл элементларга қараганда анча юқори электр юкларини қабул қила олади, шу билан бирга уларнинг ишлаш афзаллиги узлуксиз иситиши жараёнла-


рида сақланади. Бу омиллар ўчоқ курилиш харажатларини сезиларли даражада тежашга олиб келиши мумкин ва ўчоқларга техник хизмат кўрсатиш анча соддалаштирилган. Иш вақтини минималлаштириш учун буюмлар, ҳатто, печ иссиқ бўлса ҳам, тезда алмаштириши мумкин. Силикон карбидли иситгичларни қўллаш - ФЕНлар турли хил печларда, кичик лаборатория печларидан тортиб йирик саноат иситиши мосламаларига қадар, ҳар хил атмосфера ва ҳарорат оралиғида ишлатилади. Юқори ҳароратли иситгичлар печни лойихалашда катта эркинлик беради, бу осон ўрнатиш ва узоқ хизмат муддати билан уларни шиша, керамика, электроника ва металлга ишлов бериш, шунингдек, тадқиқот ва ишлаб чиқиши каби кўплаб дастурларда афзал кўради. Қўйида силикон карбидли иситгичлар табиий танлов бўлган баъзи типик печларнинг мисоллари келтирилган. Юқори ҳароратли электронагревателларнинг турлари:



К-типидағи электронагреватели ган-тел шаклда бўлиб, а-ишли соҳаси, L-умумий узунлиги, d-ишли қисмийнинг диаметри, D-контакт қисмийнинг диаметри, b-совуқ контакт қисми, K – типидаги силикон карбидли электронагревателларнинг максимал иш ҳарорати 1350°C ни ташкил этади. [3].



Чали элемент бўлиб ишли қисми сперал ҳолатда бўлади. Геометрик хусусиятлар туфайли марказий сперал қисмийнинг қаршилиги четки қисмiga нисбатан анча катта – бу ҳосил бўлган иссиқликни элементнинг узунлиги бўйлаб энг самарали равища қайта тақсимлашни таъминлайди. С-типидағи силикон карбидли электронагревателларнинг иш ҳарорати 1350°C ни ташкил этади.



Т-шаклдаги нагревател К-типдагига нисбатан ишли зонаси бироз қалинроқ шу сабабли максимал ишли ҳарорати 1450°C ни ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, катта қўёш печига асосланаб ишлаб чиқарилган юқори ҳароратли электр иситгичлар тўлиқ импорт ўрнини боса олади.

**Лола СУВАНОВА, ассистент,
Шавкат ИМОМОВ, профессор,
Иброҳим САПАЕВ, доцент,
Бекзод КАМАНОВ, катта ўқитувчи,
ТИҚҲММИ.**

АДАБИЁТЛАР

1. Балкевич В.Л. Техническая керамика. М., Стройиздат. 1984. 256 с.
2. Кэндо Цуно. Керамические нагреватели// Cast. forg. and heat treat. 1983.T.36, №11.C. 38-61.
3. Орлов Б.К., Грязнов А.А., Розенфельд А.А. Старение силицидомо-либденовых нагревателей// Электротехническая промышленность. Сер. Электротермия. 1978. № 6. С. 7-12.

ФОРСУНКАЛАР ИШОНЧЛИЛИГИГА Д-240 ДИЗЕЛ ДВИГАТЕЛЛАРИ ИШЛАШ ШАРОИТИНИНГ ТАЪСИРИ

В статье приведены результаты исследований проведенных по обеспечению надежности и ресурса форсунок системы питания дизельных двигателей Д-240 в процессе их эксплуатации путем их периодического контроля с помощью стендов и сравнения показателей с установленными нормами. The article presents the results of studies conducted to ensure the reliability and service life of the injectors of the power supply system of D-240 diesel engines during their operation by periodically monitoring them using stands and comparing indicators with established standards.

Ёнилғи тизими дизел двигателларининг энг асосий тизимларидан бири ҳисобланади. Ёнилғи тизими ўз навбатида – паст ва юқори босимли икки тизимдан ташкил топган. Паст босимли тизим ёнилғини ёнилғи бакидан сўриб олиб, унчалик юқори бўлмаган ($0,35\text{--}0,75$ МПа) босимда юқори босимли тизимга етказиб беради. Паст босимли ёнилғи тизими ёнилғи баки, фильтрлар, сепаратор, паст босимли насосдан ва ёнилғи ўтказувчи кичик босимга мўлжалланган қувурчалардан ташкил топган.

Юқори босимли тизим двигателни ўт олдириш камералари га ёнилғини пуркаб бериши учун хизмат қиласи, бунда юқори босимнинг қиймати одатда тракторлар турига қараб $17,5$ Мпа. дан $23,0$ Мпа. гача етади. Юқори босимли ёнилғи тизими ўз навбатида юқори босимли насос, форсункалар ва юқори босимга мўлжалланган қувурчалардан ($d=5\text{--}6$ мм) ташкил топган. Дизел двигатели ёнилғи тизимининг вазифаси тозаланган дизел ёнилғини юқори босимгача сиқиб ёниш камерасига майда заррачалар ҳолида етказиб беришдан иборат. Сиқилиш тақтини охирида $700\text{--}900^{\circ}\text{C}$ ҳароратга ва $3,0\text{--}5,0$ МПа босимга эга бўлган ҳавонинг, ичига ёнилғи форсунка ёрдамида пуркаб берилади. Ўта майда заррачалар ҳолида цилиндрга пуркаб берилган ёнилғи сиқилган ҳавонинг юқори ҳарорати ва босими остида ўз-ўзидан аланталанади.

Эксплуатация шароитларида ҳаводаги чанг миқдорининг юқорилиги ўз навбатида дизел ёнилғисини ҳам ифлослантиради, дизел ёнилғиси таркибида доимо сув бўлиши, куз ва қиш пайтларида эса сувнинг ёнилғидаги концентрацияси бир неча баробар кўпайиши тадқиқотчи олимларнинг [1, 2] ишларида қўрсатиб берилган. Таъминлаш тизимидағи ёнилғи фильтрлари механик (абразив) зарраларни тўлиқ тозалай олмайди. Натижада абразив зарралар юқори босимли насоснинг прецизион жуфтликлари ва форсункаларининг ейилишига (тез ишдан чиқишига) олиб келади. Оқибатда ёнилғи билан таъминлаш тизимида аста-секинлик билан носозликлар ҳосил бўла бошлади.

Форсункаларнинг асосий носозликлари га қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- пуркагичлар иғналарининг учлари ейилиши сабабли форсункалар яхши ишламаслиги;

- форсункалар яхши ишламаслиги сабабли двигател поддонига ёнилғи ўтказади;
 - ёниш жараёнлари самарадорлигининг ёмонлашуви;
 - двигатель кувватини пасайиши;
 - иш унумининг пасайиши;
 - атроф-муҳитга заҳарли газлар чиқариши;
 - ёнилғи сарфининг ошиб кетиши.

Эксплуатация шароитида завод тавсиясига кўра Д-240 двигателларининг ёнилғи билан таъминлаш тизими аппаратларидан юқори босимли насос ва форсункалар ишлатилиш шароитга қараб ҳар $1000\text{--}6000$ мото/соатда текшириб турилади, зарур бўлса созланади [3].

Синовлар махсус стендларда сервис хизмати кўрсатувчи корхоналарда ўтказилиб, унда форсункалар эса КИ-402 прибори ёрдамида текширилди. Синовга Д-240 дизел двигателларининг 24 донадан форсункалари жалб этилди. Синовлар стендларнинг техник талаблари га амал қилинган ҳолда ўтказилди. Олинган синов натижалари жадвалда келтирилган бўлиб, унга асосан форсункаларнинг пуркаш босимининг меъёрий қиймати $17,5$ МПа. га тенг бўлиб, унинг қиймати эксплуатация жараёнида узлуксиз камайиб

Стенд синовларида форсункаларининг пуркаш босими ўртacha қийматининг бажарган иши бўйича ўзгариши

№	Двигатель тури	Техник шартларга кўра пуркаш босимининг қиймати, МПа	Пуркаш босимининг ўртacha қиймати, МПа	
			1000 мото/соат	6000 мото/соат
1	240	17,5	17,2	16,3
2	244	17,5	17,0	16,1

борди. Синовга $1000\text{--}2000$ мото/соатларда ишлатилиб, дизел двигателининг 24 дона форсункалари қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, ёнилғи билан таъминлаш тизимида форсункалар иш шароитига қараб даврий равища ҳар $1000\text{--}2000$ мото/соатда стендлар ёрдамида текширилиб, ўрнатилган меъёrlар билан солиштириб, зарур бўлса созлаб борилиши уларнинг ресурсини ва ишончлилигини таъминлаши лозим.

Шуҳрат ИШМУРАДОВ, т.ф.д., (PhD),
 Рустамжон АБДУМАЖИДОВ, ассистент,
 Беҳруз БОБОҚУЛОВ, магистр, (ТДТУИ).

АДАБИЁТЛАР

- С.М.Қодиров, Ш.Ш.Мухамеджанов. Двигателларининг юқори ресурси. Уни қандай таъминлаш мумкин. – Тошкент: “CHASHMA PRINT”, 2011.
- К.И. Ибрахимов. Дисс. работа на тему: Повышение эксплуатационной надежности пневматической системы автомобилей-цементовозов. – Москва, 1982.
- Аширбеков И.А., Горлова И.Г. Машиналар ишончлилиги ва техник сервиси. – Тошкент, 2011. – 454 б.

СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ИҚТИСОДИЙ- ЭКОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР

Land, water and other natural resources play an important role in the development of agriculture. The article presents the scientific foundations of economic and environmental approaches to assessing the efficiency of the use of irrigated lands.

Суғориладиган дехқончилиқда барқарор ривожланиш ва стратегик мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан бозор иқтисодиёти учун характерли бўлган комплекс муаммоларни ҳал қилишнинг илмий асосланиш даражасига боғлиқдир. Бу ерда иқтисодий ўсишни агроэкотизимни сақлаш ва яхшилаш масалалари билан боғлиқ ҳолда олиб боришни кўзда тутадиган суғориладиган ердан фойдаланиш тизимлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий ва экологик механизмларини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини оширишга йўналтирилган интенсификациялаштиришнинг кучайиб бораётган шароитда кечикириб бўлмайдиган масалалардан бири, ерларнинг илмий асосланган иқтисодий-экологик баҳолашини амалга оширишdir.

Бу долзарб масалани ечишнинг зарурлиги мамлакат Президенти Ш. Мирзиёев томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилишнинг 2030 йилгача мўлжалланган Концепциясида ҳам кўрсатиб ўтилган. Мазкур концепцияда теварак-атрофни муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилган[1].

Мамлакат чўй зонасининг 56% и шамол эрозиясига, суғориладиган ерларнинг 43,3% и ирригация эрозиясига чалинган бўлса, уларнинг 31,5% и заиф, 36,8 % и ўрта, 5,5% и кучли зарарланган, суғориш учун фойдаланиладиган сувлар сифати асосан II ва III синфа тегишли. Ифлосланган сувларнинг сув объектларига ташлаб юборилиши очиқ сув оқимларини зарарланишига олиб келди. Бу эса флора ва фаунага тузатиб бўлмайдиган даражада зиён келтирмоқда, шунингдек, бу инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги вақтда флоранинг 324, фаунанинг 184 тури Халқаро қизил китобга киритилган. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда суғориладиган ерларни баҳолаш амалиётида экологик омилларни ҳисобга олишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун, биринчи навбатда тупроқ-экологик омиллар ва ер ва сув ресурслардан фойдаланиш ҳолатига баҳо бериш имконини берадиган илмий-услубий базани ишлаб чиқиш лозим [1].

Бундан ташқари, техник воситалар ва дастурий таъминотларнинг ривожланиб бораётганлигига қарамай, ерларнинг экологик ҳолати ишончли мониторинг қилинмаяпти. Бу эса ерларнинг сифатини тўғри баҳолашда қийинчиликлар туғдирмоқда. Ер ресурсларини баҳолашнинг услубий ёндашувлари таҳлили шуни англатмоқдаки, уларнинг маҳсулдорлигини аниқлашда тупроқ-экологик кўрсаткичлар, умуман суформа ерлар тупроқ хоссалари етарли даражада ҳисобга олинмаябди.

Бунинг сабабларидан бири «ер», «тупроқ» ва «экология» тушунчаларининг мустақил ва ўзаро бир-бирига бўйсунувчан алоқада эканлигини меъёрий-хуқуқий жиҳатдан қараб чиқилмаганлигидир. Оқибатда ерга нисбатан шундай

муносабатлар пайдо бўлдики, бунда тупроқ унумдорлиги ва ер қийматининг аҳамияти бўлмаган тармоқларда ер на табиий обьект, на ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланди, унга фақат ҳудудий база сифатида қаралди. Баъзида суғориладиган дехқончилиқда ер сифати тупроқнинг экологик функциялари ҳисобга олинмаган ҳолда, унинг биомаҳсулдорлик салоҳиятини мутлоқлаштириш томонга устуворлик берилиб баҳоланди[4].

Бу эса, биринчи навбатда, суғориладиган ерларда тупроқ унумдорлиги, ер ва сув ресурслардан фойдаланиш ҳолатига баҳо бериш имконини берадиган илмий-услубий базани ишлаб чиқишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар хўжалик фаолиятлари инсон ва табиат манфаатлари мақсадларида оптималлаштирилиши ва табиат ресурсларини сақлаш ва қайта ишлаб чиқаришга, ерларнинг истеъмол қийматини оширишга, экологик барқарор ва иқтисодий самараదор суғориладиган дехқончиликни яратишига йўналтирилган бўлиши керак.

Суғориладиган ерларда экологик тадбирлар-мелиорация ишлари амалга ошириладиган ерларнинг асосий компонентларига тушадиган салбий юкланишни камайтириш масалалари, суғориш ва зах қочириш тизимларининг техник даражасини ошириш, суғориш техникасини такомиллаштириш, тизимда ва экин майдонларида сув йўқотишларини камайтириш, ерларнинг сув-туз режимини тартибга солиш ва бошқаларни ўз ичига олди [3].

Муаммонинг бундай қўйилиши суғориладиган ерлардан фойдаланишда кўп мақсадли, энг юқори экологик-иқтисодий самараదорликни таъминлайдиган табиий ва моддий ресурсларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бундай ёндашувда нафақат гидротехник мелиорация (мелиоратив тизимларни такомиллаштириш) тадбирларни, балки мелиорациянинг бошқа турлари (химиявий, агротехник, агроўрмон мелиорация) тадбирларини амалга оширишни ҳам кўзда тутиш лозим [1].

Ҳозирги пайтда мелиоратив тизимларни такомиллаштиришнинг иқтисодий-экологик самараదорлигини аниқлашнинг илмий жиҳатдан пухта асослаб берилган ягона услубияти йўқ. Амалдаги тартибга кўра суғориш ва зах қочириш тармоқлари, гидротехник иншоотлар-мелиоратив тизимларни такомиллаштиришнинг обьектлари бўлиб ҳисобланмоқда. Лекин мелиоратив ерларга табиий обьект ва табиий ресурс сифатида (табиий обьект-табиий экотизим йиғиндинини, табиий ресурс-атмосферанинг ер атрофи қатламидаги ўсимлик ва ҳайвонот олами, еrosti ва ерусти сув ресурсларининг ўзаро боғланган ва ўзаро бўйсунувчи компонентларини англатади) қаралмаяпти [2].

Суғориладиган ҳудудларда мелиоратив обьектларнинг жойлашуви ва ўлчамларини асослашда, нафақат энг кичик харажатлар билан энг кўп маҳсулот олиш вазифаси, балки

уларнинг атроф-мухитга мумкин бўладиган салбий таъсирларини аниқлаш, бу жараённи тугатиш, ёки бу таъсирларни минимум ҳолатга келтиришнинг комплекс чора-тадбирлари кўриб чиқилиши керак.

Бунинг учун эса энг аввало қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

мелиоратив объексларнинг инвестицион жозибадорлиги учун шароит яратиш;

сув хўжалиги объексларини молиялаштиришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

сугориладиган ерларда атроф-мухитига ижобий таъсир этишини таъминлайдиган экологик-мелиоратив тадбирлар-

нинг комплекс тизимини асослаш;

тўлов асосида сувдан фойдаланиши амалга ошириш орқали сув хўжалиги (мелиоратив) тадбирларни ўтказиша моддий манфаатдорликни ошириш.

Шубҳасиз, сугориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорликни ошириш бўйича юқорида таъкидлаб ўтилган иқтисодий-экологик ёндашувлар қишлоқ хўжалигига табиий муҳитни асраб қолиш ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган ягона комплекс жараёнлар тизимини яратишга хизмат қиласди.

Абдулла МИРЗАЕВ,
Термиз давлат университети доценти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги № ПФ-5863-сон Фармони, www.Lex.uz.
3. Краснощеков В. Н. Теория и практика эколого-экономического обоснования комплексных мелиораций в системе адаптивно-ландшафтного земледелия: Монография.-М.: МГУП, 2001.-293с.
4. Краснощеков В.Н., Немкина Ю.М. Эколого-экономическое обоснование эффективности инвестиций в реконструкцию мелиоративных систем//Экономика природообустройства и управление природными ресурсами, № 4, 2012. С.87-91.
5. Мирзаев А.К. Эколого-экономический механизм эффективного землепользования//Сб. науч. докладов. международной научно-практической конференции на тему: “Актуальные вопросы развития социального сектора экономики: отечественный и международный опыт.” Май, 15,2020. Андижан, 2020.-С.172-177.

УЎТ: 641.535.7

ТАДҚИҚОТ

ПРИВЛЕЧЕНИЕ ИНВЕСТИЦИЙ В АГРАРНУЮ ОТРАСЛЬ

В республике дана экономическая оценка на источник и динамику изменения инвестиционных средств, привлечённых на основной капитал сельского хозяйства и на отношение между прибылью от деятельности фермерских хозяйств и инвестиционными средствами, израсходованными на данную деятельность. Аргументировано повышение прибыли на 22,6 процентов от данной деятельности при повышении на 1 единицу инвестиций, привлечённых на отрасль сельского хозяйства.

Исследования М.Муртозова и Ф.Ахророва подтверждают, что, не оживляя инвестиционную деятельность в сельском хозяйстве, невозможно достигнуть финансовой стабильности и поднятия экономики отрасли. Необходимо отметить, что все принимаемые меры направлены на дальнейшее повышение инвестиционной привлекательности сельского хозяйства страны и регулярного контроля их эффективного использования. В целях финансирования аграрной отрасли, обеспечения стабильности стоимости во внутреннем рынке, механизации аграрной отрасли, создания цепочки высокой добавленной стоимости и широкого применения рыночных тенденций при покупке и продаже в республике создан “Фонд поддержки сельского хозяйства со стороны государства”.

При этом намечено покрывать одну часть процентной ставки по банковским кредитам, выделенных для поддержки деятельности хлопководства, зерноводства и овощеводства, агрокластеров и фермерских хозяйств. Организация данной системы оказывает своё влияние на улучшение взаимодействия производства и распределения матери-

ально-технических ресурсов, на эффективность рыночной инфраструктуры, а также, на стабильный рост сельскохозяйственной деятельности и на снижение неравноправия между производителем и перерабатывающими отраслями. Считается важной экономическая оценка отношений между зарубежными и местными инвестициями, привлечённых прибылью от сельскохозяйственной деятельности или введённых в основную деятельность и влияющих на них факторов.

Инвестиции считаются одним из самых основных направлений экономического роста и расширения производства в отраслях. Привлечение инвестиций в сельское хозяйство является решающим фактором при экономическом росте, сокращении бедности и улучшении продовольственной безопасности.

Результат непрерывного осуществления реформ в социально-экономических отраслях республики повлиял на повышение объема размера и качества производства продукции в сельскохозяйственной деятельности, создаётся материальная основа для предотвращения продовольственной безопасности республики обеспечением сырьём перерабатывающей промышленности и для экспорта продукции. Инвестиционные средства считаются важными при обеспечении занятости сельского населения, диверсификации производственной деятельности фермерских хозяйств для создания цепочки производства и формирования деятельности многоотраслевых фермерских хозяйств.

Для предотвращения «противоборства» при экономической оценке полученных из прибыли деятельности фер-

мерских хозяйств инвестиционных средств и влияющим им факторам показатели размера количества (прибыль, посевная площадь, трудовые ресурсы, инвестиционные средства и расходы) выражаются десятеричным логарифмом (\ln)

А также, повышение посевных площадей фермерских хозяйств на 1 гектар приведёт к повышению объёма прибыли на 69,6 %. Но когда основным видом деятельности фермерских хозяйств считается скотоводство, важным считается 10 процентная ($p<.1$) статистика, количество прибыли повышается на 10,1 процентов. А между тем, при изменении показателя размера прибыли многоотраслевых фермерских хозяйств важным считается 5 процентная ($p<.05$) статистика, влияющая на повышение объёма прибыли на 15,4 процентов.

Сельскохозяйственная деятельность в республике имеет важное значение при удовлетворении потребности населения к продовольственной продукции, повышении прибыли сельского населения, при обеспечении занятости трудоспособного слоя населения. Инвестиционные средства считаются важными для устойчивого развития данной отрасли, повышения объёма производства, формировании многоотраслевого вида деятельности.

Отношения между инвестиционными средствами и размером прибыли от деятельности фермерских хозяйств имеют 1 процентное важное статистическое значение. Повышение на 1 единицу инвестиций, привлечённых в фермерскую деятельность, приведёт в будущем к повышению размера прибыли на 22,6 процентов.

Необходимо обращать внимание на статистически важные факторы при повышении размера прибыли от инвестиционных средств, привлечённых государством на сельскохозяйственную деятельность. То есть, нужно повысить размер инвестиционных средств для формирования деятельности имеющих относительно больше посевных площадей многоотраслевых фермерских хозяйств. А также, путём повышения образования и квалификации руководителей фермерских хозяйств можно достигнуть возможности привлечения инвестиций для расширения производственной деятельности.

**Сайдкарим МАХМУДОВ,
Лобар БОЗОРОВА,
соискатели,
ТГАУ.**

ЛИТЕРАТУРА

1. World Bank. 2007b. Philippines: agriculture public expenditure review. Technical working paper 40493. Washington, DC.
2. Муртазаев О., Ахроров Ф. Экономика сельского хозяйства. Илм Зиё, - Ташкент, 2017.
3. Сельское хозяйство Узбекистана. Государственный статистический комитет Республики Узбекистан. –Ташкент, 2020.

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Надёжная полимерная продукция от производителя

(+998) 94-638-33-33
(+998) 95-142-31-19
(+998) 97-342-50-08

polimergalantry@mail.ru
www.polimergalantry.uz

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

АГРОСАНОАТНИ КОМЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА БАГИШЛАНГАН 4 ИЛМИЙ МОНГОРАФИЯ



Иқтисод фанлари доктори Абдулла Мадалиев сўнгги икки йилда агросаноат иқтисодиётига тааллуқли 4 та китобини нашр эттириди. Уларда соҳага оид долзарб масалалар илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиб баён этилган. Қўйида шу китоблар мазмунига қисқача тўхтамамиз.

1. Агросаноат секторини комплекс ривожлантириш концепцияси.

Бунда бошқарувни демократлаштириш унда инсон омилини фаоллаштириш масалалари кўтарилиган. Жамоатчилик бошқарувларини ташкил этишининг назарий-фоявий асослари илгари сурилган. Бу билан:

- аҳоли ва фуқароларнинг давлат ҳамда бошқа тузилмалар бошқарувидаги иштиroker мумкин қадар кенгаяди;
- жамоатчилик ўзини-ўзи бошқариш тизимини ташкил этиш тамойиллари ишлаб чиқилган;
- барча фаолиятнинг бошида турувчи ва бошқарувни демократлаштиришда инсон омилини фаоллаштириш масалаларига эътибор қаратилган;
- энг зарарли иллат бўлган коррупция ва унга қарши курашиши ташкил этиш жиҳатлари кўрсатиб берилган;
- агросаноат тизимидағи корхоналар фаолиятини интеграциялаш ва генерациялаш тамойиллари тавсия этилган.

2. Агросаноат секторида бошқарувни демократлаштириш концепцияси.

Монография агросаноат секторини комплекс ривожлантиришнинг энг долзарб муаммоларидан бўлган бошқаришини демократлаштиришга бағишиланган. Бунда:

- агросаноатда ҳамкор корхоналарнинг интеграцион фаолиятни ташкил этиш хусусиятлари очиб берилган;
- агросаноат тизимидағи фаолият ва жараёнларни оптималлаштириш, интеграцион жараёнда мувозанат ва мутаносибликни таъминлаш аҳамиятига эътибор қаратилган;
- агросаноатни комплекс ривожлантириш жамоатчилик ўюшмасини ташкил этиш модели ишлаб чиқилиб тавсия этилган;

- туманларда қишлоқ хўжалик фаолиятини ташкил этиш муайян талаблар асосида миңтақаларга ажратилиб, улар ўзлари томонидан жамоатчилик асосида бошқарилади. Фермер хўжаликларининг тузилмаси, ер майдони қанча бўлиши, қандай экин турларини экиши, қандай ишлов бериши каби ишларнинг барчаси жамоатчилик асосида барча мавжуд имкониятлар доирасида ечилиши кўзда тутилган. Бу билан қишлоқ хўжалик фаолиятига бошқарув органларининг аралашувига ва ҳалал бериши барҳам топади ва масалалар ўз ўрнида ва жойида ечимини топиб боради.

3. Агросаноат ишлаб чиқаришини илм-фан билан интеграциялаш ва таълимни янада такомиллаштириш концепцияси.

Монографияда агросаноат секторини комплекс ривожлантиришда агросаноат ишлаб чиқаришини илм-фан билан интеграциялаш, кадрлар тайёрлашда таълимни янада тақомиллаштириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимидағи муаммолар, қатор камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муайян хуносалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги фаолияти ва бошқарувини ташкил этиш бутунлай илм-фан зиммасига юклаш масаласи кўтарилиган.

Шунингдек, илм-фан тараққиётига тушов бўлаётган омиллар, олий ўкув юритидан сўнгги таълимда авж олиб кетган нуқсонлар ва тўдабозликлар хусусида батафсил фикрлар юритилган. Бундай ҳолда республикада илм-фанининг ривожланишига мутлақо тўсиқ қўйилганлиги ва уни трансформациялаб, илм-фангга кенг йўл очишнинг услубиятлари кўрсатиб берилган.

4. Агросаноат секторида илмий-техник тараққиёт ва инновацияни ривожлантириш концепцияси.

Монография стратегик тараққиёт шароитида агросаноатни комплекс ривожлантиришга инновацион ёндашув, илм-фанинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ўрни ва вазифаларини ёртишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, агросаноат секторида кооперацион фаолият, рақамли иқтисодиётни ташкил этиш, “Ақлли агротехнология”, “Электрон бошқарув” дастурий тизимларини яратиш асослари, агрокластер, агрологистика, агротехнопарк ва бошқа инновацион конструкцияларни ташкил этишга катта аҳамият қаратилган.

Республикада иқтисодиётни комплекс равишда амалга ошириш зарурки, бу билан тараққиёт барқарор амалга ошади. Шунинг учун агросаноатни алоҳида саноат ва бошқа соҳаларни эса алоҳида ривожлантириш мақсадга мувофиқ эмас. Улар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилса, иқтисодиётнинг бир маромдаги комплекс ривожланиши содир бўлади. Юқорида айтилган барча масалаларни иқтисодий рақамлаштириш, ақлли технология ва уларнинг электрон бошқарувини ташкил этишининг барча имкониятлари мавжуд. Буларни амалга ошириш механизмлари, моделлари ва йўл хариталари ишлаб чиқилган.

УЧЁНЫЙ С БОЛЬШОЙ БУКВЫ

12 ноября 2021 года исполнилось бы 90 лет со дня рождения выдающегося ученого в области кормопроизводства, кормления сельскохозяйственных животных и технологии приготовления кормов Карибаева Кеуденбая.

К. Карибаев, казах, был уроженцем Казалинского района Кызылординской области КазССР. Он родился в семье колхозника. В довоенные годы его семья мигрировала в колхоз «Алгабас» Берунского (Шаббазского) района Каракалпакской АССР Узбекской ССР. В 1941-1946 гг он учился в школе и работал в колхозе. В 1954 году окончил Самаркандский сельскохозяйственный институт с отличием. В 1956-1959 гг. работал ассистентом Самаркандского сельскохозяйственного института. В 1959-1962 – обучался в аспирантуре при отделе кормления сельскохозяйственных животных Узбекского НИИ животноводства.

В 1965 году защитил диссертацию на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук в Ленинградском СХИ под руководством Е.Ершовой, а в 1972 году стал доктором сельскохозяйственных наук под руководством Заслуженного деятеля науки, Академика ВАСХНИЛ, Героя Социалистического Труда Александра Дмитриченко. В 1986 году ему присвоено звание профессора, в 1989 году — звание Заслуженного деятеля науки Узбекской ССР, а в 1992 году – избран членом-корреспондентом Узбекской Академии сельскохозяйственных наук. В 1991-1993 гг. он возглавил отделение животноводства, ветеринарии и кормопроизводства Узбекской Академии сельскохозяйственных наук. С 1964 года до конца жизни работал заведующим отделом кормления сельскохозяйственных животных и технологии кормов Узбекского НИИ животноводства.

Он долгие годы являлся членом Всесоюзного Координационного

совета по кормлению сельскохозяйственных животных и технологии кормов, членом специализированных советов по защите докторских диссертаций Алматинского зооветеринарного института, Таджикского аграрного университета, Узбекского НИИ животноводства. В 1991-1996 гг. был членом экспертного Совета ВАК Республики Узбекистан и Государственного комитета по науке и технике Республики Узбекистан.

Карибаева Кеуденбая хорошо знали как эрудированного ученого в области аграрной науки в СССР, странах СНГ и дальнем зарубежье. Многие его исследования, отличавшиеся новизной, были отмечены Государственным Комитетом по изобретениям и открытиям СССР, десятью авторскими свидетельствами, тремя патентами, восемью удостоверениями о регистрации достижений в области теории и практики аграрной науки.

Карибаев Кеуденбай был ярким пропагандистом достижений аграрной науки. Им опубликовано более 300 научных работ, в том числе 3 монографии, 1 учебник для сельхозвузов, 4 брошюры и более 40 рекомендаций. Он является одним из разработчиков новых детализированных норм кормления сельскохозяйственных животных ВАСХНИЛ и комплексной оценки питательности кормов Узбекистана по 25-35 показателям в соответствии с требованиями этих норм. Карибаев Кеуденбай активно сотрудничал и проводил исследования в рамках Международного проекта ИКАРДА ИФАД «Интегрирование кормопроизводства и животноводства в степях Центральной Азии».



Научное наследие Карибаева Кеуденбая довольно велико. Он подготовил 22 кандидатов наук, воспитал прекрасных 6 детей.

Научная деятельность Карибаева Кеуденбая достойно отмечена Родиной, он награжден медалью «За трудовое отличие», многочисленными Почетными Грамотами и Дипломами, награжден памятным значком «Мустакиллик». Его имя золотыми буквами занесено в Большую Энциклопедию Республики Узбекистан.

В последние годы Карибаев Кеуденбай, являясь Персональным пенсионером Республики Узбекистан, возглавлял отдел кормления сельскохозяйственных животных и технологии кормов Узбекского НИИ животноводства.

Карибаев Кеуденбай, живя и трудясь в Республике Узбекистан неустанно способствовал активному сотрудничеству между аграриями двух стран и международной дружбе казахского и узбекского народов.

Вся трудовая, научно-педагогическая и общественная деятельность нашего соотечественника Карибаева Кеуденбая является примером самоподтверждения служения аграрной науке и его светлый образ навсегда сохранится в сердцах всех, кому пришлось с ним работать.

Коллектив Узбекского НИИ животноводства и птицеводства гордится тем, что им пришлось работать вместе с известным корифеем и ученым с большой буквы!

Коллектив Узбекского НИИ животноводства и птицеводства,

Коллектив Казахского НИИ животноводства и кормопроизводства.

КАМТАР, ДИЁНАТЛИ, ХАЛОЛ ИНСОН ЭДИ

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга даваларимизда етиштирилаётган турли хил маҳсулотлар билан бирга, шолининг ҳам ўрни жуда мухим. Халқимиз севиб истеъмол қиласиган энг ширин таомлар айнан шолидан олинадиган гуручдан тайёрланади. Аемак, юртимизда шоли етиштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш доимо долзарб масала бўлиб қолаверади.



Лекин шоли ҳосили ўз-ўзидан ошиб кетмайди. Бунинг учун олимлар кунларни тунларга, ойларни йилларга улаб ишламоқда, тадқиқот ва тажрибалар олиб бормоқда. Шундай фидойи инсонлардан бири – қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Ўзбекистон Шолиҷилик илмий-тадқиқот институти лойиҳа раҳбари, катта илмий ходим Ауезхон Қурбонбоев эди. Афсуски, бевақт ўлим уни орамиздан олиб кетди.

Ауезхон Қурбонбоев 1954 йилнинг айни жазирамаси – август ойида Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманида туғилган. У оиласдаги икки ўғилнинг укаси, тўрт сингилнинг акаси эди. Отаси Қурбонбой aka ва онаси Заура ая фарзандларини ёшлигидан билимли, одобли, камтар, чин инсон қилиб тарбиялашга катта аҳамият берди. Уларнинг олий маълумот олиб, юртимиз, халқимиз корига яраши учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қилди. Ауезхон 1969 йили ўрта мактабни тугатгач, хўжаликда уч йил ишчи бўлиб ишлади. Шунданми ёки қишлоқда туғилиб ўсгани учунми унинг қишлоқ хўжалигига меҳри бошқача эди. Шу истик Ауезхоннини Кубан қишлоқ хўжалиги институтига етаклади ва 1973 йили у ушбу олий ўқув юрти талабасига айланди.

1978 йили институтни тугатиб юртга қайтгач, иш фаолиятини Қорақалпоқ минтақавий Агрокимё лабораториясида катта агроном-агротехникидан бошлади. Илмга чанқоғлиги туфайли 1980 йили Ўзбекистон Шолиҷилик илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалига ишга ўтиб, кичик илмий ходим лавозимини эгаллади. Шу билан бирга мазкур институтнинг аспирантурасига ўқишига кирди. 1983 йили аспирантурани тугатгач, ЎзШИТИ Қорақалпоқ филиали катта илмий ходими, лаборатория мудири, илмий котиби, мазкур институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон шоли илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди.

У қаерда ишламасин тиришқоғлиги, меҳнатсеварлиги, ўз ишига масъулият билан ёндашиши туфайли жамоасида обрў-эътибор қозонди, бошқаларга намуна бўлди.

1992 йили А. Қурбонбоев илмдан ажralиб, Нукус тумани ҳокими ўринбосари лавозимини эгаллади. Туман қишлоқ хўжалиги ривожига ўз ҳиссасини кўшди. Орадан иккى

йил ўтгач Қорақалпоғистон шоли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига раҳбарлик қилди. Республика шароитида шоли етиштиришнинг янги усуллари устида илмий-амалий ишлар олиб борди. 1997-2000 йилларда яна хўжалик ишлари билан шуғулланди – Чимбой тумани ҳокими бўлди. У раҳбарлик қилган йилларда туманда пахтачилик, ғаплачилик ва бошқа соҳалар кенг ривожланди. 2000 йилдан эса у Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам бериш жамғармаси раиси лавозимида иш бошлади. Бу лавозимда у саккиз йил самарали, ҳалол меҳнат қилди. Республикада аграр соҳани ривожлантиришга имкони даражасида ўз ҳиссасини кўшди.

2008-2010 йилларда Ауезхон aka Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Кейин эса яна илмга қайтди – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Дон экинлари селекцияси, ургучилиги ва агротехника бўлими бошлиғи бўлди. 2017-2018 йилларда эса Тошкент давлат аграр университетида доцент лавозимида ишлади, талабаларга тарбия ва билим берди. 2018 йилдан Шолиҷилик илмий-тадқиқот институтида лойиҳа раҳбари, катта илмий ходим сифатида самарали фаолият олиб бораётган эди. Унинг мақсади замонавий технологияларни жорий этиш туфайли тезпишар, серҳосил шоли навлари яратиш, шу билан янги Ўзбекистон ривожига ўз ҳиссасини кўшиш эди.

Ауезхон aka оиласда меҳрибон ота, кўплаб набираларнинг севимли бобоси эди. У турмуш ўртоғи Таисия Нуринбетова билан бирга икки ўғил бир қизни тарбиялади. Бугун унинг фарзандлари юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Ауезхон Қурбонбоев умри давомида жуда кўп лавозимларда ишлади. Лекин ишига, лавозимига ҳеч қачон хиёнат қилмади. Доимо эл хизматида бўлди, одамлар ташвиши билан яшади, лавозими даражасидаги барча муаммоларни ҳал қилишга уринди. Шунинг учун ҳамма жойда иззат-икром топди, ўзгалар хурматига сазовор бўлди. Ауезхон Қурбонбоевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Ўзбекистон Шолиҷилик илмий-тадқиқот институти жамоаси.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK'LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay`ati:

Shuhrat G'ANIYEV

Jamshid XO'JAYEV

Shavkat XAMRAYEV

Shuhrat TESHAYEV

Azimjon NAZAROV

Bahodir TOJIYEV

Ravshan MAMUTOV

Abrol VAXOBOV

Bahrom NORQOBILOV

Nizomiddin BAKIROV

Botirjon SULAYMONOV

Ravshanbek SIDDIQOV

Mirziyod MIRSAIDOV

Baxtiyor KARIMOV

Ibrohim ERGASHEV

2021-yil,
Noyabr №11.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq va
suv xo'jaligi" jurnalidan olindi",
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	1
Аграр университети фаолиятини такомиллаштирумокда.....	3
М.ТОШБОЛТАЕВ, Р.ХУДАЙКУЛИЕВ. Кўсак терни машиналарини сифатли ишлатиш.....	4
Р.СИДИҚОВ, Н.ЮСУПОВ. Дехкон дала кезади.....	5
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Тўқсонбости усулида сабзавот экинлари етиштириш агротехникаси	6
М.ГЕНЖЕБАЕВ, Р.ЮСУПОВ. Карам маҳсулотининг халк хўжалигидаги аҳамияти ва уни саклаш усуллари	9
Д.ЁРМАТОВА, С.АБДИНАЗАРОВ. Ўзбекистонда зайдунчлик истикборлари ва муаммолари	10
Б.ХУРРАМОВ. Зира – шифобаҳш экин.....	12
Х.КАРИМОВ. „Ўсиш нукталари”, янги марралар белгилаб олинмоқда	13
Хар бир мурожаат – инсон тақдирiga даҳлор	14
Сув хўжалигий бўйича барча мурожаатлар ўрганилиб, расмий муносабат билдирилади ...	14
Ш.НОРМУРОДОВ. Томчиди акт этган барака.....	15
Янгича ишлаши яхши даромад келтирумокда.....	16
Ш.ЖАББАРОВА. Кишлек фарзанди	17
Ш.СОДИҚОВА. Бугуннинг фидойилари	18
Халол меҳнат меваси	19
Р.ТОЖАЛИЕВА. Агар ният холис бўлса.....	20
Соҳа ривожи йўлида	21
Ветеринария ва чорвачиликда янги гоялар	22
Чорвадорга камарбаста.....	23
А.СУВОНҚУЛОВ. Иқтисодий судларнинг давлат божи тўловидан озод килиниши асослари	24
Н.САНГИРОВ. Кўчмас мулк объектлари бузуб ташланиши муносабати билан мулкдорларга бериладиган компенсация турлари	25
Г.БОЙХОНОВА, А.РАВШАНОВ, В.АВТОНОМОВ, Ш.ХОДЖАНОВ. Наследование признака «количество моноподий на растении» у межсортовых гибридов F ₁ , хлопчатника вида <i>G. Barbadense L.</i>	26
Н.ТУРСЫМУРАТОВА, О.НАГЫМЕТОВ. Влияние засушливого агрофона в формировании количественных признаков сорта хлопчатника Чимбай -5018	27
П.ИБРАГИМОВ, Д.ТУРАЕВА, Б.ҮРЗОЗОВ, С.ЭРГАШЕВА, Э.РАХМАТХЎЖАЕВА, С.РАСУЛОВ. Узоклашган дурагай оиласларда тола сифатининг тола узунлиги бўйича трансгрессив оиласларнинг пайдо бўлиши	28
Н.ЁДГОРОВ, Б.ҲАСАНОВ. Кузги жавдар навлари ўсимлик бўйи ва бошоқдаги дон массаси	30
Ш.ОРИПОВ. Мойли зигирнинг бошланғич уруғчилигини ташкил этиши	32
Д.МУЛЛАЕВ. Бүгдой сарик занг (<i>Puccina striiformis f.Sp. Tritica</i>) замбуруғларининг вирулентлик хусусиятларини Кашиқадарё вилояти шароитида ўрганиш	33
У.ҚОДИРОВ. Ўсимликнинг вегетация давомийлигига уруғлик бош пиёзни экиш схемаси ва ўлчамларининг таъсири	34
Н.ГАДАЕВ, И.ЭРГАШЕВ. Шўрланган сувда томчилатиб сугориш ва тупроқнинг унумдорлигини назорат килиш	35
М.РАХМОНОВА, Ҳ.ЭРГАШОВА. Янги турдаги инсектицидларни олма меваҳўри миқдорини бошқаришда кўllaш ва унинг самарадорлигини аниқлаш	37
Э.БЕРДИЁРОВ, М.ОТАХОНОВ, Д.АЛЛАЁРОВА, Ф.БЕРДИЁРОВА. Ювилмайдиган очик зовувларни лойихалаш усули	38
Л.СУВАНОВА, Ш.ИМОМОВ, И.САПАЕВ, Б.КАМАНОВ. Юқори хароратли карбид кремний асосидаги электр иситигиларни ишлаб чиқаришда катта қўёш печининг технологик имкониятлари	39
Ш.ИШМУРАДОВ, Р.АБДУМАЖИДОВ, Б.БОБОҚУЛОВ. Форсункалар ишончлилигига Д-240 дизел двигателлари ишлаши шароитининг таъсири	41
А.МИРЗАЕВ. Сугориладиган ерлардан фойдаланиши самарадорлигини баҳолашда иқтисодий-экологик ёндашувлар	42
С.МАХМУДОВ, Л.БОЗОРОВА. Привлечение инвестиций в аграрную отрасль	43
Агросаноатни комплекс ривожлантиришга бағишиланган 4 илмий монография	45
Учёный с большой буквы.....	46
Камтар, диднатли, халол инсон эди	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh., Shayxontohur t., A.Navoijy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjurnal.uz
E-mail: uzxq_jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: uzxqjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2021-yil 1-noyabr. Bosishga ruxsat etildi: 2021-yil 1-noyabr. Qog'oz bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga chop etildi. Sharlti bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma tabog'i – 5,0. Buyurtma №11. Nusxasi 1000 dona.


«HIOL MEDIA» MCHJ matbaa bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuv.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Тошкент сув омборларидаң фойдаланиш бошқармасида ҳам келгуси ийлги сугориш мавсумига пухта тайёргарлик күрilmоқда. Кузги-қишки тадбирлар “Тошкент” ҳамда “Оҳангарон” сув омборларида амалға ошириляпти. Барча ишчи-ходимлар тадбирға жалб этилган бўлиб, жойларда қазиш ва тозалаш ишлари бажарилмоқда, техникалар назоратдан ўтказилияпти.



“Оҳангарон” сув омборидаги тұғонда күпчилік ходимлар “тескари фильтр”ларни тозалаш ишлари билан банд. Шунингдек, сув омбори бетонларининг деформация чокларини битум билан түлдиришга алоҳида эътибор

қаратилмоқда.

– Мавсумга тайёргарлик жуда дозарб ва катта ахамиятга эга, – дейди “Оҳангарон” сув омбори раҳбары Лутфилла Турсунов. – Ҳозир айни фурсат, омборда сув камайған пайтда

ишларни рисоладагидек бажарып олишимиз керак. Қиладиган ишларимиз кўп. Шу боис, қўшимча ишчи кучи жалб этганимиз.

**Чирчиқ-Оҳангарон ИТҲБ
матбуот хизмати.**

ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИНГ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЦИҚАРИЛЯПТИ

Фарғона шаҳрининг Қиргули мавзесида водийда биринчи бўлиб сувни тежайдиган технологияларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарадиган ва, шу билан бирга, сервис хизматларини кўрсатадиган корхона иш бошлаганига кўп бўлганийтук. 50 кишини иш билан таъминлаган бу корхонанинг номи “GREEN BELT” деб аталади ва унинг янги очилган дўконидан фермерлар сувни тежайдиган технологияларнинг эҳтиёт қисмларини харид қилишлари мумкин.



Корхонамиз бир неча йилдан бери Фарғона вилоятидаги фермер хўжаликларида сув тежовчи технологияларни жорий этиш ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Жорий йилда 3 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни ўрнатиб, ишга туширидик, – дейди корхона раҳбари Насриддин Шамсутдинов.

Сервис марказида мутахассислар талабгорларга томчилатиб сугориш технологиясини ишлатиш бўйича йўл-йўрик кўрсатади ва амалий ёрдам беради. Фермерлар қисқа вақтда мутахассис бўлиб қолади. Масалан, фермер даст-

лабки йили пудрат ташкилоти билан биргаликда 15 гектар ерда сув тежовчи технологияларни ўрнатса, келгуси йили ўзи зарур қисмларни сотиб олиб ўрнатиши мумкин. Ҳозирда “GREEN BELT” томонидан полиэтилен қувурлар билан бирга яна 20 дан ортиқ зарур эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариляпти. Келажакда бу ерда фильтр ва насосларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Сирдарё-Сўҳ ИТҲБ матбуот котиби.**

ОБУНА – 2022 *** ОБУНА – 2022 *** ОБУНА – 2022

АГАР СИЗ «O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI» ВА «AGRO ILM» ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ:



- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиrolар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обунани тўғридан-тўғри
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва
“Матбуот тарқатувчи” АКнинг
жойлардаги бўлимларида,
шунингдек, таҳририят орқали
расмийлаштиришингиз мумкин.



Обуна индекслари:
«O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi» – 895
«Agro ilm» – 859



Журналларимизга
2022 йил учун
обуна бўлинг!